e-mail: [lochinov.farxod7410@gmail.com](mailto:lochinov.farxod7410@gmail.com)

**Резюме.** Ушбу мақолада йўл-транспорт ҳодисаларида ҳайдовчилар ўлими билан боғлиқ ҳолатларнинг вужудга келишида аҳамиятли бўлган омилларни ўрганиш ва бу турдаги нохуш ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган тавсиялар берилган. Тадқиқот жараёнида РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалининг жойлардаги бўлимларида йўл-транспорт ҳодисаларида ҳайдовчилар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар бўйича 2020-2022 йилларда тузилган эксперт хулосалари ўрганилди. Тадқиқот натижасида йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари (ҳайдовчи, йўловчи, пиёда) орасида юз берган ўлимнинг 26,6 фоизи ҳайдовчилар ҳиссасига тўғри келиши, ўлим асосан воқеа жойида (75,5%) бош, кўкрак ва қорин аъзоларининг қўйма жароҳатидан (34,4%) юз берганлиги аниқланди. Жумладан, эрақларда ўлим ҳолати аёлларга нисбатан кўп эканлиги, 18-30 ёш оралигида бўлган шахсларда ўлим кўрсаткичи бошқаларга нисбатан юқорилиги, куз ва қиш фаслларида, ҳафтанинг шанба ва якшанба кунинда ҳамда суткани тунги қисмида ўлим кўп қайд этилган. Шунингдек, алкоғолдан мастлик ҳолатида йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш оқибатида вафот этган ҳайдовчиларнинг ўлим кўрсаткичи ошганлиги аниқланди.

**Калит сўзлар:** суд-тиббий экспертиза, автомобил травмаси, йўл-транспорт ҳодисалари, профилактик чоралар.

**Abstract.** This article provides a forensic analysis of the factors that are important in cases of death of drivers in road accidents and recommendations aimed at eliminating this type of injury. To solve this problem, the forensic medical reports compiled by experts of the Tashkent regional branch of the Russian National Scientific and Cultural Center for the period 2020-2022 have been studied. The results of the study showed that mortality among participants in road accidents (drivers, passengers, pedestrians) is more common among drivers (26.6%) from combined head, thoracic and abdominal injuries (34.4%), in most cases at the scene of accidents (75.5%). It was also found that mortality is more common among men and persons of 18-30 years of age, according to the seasons of the year, the maximum number of deaths occurred in the winter and spring periods, on days of the week they were more often committed on Saturday and Sunday and during the daytime. It was also noted that there was an increase in mortality rates among participants in a traffic accident with injuries from a traffic accident as a result of drinking alcoholic beverages.

**Key words:** forensic medical examination, car injury, traffic accident, preventive measures.

**Мавзуни долзарблиги.** Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги ҳисоботида кўра, йўл-транспорт ҳодисаларида ҳар йили 1,35 миллиондан зиёд киши ҳалок бўлади ва 50 миллиондан ортиқ кишига турли оғирликдаги тан жароҳатлари

етказилади. Суд-тиббий экспертиза маълумотларига биноан транспорт травмаси бўйича ўтказилган экспертизаларнинг 90 фоизидан ортигини автомобил травмаси ташкил этади.



Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси маълумотиغا кўра, 2021 йилда мамлакатимизда 10001 та йўл-транспорт ҳодисалари қайд этилган бўлиб уларда 9230 киши турли даражада тан жароҳати олган ва 2436 киши ҳаётдан кўз юмган. Биргина Тошкент шаҳрида қайд этилган 1073 та йўл-транспорт ҳодисаларда 142 киши ҳалок бўлган.

Сенатда бўлиб ўтган автомобил йўлларида хавфсизликни таъминлашга оид йиғилишда маълум қилинишича, Ўзбекистонда 2022 йилнинг январ-октябр ойларида 7 минг 636 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган, уларда 7 минг 174 нафар фуқаро жароҳатланган ва 1 минг 931 нафар фуқаро ҳалок бўлган, Тинч замонда 2000 га яқин фуқароларнинг йўл-транспорт ҳодисасида ҳалок бўлиши жамиятмиз учун катта фожа бўлиб барчамизда бирдек ташвиш уйғотади ва ҳозирги куннинг долзарб мавзуси ҳисобланади [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10].

**Тадқиқотнинг мақсади.** Суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича йўл-транспорт ҳодисаларида ҳайдовчилар ўлими билан боғлиқ ҳолатларни статистик таҳлил қилиш йўли билан унга суд-тиббий баҳо бериш ҳамда уларнинг вужудга келишида аҳамиятли бўлган омилларни ўрганиш ва бу турдаги нохуш ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Текширув натижалари ва муҳокамаси.** Ушбу мақсадда Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилояти филиалининг жойлардаги бўлимларида йўл-транспорт ҳодисаларида ҳайдовчилар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар бўйича 2020-2022 йилларда тузилган эксперт хулосалари ўрганилди ва статистик таҳлил қилинди.

2020 йил давомида жами 2909 та мурдага оид суд-тиббий экспертизалар ўтказилган бўлиб йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш билан боғлиқ 315 та (10,8%) ўлим ҳолати қайд этилган. Уларнинг 78 таси (24,8%) ҳайдовчилар ҳиссасига тўғри келиб, 70 таси (89,7%) енгил автомашина ҳайдовчилари ва 8 тасини (10,3%) юк автомашинаси ҳайдовчилари ташкил этади. Йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш билан боғлиқ ўлимнинг 61 таси (78,2%) воқеа жойида ва 17 таси (21,8%) тиббий муассасаларда юз берган. Ўлимнинг юз бериш сабаблари ўрганилганда: 21 та (26,9%) ҳолатда бош, кўкрак, қорин аъзолари ва қўл-оёқларининг қўшма жароҳатидан; 26 та ҳолатда (33,3%) бош мия жароҳатидан, 22 та ҳолатда (28,2%) кўкрак қафаси аъзоларининг жароҳатидан; 9 та ҳолатда (11,5%) қорин аъзоларининг жароҳатидан келиб чиққанлиги аниқланди. Йўл-транспорт ҳодисасидан ўлимнинг 73 таси (93,6%) эркакларда ва 5 таси (6,4%) аёлларда қайд этилган. Ёши бўйича таҳлил қилганда: 18-30 ёшгача 28 та (35,9%), 30-40 ёшгача 21 та (26,9%), 40-50 ёшгача 16 та (20,5%), 50-60 ёшгача 11 та (14,1%) ва 60 ёшдан юқориларда 2 та (2,6%) ҳолат аниқланган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда - қишда 26 та (33,3%), баҳорда 9 та (11,5%), ёзда 19 та (24,4%) ва кузда 24 та (30,8%) ўлим ҳолатлари кузатилган. Хафта кунлари бўйича – душанба 10 та (12,8%), сешанба 9 та (11,5%), чоршанба 6 та (7,7%), пайшанба 13 та (16,7%), жума 10 та (12,8%), шанба 16 та (20,5%) ва якшанба 14 та (17,9%) ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим суткани

қайси қисмида юз берганлиги таҳлил қилинганда: 27 таси (34,6%) кундузи (соат 06:00-18:00) ва 51 таси (65,4%) тунги (18:00-06:00) вақтга тўғри келган. Ушбу йилда йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш оқибатида вафот этганлардан 20 та ҳайдовчида (25,6%) алкогольдан мастлик ҳолати аниқланган.

2021 йил давомида жами 3003 та мурдага оид суд-тиббий экспертизалар ўтказилган бўлиб йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш билан боғлиқ 392 та (13,1%) ўлим ҳолати қайд этилган. Уларнинг 104 таси (26,5%) ҳайдовчилар ҳиссасига тўғри келиб, 98 таси (94,2%) енгил автомашина ҳайдовчилари ва 6 тасини (5,8%) юк автомашинаси ҳайдовчилари ташкил этади. Йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш билан боғлиқ ўлимнинг 74 таси (71,2%) воқеа жойида ва 30 таси (28,8%) тиббий муассасаларда юз берган. Ўлимнинг юз бериш сабаблари ўрганилганда: 41 та (39,4%) ҳолатда бош, кўкрак, қорин аъзолари ва қўл-оёқларининг қўшма жароҳатидан; 29 та ҳолатда (27,9%) бош мия жароҳатидан, 26 та ҳолатда (25,0%) кўкрак қафаси аъзоларининг жароҳатидан; 8 та ҳолатда (7,7%) қорин аъзоларининг жароҳатидан келиб чиққанлиги аниқланди. Йўл-транспорт ҳодисасидан ўлимнинг 93 таси (89,4%) эркакларда ва 11 таси (10,6%) аёлларда қайд этилган. Ёши бўйича таҳлил қилганда: 18-30 ёшгача 30 та (28,8%), 30-40 ёшгача 22 та (21,2%), 40-50 ёшгача 13 та (12,5%), 50-60 ёшгача 9 та (8,7%) ва 60 ёшдан юқориларда 4 та (3,8%) ҳолат аниқланган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда - қишда 32 та (30,8%), баҳорда 22 та (21,2%), ёзда 23 та (22,1%) ва кузда 27 та (26,0%) ўлим ҳолатлари кузатилган. Хафта кунлари бўйича – душанба 11 та (10,6%), сешанба 11 та (10,6%), чоршанба 12 та (11,5%), пайшанба 10 та (9,6%), жума 9 та (8,7%), шанба 14 та (13,5%) ва якшанба 15 та (14,4%) ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим суткани қайси қисмида юз берганлиги таҳлил қилинганда: 38 таси (36,5%) кундузи (соат 06:00-18:00) ва 66 таси (63,5%) тунги (18:00-06:00) вақтга тўғри келган. Ушбу йилда йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш оқибатида вафот этганлардан 25 та ҳайдовчида (24,0%) алкогольдан мастлик ҳолати аниқланган.

2022 йил давомида жами 2738 та мурдага оид суд-тиббий экспертизалар ўтказилган бўлиб йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш билан боғлиқ 290 та (10,6%) ўлим ҳолати қайд этилган. Уларнинг 83 таси (28,6%) ҳайдовчилар ҳиссасига тўғри келиб, 76 таси (91,6%) енгил автомашина ҳайдовчилари ва 7 тасини (8,4%) юк автомашинаси ҳайдовчилари ташкил этади. Йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш билан боғлиқ ўлимнинг 65 таси (78,3%) воқеа жойида ва 18 таси (21,7%) тиббий муассасаларда юз берган. Ўлимнинг юз бериш сабаблари ўрганилганда: 29 та (34,9%) ҳолатда бош, кўкрак, қорин аъзолари ва қўл-оёқларининг қўшма жароҳатидан; 27 та ҳолатда (32,5%) бош мия жароҳатидан, 22 та ҳолатда (26,5%) кўкрак қафаси аъзоларининг жароҳатидан; 5 та ҳолатда (6,0%) қорин аъзоларининг жароҳатидан келиб чиққанлиги аниқланди. Йўл-транспорт ҳодисасидан ўлимнинг 75 таси (90,4%) эркакларда ва 8 таси (9,6%) аёлларда қайд этилган. Ёши бўйича таҳлил қилганда: 18-30 ёшгача 29 та (34,9%), 30-40 ёшгача 26 та (31,3%), 40-50 ёшгача 12 та (14,5%), 50-60 ёшгача 10 та (12,0%) ва 60 ёшдан юқориларда 6 та (7,2%) ҳолат аниқланган.



Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда - қишда 25 та (30,1%), баҳорда 16 та (19,3%), ёзда 18 та (21,7%) ва кузда 24 та (28,9%) ўлим ҳолатлари кузатилган. Хафта кунлари бўйича – душанба 9 та (10,8%), сешанба 14 та (16,7%), чоршанба 10 та (12,0%), пайшанба 8 та (9,6%), жума 11 та (13,3%), шанба 16 та (19,3%) ва якшанба 15 та (18,1%) ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим суткани қайси қисмида юз берганлиги таҳлил қилинганда: 29 таси (34,9%) кундузи (соат 06:00-18:00) ва 54 таси (65,1%) тунги (18:00-06:00) вақтга тўғри келган. Ушбу йилда йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш оқибатида вафот этганлардан 23 та ҳайдовчида (27,7%) алкоғолдан мастлик ҳолати аниқланган.

Таҳлил натижаларига кўра охириги 3 йил давомида жами 8650 та мурдага оид суд-тиббий экспертизалар ўтказилган бўлиб, улардан 997 тасини (11,5%) йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш оқибатидаги ўлим ҳолати ташкил этади. Уларнинг 265 таси (26,6%) ҳайдовчилар ҳиссасига тўғри келиб, 244 таси (92,1%) енгил автомашина ҳайдовчилари ва 21 тасини (7,9%) юк автомашинаси ҳайдовчилари ташкил этади. Йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш билан боғлиқ ўлимнинг 200 таси (75,5%) воқеа жойида ва 65 таси (24,5%) тиббий муассасаларда юз берган. Ўлимнинг юз бериш сабаблари ўрганилганда: 91 та (34,4%) ҳолатда бош, кўкрак, қорин аъзолари ва қўлоёқларининг қўшма жароҳатидан; 82 та ҳолатда (30,9%) бош мия жароҳатидан, 70 та ҳолатда (26,4%) кўкрак қафаси аъзоларининг жароҳатидан; 22 та ҳолатда (8,3) қорин аъзоларининг жароҳатидан келиб чиққанлиги аниқланди. Йўл-транспорт ҳодисасидан ўлимнинг 241 таси (90,9%) эркакларда ва 24 таси (9,1%) аёлларда қайд этилган. Ёши бўйича таҳлил қилганда: 18-30 ёшгача 87 та (32,8%), 30-40 ёшгача 69 та (26,0%), 40-50 ёшгача 41 та (15,5%), 50-60 ёшгача 30 та (11,3%) ва 60 ёшдан юқориларда 12 та (4,5%) ҳолат аниқланган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда - қишда 83 та (31,3%), баҳорда 47 та (17,7%), ёзда 60 та (22,6%) ва кузда 75 та (28,3%) ўлим ҳолатлари кузатилган. Хафта кунлари бўйича – душанба 30 та (11,3%), сешанба 34 та (12,8%), чоршанба 28 та (10,6%), пайшанба 31 та (11,7%), жума 30 та (11,3%), шанба 46 та (17,4%) ва якшанба 44 та (16,6%) ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим суткани қайси қисмида юз берганлиги таҳлил қилинганда: 94 таси (35,5%) кундузи (соат 06:00-18:00) ва 171 таси (54,5%) тунги (18:00-06:00) вақтга тўғри келган. Ушбу йилда йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш оқибатида вафот этганлардан 68 та ҳайдовчида (25,7%) алкоғолдан мастлик ҳолати аниқланган.

Таҳлил натижаларига кўра, йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш оқибатида ўлим мурдага оид ўтказилган жами экспертизаларнинг салмоқли (11,5%) қисмини ташкил қилиб, кўпчилиги ҳайдовчиларда (26,6%) қайд этилган. Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатидаги ўлим асосан енгил автомашина ҳайдовчиларида (92,1%), воқеа жойида (75,5%) ҳамда бош, кўкрак ва қорин аъзоларининг қўшма жароҳатидан (34,4%) юз берган. Жумладан, эркакларда ўлим ҳолати аёлларга нисбатан кўп (90,9%) эканлиги, 18-30 ёш оралиғида бўлган шахсларда (32,8%) ўлим кўрсаткичи бошқаларга нисбатан юқорилиги, қиш (31,3%) ва куз (28,3%) фаслларида, хафтанинг шанба

(17,4%) ва якшанба (16,6%) кунларида ҳамда суткани тунги қисмида (54,5%) ўлим ҳолатлари кўп қайд этилганлиги аниқланди. Шунингдек, алкоғолдан мастлик ҳолатида йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш оқибатида вафот этган ҳайдовчиларнинг ўлим кўрсаткичи нисбатан юқори даражада (жами вафот этган ҳайдовчиларнинг ¼ қисми) сақланиб турганлиги аниқланди.

**Хулоса.** Юқоридагилардан келиб чиқиб, йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш оқибатида ўлим билан боғлиқ нохуш ҳолатларини олдини олиш мақсадида, ушбу ҳолатларни вужудга келишида аҳамиятли бўлган омиллар (пиедалар йўлнинг белгиланмаган жойидан ўтиши, белгиланган тезликка риоя қилмаслик, велосипед йўлаклари ташкил этилмагани, автомобилни маст ҳолатда бошқариш, хавфсизлик камаридан фойдаланмаслик, техник носоз автомобилнинг бошқариш ва х.к.з)ни ўрганиш ва уларни бартараф қилишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда йўл-транспорти травматизми бўйича аҳоли орасида мунтазам тарзда кенг тушунтириш ишларини олиб боришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан бир қаторда тиббиёт ходимларининг ҳам иштироки муҳим аҳамият касб этади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғриси”даги ПҚ-190-сон қарори, 04.04.2022.
2. Бахриев И.И., Лочинов Ф.Н. Осмотр и судебно-медицинское исследование трупа // Учебное пособие. Ташкент, 2023.
3. Бекназаров Ш.Й., Лочинов Ф.Н. ва бошқ. Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида жароҳатланиш ва ўлимнинг суд-тиббий таҳлили. ТТА ахборотномаси. 2024, №7. 68-71 б.
4. Ғиёсов З.А. Суд тиббиёти. // Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, “Global Books” нашрети, 2018.
5. Маякова М.В. Судебно-медицинская оценка травматических повреждений участников ДТП (водителей и пассажиров переднего сидения), возникающих в салоне автомобиля при лобовом столкновении с движущейся преградой // Актуальные вопросы судебно-медицинской науки и практики. - Киров, 2010. - С. 245.
6. Индиаминов С.И., Гамидов С.Ш., Исмаилов Р.А. Характеристика повреждений у пешеходов при автомобильной травме // Проблемы биологии и медицины. 2020, №5.1 (123), С. 164-169.
7. Кишишян Р.А. Детский дорожно-транспортный травматизм у детей: медико-организационные аспекты проблемы: Автореф. дисс ... докт. мед. наук. Москва. 2010.
8. Лочинов Ф.Н., Тожикулов Р.А. ва бошқ. Йўл-транспорт ҳодисаларида болалар ўлими: келиб чиқиш сабаблари ва нохуш ҳолатларнинг олдини олиш чоралари // ТТА ахборотномаси. 2023, 77-79 б.
9. Судебная медицина: национальное руководство / под ред. Ю.И. Пиголкина. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2018.

10. Шодиев Г.Б., Бекназаров Ш.Й., Лочинов Ф.Н. Ўлимга олиб келувчи автожароҳатларни баҳолашнинг суд-тиббий мезонлари. ТТА ахборотномаси. 2023, 270 б.

### **СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКИЙ АНАЛИЗ СМЕРТНОСТИ ВОДИТЕЛЕЙ ПРИ ДОРОЖНО- ТРАНСПОРТНЫХ ПРОИСШЕСТВИЯХ**

*Лочинов Ф.Н., Тожиккулов Р.А., Хайдаров Я.К.*

**Резюме.** В данной статье приводится судебно-медицинский анализ факторов, имеющих значение в случаях смертности водителей при дорожно-транспортных происшествиях и рекомендации, направленные для устранения данного вида травматизма. Для решения этой проблемы изучены судебно-медицинские заключения, составленные экспертами Ташкентского областного филиала РНПЦСМЭ за пе-

риод 2020-2022 гг. Результаты исследования показали, что смертность среди участников дорожно-транспортных происшествий (водителей, пассажиров, пешеходов) встречается чаще у водителей (26,6%) от сочетанной травмы головы, органов грудной и брюшной полости (34,4%), в большинстве случаев на месте происшествий (75,5%). Также установлено, что смертность встречается чаще среди мужчин и лиц 18-30 летнего возраста, по сезонам года максимальное количество летальных исходов приходилось на зимне-весенние периоды, по дням недели чаще совершались в субботу и воскресенье и ночное время суток. Также отмечено, увеличение показателей смертности водителей при повреждениях от дорожно-транспортного происшествия в результате употребления алкогольных напитков.

**Ключевые слова:** судебно-медицинская экспертиза, автомобильная травма, дорожно-транспортное происшествие, меры профилактики.



Султонов Равшан Комилжонович

Термиз иқтисодиёт ва сервис университети, Ўзбекистон Республикаси, Термез ш.

## МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЛЕГОЧНОГО СТВОЛА У ДЕТЕЙ РАННЕГО ДЕТСТВА

Султонов Равшан Комилжонович

Термезский университет экономики и сервиса, Республика Узбекистан, г. Термез

## MORPHOLOGICAL ASPECTS OF THE PULMONARY TRUNK IN EARLY CHILDHOOD CHILDREN

Sultonov Ravshan Komiljonovich

Termez University of Economics and Service, Republic of Uzbekistan, Termez

e-mail: [ravshansultonov606@gmail.com](mailto:ravshansultonov606@gmail.com)

**Резюме.** Ушбу мақолада постнатал онтогенезда туғилгандан эрта болалик давригача бўлган болаларнинг ўпка поясининг морфологик жиҳатларини баҳолашдан иборат. Тадқиқотни Республика паталогик анатомия марказида 2021-2023 йилда келган янги туғилган ёшдан эрта болалик (1-3 ёш) давригача бўлган 32 нафар болалар мурдаси устида олиб борилди. Ўлган болаларда ўпка бронх йўлларида касалликлари бўлмаган асосан юрак ортирилган нуқсонлари ва бошқа сабаблар натижасида вафот этган болалар мурдасида ўрганилди. Бола ҳаётининг биринчи йилида ўпка поясининг диаметри ўртача 24,3% га ошганлиги аниқланди. Тадқиқотимиздаги ҳамма болаларда ўпка поясининг ҳар бир артерияси шаклланишида, уларнинг диаметри айтарли фарқ кузатилмади, яъни диаметри деярли бир хилда бўлди.

**Калит сўзлар:** Эрта болалик, гўдаклик, ўпка пояси, морфометрия, бронхлар, артериялар.

**Abstract.** This article aims to evaluate the morphological aspects of the pulmonary trunk of children from birth to early childhood in postnatal ontogeny. The research was carried out on the corpses of 32 children from newborn to early childhood (1-3 years old) who arrived in 2021-2023 at the Republican Pathological Anatomy Center. In dead children, it was studied in the cadavers of children who died as a result of heart defects and other causes without diseases of the lung bronchi. In the first year of a child's life, it was found that the diameter of the lung stem increased by 24.3% on average. In all children in our study, no significant difference was observed in the formation of each artery of the pulmonary trunk, i.e., the diameter was almost the same.

**Key words:** Early childhood, infancy, lung stem, morphometry, bronchi, arteries.

**Муаммонинг долзарблиги:** Дунёда оналар, янги туғилган чақалоқлар ва ёш болаларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш яхшиланганига қарамай, болалар ўлими энг асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда [1-2-6]

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли патологик ҳолатларда тўғри мақсадга йўналтирилган чоратадбирларни ўтказишга қаратилган муайян чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «Бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш» каби вазифалар белгиланган [1-5].

I.Fantoni, R.Lazano дунёнинг 187 мамлакатида 1980-2010 йилларгача бўлган даврида 2031474 нафар

болалар ўлимининг сабабларини таҳлил қилишда (2012) янги туғилган чақалоқларнинг ўлим сабаблари таркибида умумий туғилиш асоратлари, респиратор дестресс синдроми ва бронхопулмонар дисплазия 28,6% ни ташкил этган [8-9].

Куйи нафас йўллари касалликлари 6,8% ни ташкил этади. Бир гуруҳ олимларнинг (С.В.Ключкова, Т.А.Акматов, Н.Т.Алексеева, Д.Б.Никитюк, 2021) тадқиқотларида инсоннинг асосий бронхлари безларининг ёш жиҳатидан тарқалишини микдорий кўрсаткичларини ва тузилишини ўрганишга бағишланган [10-11].

Эрта болалик - 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган давр. Бу ёшда шахсий ривожланиш, когнитив соҳа ва ривожланишнинг ижтимоий ҳолатида ўзгаришлар рўй беради [7-12-13-14]. Шунинг эътиборига олган ҳолда куйи нафас йўллариининг морфологик жиҳатларини тадқиқ этдик.

**Тадқиқот мақсади:** Эрта болалик даври бўлган болаларда ўпка поясини морфологик жиҳатларини баҳолашдан иборат.

### Текширув усуллари ва материаллари:

Текширув Республика паталогик анатомия марказида 2021-2023 йилда келган Янги туғилган ва эрта болалик (1-3 ёш) давригагача бўлган 32 нафар болалар мурдаси устида олиб борилди. Ўлган болаларда ўпка бронх йўлларида касалликлари бўлмаган асосан юрак ортирилган нуқсонлари ва бошқа сабаблар натижасида вафот этган болалар мурдасида ўрганилди. Ўлим сабаблари ва асосий касаллик паталогик анатомия хулосаларида аниқланган. Текширув материаллари ўпканинг куйидаги қисмларида олинди: Трахея, ўпка пояси атрофи тўқималари олиб ўрганилди. Тадқиқотимизда инструментал (штангенциркул ёрдамида), умумгистологик, гистокимёвий, морфометрия ва статистик тадқиқот усуллари қўланилди. Олинган материаллар формалинга солиб қуйилди ва кейинчалик 3-5 мкм кесмалар таёрланди. Уларни гемотоксиллин-эозин, Shik реакция, Van-Gizon реакция усуллари билан бўялди.

**Текширув натижалари:** Текширув учун нафас йўлларида ҳеч қандай касалликлари бўлмаган, бошқа паталогоанатомик сабаблар натижасида вафот этган

эрта болалик давридаги болалар мурдаси олинди ва барча бола мурдаларидан трахея (бўғиз), ўпка пояси қисмларидан олинган паталогоанатомик материаллар инструментал, гистокимёвий, морфологик текширувлардан ўтказилган. Текширув учун барча болаларнинг ўнг ва чап ўпкадан: ўпка пояси морфометрик ўлчам диаметрлари олинди.

Бола ҳаётнинг биринчи йилида ўпка поясининг диаметри ўртача  $24,3\%$  га ошади ( $5,75 \pm 0,37$  мм га нисбатан  $7,15-10,42$  мм). Шу билан бирга, бу унинг  $22,9\%$  га буйига чўзилиши билан бирга келади ( $10,62 \pm 0,57$  мм га нисбатан  $13,05-10,60$ ).

Гўдақлар 3 ёшлик даврида шиллиқ пардасида бўрмалар диярли тўлиқ холди йуқолганлигини кўришимиз мумкин.

Гўдақлар 3 ёшлик даврда етганда трахея тўлиқ цилиндрсимон шаклга киради.

Трахея узунлиги бир ёшда  $6,2 \pm 0,42$  см, кенглиги  $2,1 \pm 0,2$  см тенг бўлса, эрта болалик даврини охирига келиб  $11,5 \pm 0,6$  см, кенглиги эса  $4 \pm 0,3$  см тенг эканлиги текширувмизда аниқланди.



а.



б.



в.



г.

**Расм 1.** Гўдақлар ўпкаси, 1 ёшдаги давр. Штангенциркул ёрдамида трахея ва ўпка поясини ўлчамини олиш (а- бир ёшдаги боланинг трахеяси ташқи диаметрини ўлчаш, б- бир ёшдаги боланинг ўпкасидан гистологик макропрепарат олиш, в- бир ёшдаги боланинг ўнг ўпка бош бронх ички диаметрини ўлчаш, г- бир ёшдаги боланинг ўнг ўпка бош бронх девори қалинлигини ўлчаш)



**Жадвал 1.** Постнатал онтогенезда болалар ўпка поясининг ўлчамлар кўрсаткич динамикаси

№	Ривожланиш даврлари	Болалар сони	Диаметр, мм	Ўсиш суръати, %	Узунлиги, мм	Ўсиш суръати, %
1	Янги тўғилган	12	5,7510,37		10,6210,57	
2	Гўдаклик	11	7,1510,42*	24,3	13,0510,60*	22,9
3	Эрта болалик	9	12,90±0,86*	80,4	21,4011,11*	64,0

**Жадвал 2.** Постнатал онтогенезда болалар ўнг ўпка пая артерияси ўлчам кўрсаткичининг динамикаси

№	Ривожланиш даврлари	Болалар сони	Диаметр, мм	Ўсиш суръати, %	Узунлиги, мм	Ўсиш суръати, %
1	Янги тўғилган	12	5,3010,24		10,57±0,50	
2	Гўдаклик	11	6,50±0,27*	22,6	12,9010,64*	22,0
3	Эрта болалик	9	10,70±0,62*	24,6	18,6011,16*	44,2

**Жадвал 3.** Постнатал онтогенезда болалар чап ўпка пая артерияси ўлчам кўрсаткичининг динамикаси

№	Ривожланиш даврлари	Болалар сони	Диаметр, мм	Ўсиш суръати, %	Узунлиги, мм	Ўсиш суръати, %
1	Янги тўғилган	12	5,2510,26		9,5010,45	
2	Гўдаклик	11	5,97±0,30	13,7	10,2010,57	7,4
3	Эрта болалик	9	10,2510,56*	71,7	14,3010,66*	40,2

Эрта болалик даврида трахея деворидаги хусусий пластинка, шиллиқ ости қават, тоғай халқаси атрофида бириктирувчи тўқима толалари кўпайиб зич жойлашганлиги аниқланди.

**Хулоса.** Нафас йўлларидаги трахея ва бронхлар деворларининг мускул қаватлари тўғилгандан бошлаб катта ёшгача ўсиб боради. Бу эрта болалик давригача 2 марта амалга ошади.

Гўдақлар эрта болалик даврида (1-3 ёш) трахея девори барча қатламлари уч ёшгача даврда копловчи эпителийси кўп қаторлидан бир қаватлиги, хусусий пластинкаси шаклланимаган бириктирувчи тўқимадан шаклланиган тўқимага, тоғай халқалари сийрак хондронидли ва хужайрали тузилишдан майда хужайрали зич хондроматоз тўқимага айланиб бориши исботланди.

Ўпка поясининг иккала кўрсаткичи ҳам деярли 1/4 га ошади. Шуни таъкидлаш керакки, неонатал (0-28 кунлик) даврдан фарқли ўларок, бу ёшда ўпка пояси ўнг ва чап артериялари иккига бўлинади. Шунингдек, чақалокларда ўпка поясининг шаклланиш кўрсаткичи ва ундаги иккала артериянинг келиб чиқиши ўртасида диярли фарқ аниқланмади. Тадқиқотимиздаги 11 нафар боладан 8 нафар болада аорта ёйи остидаги ўпка поясининг иккига бўлинганлиги ва фақат 3 нафар болада аввал ўнг шохча, кейин эса чап шохча пайдо бўлган. Артерияларнинг келиб чиқиш бурчаги ўртача 20-30 ° га ўзгарди. Ўнг артерия ўпка пояси билан 75-95 ° (88±3), чап - 115-145 ° (12815.6) бурчак ҳосил қилди.

Болаларда ўпка поясининг ҳар бир артерияси шаклланишида, уларнинг диаметри сезиларли даражада фарқ қилмайди, яъни диаметри деярли бир хилда бўлади. Уларнинг ҳар бирининг узунлиги 6-8 дан 14-18 мм гача, ўртача 13,05±0,48 ва 12,90±0,45 мм ўнгга ва чапга, яъни улар узунлиги ҳам бир хилдир.

Шундай қилиб, ҳаётнинг биринчи йилида ўпка поясининг диаметри ва узунлиги ва унинг шохлари деярли бир хил ўсади – ўртача 25% га. Шу билан бирга, 128±5,6 ° бурчак остида чиқиб кетадиган чап ўпка артериясининг диаметри ва узунлиги ўнгдан сезиларли даражада кичикроқ (P<0,05). Орган ичидаги қайта ташкил этиш натижасида артерияларнинг шаклланишининг кетма-кет табиати иккланиши билан алмашилади. Артерияларнинг шаклланиш бурчаги ортади: ўнгга у 90 ° га, чапга эса- 130 ° га яқинлашди.

Нафас йўлларидаги хикилдоқдан кейин бронхлар дарахти бошланади ва у алвеолаларгача бўлган масофада 23 марта тармоқланиб, бронхлар дарахтининг шохларини пайдо қилади. Бронхлар дарахти инсонда махсус вентилятсия тизими бўлиб, ўпкага етгунча кичиклашиб, торайиб боради ва респиратор бронхиолалар алвеолаларга туташади. Ушбу дарахтга ўхшаш тузилмаларнинг бундай даражада торайиб бориши нафас олишда хавонинг алвеолаларга осон ва тўлиқ холда етиб боришини таъминлайди.

Бола ҳаётнинг биринчи йилида ўпка поясининг диаметри ўртача 24,3% га ошганлиги аниқланди. Тадқиқотимиздаги ҳамма болаларда ўпка поясининг ҳар бир артерияси шаклланишида, уларнинг диаметри айтарли фарқ кузатилмади, яъни диаметри деярли бир хилда бўлди.

#### Адабиётлар:

- Sultonov.R.K, Sodiqova.Z.Sh, Arsenova.M.A, Boboyorov.S.U. Morphological and Morphometric Indications of Trachea and Bronchial Walls in One-Month-Old Babies. // American Journal of Medicine and Medical Sciences 2022, 12(8): P-811-814 (14.00.00; №2).
- Блинова С. А., Юлдашева Н. Б., Хотамова Г. Б. Вегетативная иннервация легких в постнатальном онтогенезе // Вопросы науки и образования. 2021. №19 (144).
- Лебедко О.А., Рыжавский Б.Я., Гусева О.Е., Лазовская О.В., Кузнецова М.С. Влияние эхинохрома а на липополиса-харид-индуцированное повреждение легких на раннем этапе постнатального онтогенеза (в эксперименте) // Рос вестн перинатол и педиат. 2017. №4. –С.206
- Михайлова Д.Д., Рычкова А.А. Структурная и электронно-микроскопическая характеристика лёгкого человека в эмбриональном и раннем фетальном периодах пренатального онтогенеза//Актуальные проблемы теоретической, экспериментальной, клинической медицины и фармации. Материалы 51-й Всероссийской научной конференции студентов и молодых ученых. 2017.-Издательство: РИС "Айвекс" -С.188-189.
- Молдавская А. А, Газиев М.А. Морфогенез и топографо-анатомические особенности легких в пренаталь-

ном онтогенезе человека // Астраханский медицинский журнал -2012.-№4.-С. 188-190

6. Миршаропов У.М. “ Морфологические преобразования внеорганных и внутриорганных легочных вен человека в постнатальном онтогенезе.” Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора медицинских наук.

7. Баранов, А.А. Состояние здоровья детей в Российской Федерации / А.А. Баранов // Педиатрия. – 2012. – Т. 91, № 3. – С. 9-14.

8. Insa Korten, Kathryn Ramsey, Philipp Latzin. Air pollution during pregnancy and lung development in the child. Paediatric Respiratory Reviews 21 (2017) 38–46.

9. Cindy T. McEvoy, MD, MCR, Eliot R. Spindel, MD, PhD. “Pulmonary Effects of Maternal Smoking on the Fetus and Child: Effects on Lung Development, Respiratory Morbidities, and Life Long Lung Health”. Paediatr Respir Rev. 2017 January 21.

10. Sulstonov R.K., Sodikova Z.Sh., Kamolova G.B “Bir oyluk chaqoloqlarda kekirdak devornining morfometrik ko'rsatkichlari” // TTA Vestnik 2022. S-319-320

11. Van de Moortele T, Wendt CH, Coletti F. Morphological and functional properties of the conducting human airways investigated by in vivo computed tomography and in vitro MRI // J Appl Physiol (1985). 2018 Feb 1;124(2):400-413.

12. Нефедов С.В., Черняева Т.М., Торчило С.М., Саттеева Я.Р. Ультразвуковая диагностика легких у недоношенных новорожденных // Неонатология: новости, мнения, обучение. - 2020. - Т. 8. № 1 (27). - С. 61-66.

13. Кузнецова А.В. К вопросу о дисхронизме развития легких // Детская медицина Северо-Запада. 2018. Т. 7. № 1. С. 182-183.

14. Басий Р.В., Василев В.А., Здиховский И.А., Довгялло Ю.В., Бешуля О.А., Селиванова Е.С. Анатомия легких // Вестник гигиены и эпидемиологии. - 2018. - Т. 22. № 4. - С. 87-90.

### **МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЛЕГОЧНОГО СТВОЛА У ДЕТЕЙ РАННЕГО ДЕТСТВА**

Султонов Р.К.

**Резюме.** Целью данной статьи является оценка морфологических особенностей легочного ствола детей от рождения до раннего детства в постнатальном онтогенезе. Исследование проведено на трупах 32 детей от новорожденности до раннего детства (1-3 года), поступивших в 2021-2023 годах в Республиканский патологоанатомический центр. У погибших детей его изучали на трупах детей, умерших вследствие пороков сердца и других причин без заболеваний легочных бронхов. На первом году жизни ребенка установлено, что диаметр легочного ствола увеличился в среднем на 24,3%. У всех детей в нашем исследовании достоверной разницы в формировании каждой артерии легочного ствола не наблюдалось, т. е. диаметр был практически одинаковым.

**Ключевые слова:** Ранний детский возраст, младенческий возраст, легочный ствол, морфометрия, бронхи, артерии.

**ТАЖРИБАВИЙ БРОНХОЭКТАЗИЯНИНГ ЭКССУДАТИВ ДАВРИДА ТУРЛИ КАЛИБРЛИ БРОНХЛАР ДЕВОРИ ВА ЎПКА ТЎҚИМАСИНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИ**



Хамидова Фарида Муиновна, Жовлиева Мавлюда Бахтиёр кизи  
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

**MORFOFUNKSIONALNOE СОСТОЯНИЕ СТЕНОК БРОНХОВ РАЗНОГО КАЛИБРА И ЛЕГОЧНОЙ ТКАНИ В ЭКССУДАТИВНОМ ПЕРИОДЕ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БРОНХОЭКТАЗИИ**

Хамидова Фарида Муиновна, Жовлиева Мавлюда Бахтиёр кизи  
Самарқандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

**MORPHOFUNCTIONAL STATE OF THE WALLS OF BRONCHI OF DIFFERENT CALIBRES AND PULMONARY TISSUE IN THE EXUDATIVE PERIOD OF EXPERIMENTAL BRONCHIECTASIA**

Khamidova Farida Muinovna, Jovlieva Mavlyuda Baxtiyor kizi  
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: [xamidova.f@mail.ru](mailto:xamidova.f@mail.ru)

---

**Резюме.** Бронхоэктатик касаллик сурункали инфекция ва яллигланиш билан кечадиган бронхларнинг сурункали прогрессив ва қайтарилмас кенгайиши билан тавсифланади. Ушбу патология натижасида нафас олиш тизими аъзоларда бир қанча ўзига хос морфологик ўзгариш юзага келади. Шунлардан бири бронх девори ва ўпка тўқимасида юзага келадиган ўзгаришлар ҳисобланади. Тадқиқотларда уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган аммо, морфофункционал ҳолати ҳақида маълумотлар етарли даражада эмасли ушбу илмий ишни ўтказишга омил бўлди.

**Калим сўзлари:** бронх, ўпка, шиллиқ қават, эпителий, морфология.

**Abstract.** Bronchiectasis is characterized by chronic progressive and irreversible dilation of the bronchi, accompanied by chronic infection and inflammation. As a result of this pathology, a number of specific morphological changes occur in the respiratory system. One of them is the changes occurring in the bronchial wall and lung tissue. The studies provided information on their characteristics, but the lack of information on their morphofunctional state served as the reason for conducting this research.

**Keywords:** bronchi, lung, mucous membrane, epithelium, morphology.

---

**Кириш.** Бронхоэктатик касаллик бошқа касалликлар билан боғлиқ мультифакториал касалликдир. Адабиётга кўра, бронхоэктазнинг энг кўп учрайдиган сабаблари: пневмония (19%), бирламчи иммунитет танқислиги (17%), такрорий аспирация, шу жумладан бегона ёт жисмларни нафас йўлларига тушиши (10%), бирламчи цилиар дискинезия (7%) ҳисобланади. Худди шу пайтга ўзида, 30% ҳолларда касаллик сабаби идиопатик яъни аниқланмасдан қолмоқда [4,5].

Ҳозирги эпидемиологик маълумотларга кўра, тўртта юқумли бўлмаган касалликлар ўлимнинг энг муҳим сабаблари: юрак-қон томир касалликлари, саратон, сурункали нафас олиш касалликлари ва диабет. Нафас олиш касалликларининг умумий сонидаги улуши 41% дан 53% гача тўғри келади. [1,3].

Бронхоэктатик касаллик (БЭК) болалар патологиясида муҳим ўрин тутади, болаларнинг 1 фоизда ташхис қилинади ва генетик ва туғма касалликлар 10% ҳолларда бунга ҳисса қўшади. БЭК ривожланишига тананинг ҳолати ва атроф-муҳит

омиллари таъсир қилади. БЭК ва бошқа сурункали ўпка касалликлари кўпинча муковисцидозли фиброзли болаларда кузатилади, бу эса ўпка гипертензияси ва ўнг қоринча етишмовчилигига олиб келади [2]. Сурункали ўпка патологияси бўлган касалхонага ётқизилган болалар орасида туғма нуқсонлар 8-20% ни ташкил қилади. Инфекция бириктирилганда ўзини намоён қиладиган яширин аломатлар ва бронхда сурункали яллигланиш туфайли ташхис қўйиш қийин. БЭК микроорганизмларнинг клиренсининг бузилиши ва такрорий инфекциялар натижасида келиб чиққан сурункали ва етарли даражада кенгайиш билан тавсифланади. 26-53% ҳолларда бронхоэктазнинг сабаби номаълум [6,7].

**Тадқиқот мақсади.** Тажрибавий бронхоэктазиянинг экссудатив даврида турли калибрли бронхлар девори ва ўпка тўқимасининг морфофункционал ўзгаришларни таҳлил қилишдан иборат.

**Материал ва усуллар.** Тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университетининг патологик анатомия

секцион курси билан кафедрасида амалга оширилди. Тадқиқотнинг барча босқичлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва 2010 йил 22 сентябрда Европа Парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгашининг илмий мақсадларда фойдаланиладиган ҳайвонларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 2010/63/ЭУ “Илмий мақсадларда фойдаланиладиган ҳайвонларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги директивасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги этика қўмитасининг баённомасига мос равишда ўтказилди.

Тадқиқотда 120 та эркак жинсли қуёндан иборат тажриба гуруҳи иштирок этган. Ушбу қуёнларнинг вазни 2,5-3,5кг оралиғида бўлган. Тажриба гуруҳидан 10 та қуён назорат гуруҳи сифатида ажратилди, қолган 110 та қуён эса тажрибавий бронхоэктазия моделини ўрганиш учун танланди. Асосий гуруҳга М.И. Захаревская ва Н.И. Аничков усули ёрдамида бронхоэктазия модели ўтказилди. Бу учун 5-6 см узунликдаги, учи тумтоқлашган капрон ипи трахея бўшлиғига киритилиб, ўрнатилди ва тажрибанинг 3-12 ойларигача кузатувда олинди. Операция тезда оғриқсизлантирилиб олиб борилди. Тажрибавий бронхоэктазия ўтказилгандан кейин 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12 ойлар ўтгач, 8-9 тадан қуёнлар тажрибадан ўтказилди. Ўрганилган ҳар бир даврдаги гуруҳлардаги тажриба ҳайвонларининг турли калибрли бронх деворлари ва ҳар иккала ўпканинг турли сегментларидан гистологик текширув учун ҳам намуна бўлақчалари олинди. Олинган гистологик намуналар 10% нейтрал формалинда фиксацияланди, стандарт ишловдан ўтказилди ва парафанда блоklar тайёрланиб, гистологик кесмалар гематоксилин-эозин, Ван Гизон, Вейгерт усуллари билан бўялди.

**Натижалар ва муҳокама.** Бронхоэктазия модели жорий қилинганидан 3, 4 ойдан ўтгандан кейин, қуёнларнинг бронх деворлари қизғиш- қулранг рангда, бироз қаттиқлашганлиги аниқланади. Бронхларнинг шиллик қаватларида шиш ва гиперемия аломатлари кузатилди. Катта бронхлар бўшлиғи ва капрон ип учида йирингли- шилимшикли экссудат кўринади. Кичик калибрли бронхлар бўшиғи сероз-йирингли экссудат аниқланади. Қуёнларнинг ўпкалари оч пушти - қизғиш рангли, шишган ҳамда зич консистенцияли. Айрим ўпка сегментларида ателектаз, эмфизема ҳамда абсцесс ўчоқлари аниқланади.

Микроскоп остида кўрилганида, бронхлар шиллик қаватида киприкчалар ёпишган ҳолатда. Кўп қаторли киприкчали эпителий ўчоқли десквамацияси кузатилади. Қадахсимон хужайралар гипертрофиялашган ва гиперсекреция ҳолатида эканлиги қайд этилади. Цитоплазмаси ишлаб чиқарувчи моддалар билан тўлганлиги кўринади. Базал хужайралар гиперплазиялашган, айрим жойларда гиперхром бўялган ядролар тутади. Турли калибрли бронхлар шиллик ости қаватида бириктирувчи тўқима коллаген толалари пикринофилияси кузатилади. Коллаген толалар шишинган, толаланган уларда мукоид бўкиш аниқланади. Шу билан биргаликда шиллик ости қаватидаги миоцитлар ва мушак тукима толалари фуксинофилияси кузатилади. Шиллик ости қаватда майда қон томирларда гемостаз. Лимфа томирчаларида лимфостазлар аниқланади. Шиллик

ости қаватидаги сероз ва оксилли безлар гипесеция ҳолатида. Улар чиқарув йўлақлари кенгайган.

Бронхлар шиллик ости қаватида айниқса катта ва ўрта калибрли бронхларда кўп миқдорда яллиғланиш хужайралари инфилтратларини топиш мумкин. Инфилтратлар лимфоцитлар, сегмент хужайрали нейтрофиллар, гистиоцитлар, фибробласт ва фиброцитлар ҳамда плазмобласт ва плазмоцитлардан ташкил топган. Лимфоид инфилтратлар шиллик қаватларда ҳам учрайди. Кичик калибрли бронхларда силлик мушак хужайралари гипертрофияси, фуксинофилияси аниқланиб, бронхоспазм белгилари кузатилади (Расм 1, 2).

Микропрепаратларнинг Вейгерт бўйича резорсин-фуксин билан бўялганидан кейинги таҳлилларида бронхларнинг шиллик қаватининг ноқулай шаклга эга эканлиги ва эпителийнинг бронх деворларини тенгсиз қоплагани кузатилган. Шунингдек, шиллик қаватнинг айрим жойларида қалинлашгани аниқ кўринган. Бронхиал шиллик қаватнинг базал қисмининг нотекис ва қалинлашган бўлиши, шунингдек кенгайган бронхиал безларнинг мавжудлиги аниқланган. Бронхиал деворнинг эластик толаларида дезорганизация аломатлари мавжудлиги ҳам кузатилган.

Микропрепаратларни Ван-Гизон бўйича бўяш натижаларида эпителийнинг десквамацияси (хужайраларнинг қобиқсизланиши), шиллик ости қаватининг пикринофил майдонлари, шунингдек дезорганизациялашган фуксинофил бириктирувчи тўқима толаларини ўз ичига олган бронхлар деворининг ўчоқли фибрози кузатилади. Бу кўринишлар айниқса кичик калибрли бронхлар деворида яққло кўринади (Расм 3, 4).

Тажриба ўтказилгандан кейин 5-6 ойларида қуёнларнинг катта бронхлар бўшлиғида йирингли-шилимшикли экссудат кўринади. Қуёнларнинг ўпкалари оч пушти - қизғиш рангли, шишган ҳамда зич консистенцияли, ателектаз, эмфизема ҳамда абсцесс ўчоқлари аниқланади (Расм 5).


Микроскоп остида кўрилганида, бронхлар шиллик қаватида киприкчалар ёпишган ҳолатда. Кўп қаторли киприкчали эпителий ўчоқли десквамацияси кузатилади. Қадахсимон хужайралар гипертрофиялашган ва гиперсекреция ҳолатида эканлиги қайд этилади. Цитоплазмаси ишлаб чиқарувчи моддалар билан тўлганлиги кўринади. Базал хужайралар гиперплазиялашган, айрим жойларда гиперхром бўялган ядролар тутади. Турли калибрли бронхлар шиллик ости қаватида бириктирувчи тўқима коллаген толалари пикринофилияси кузатилади. Коллаген толалар шишинган, толаланган уларда мукоид бўкиш аниқланади. Шу билан биргаликда шиллик ости қаватидаги миоцитлар ва мушак тукима толалари фуксинофилияси кузатилади. Шиллик ости қаватда майда қон томирларда гемостаз. Лимфа томирчаларида лимфостазлар аниқланади. Шиллик ости қаватидаги сероз ва оксилли безлар гипесеция ҳолатида. Улар чиқарув йўлақлари кенгайган.

Тажрибанинг 5-6 ойларида кузатувдаги ҳайвонлар ўпкалари микроскопик жиҳатдан бир қатор ўзгаришларга учраганлиги кўринди. Кўплаб альвеоларда деструктив жараёнлар ва яллиғланиш хужайралари инфилтратлари аниқланади.




Инфильтратлар айниқса альвеолалараро тўсиқларда кўп учради. Альвеоалар бўшлиғи кенгайганиги, интерстициал тўсиқларнинг торайиб ингичкалашиб кетганлиги, яллиғланиш натижасида эмфизематоз ўчоқларнинг ҳосил булишига олиб келганлиги намоён


бўлди. Шу билан бирга айрим сегментларда пучайган, ҳавосиз ва некрозга учраган альвеоларни топиш мумкин. Бундай ателектатик ва дистелектатик ўчоқлар айниқса перибронхиал соҳалардаги ўпка тўқималарида кузатилади (Расм. 6.)




**Расм 1.** Асосий гуруҳдаги тажрибанинг 3-4 ойларидаги куёнларнинг бронх девори кўриниши. Гематоксилин-эозин билан бўйш. Катталаштириш X200




**Расм 2.** Асосий гуруҳдаги тажрибанинг 3-4 ойларидаги куёнларнинг ўпка тўқимаси кўриниши. Гематоксилин-эозин билан бўйш. Катталаштириш X200




**Расм 3.** Асосий гуруҳдаги тажрибанинг 5 ойларидаги куёнларнинг ўрта калибмли бронх девори кўриниши. Гематоксилин-эозин билан бўйш. Катталаштириш X200



**Расм 4.** Асосий гуруҳдаги тажрибанинг 5 ойларидаги куёнларнинг ўрта калибмли бронх девори кўриниши. Ван Гизон билан бўйш. Катталаштириш X200



**Расм 5.** Асосий гуруҳдаги тажрибанинг 6 ойларидаги куёнларнинг ўпка тўқимаси кўриниши. Гематоксилин-эозин билан бўйш. Катталаштириш X200



**Расм 6.** Асосий гуруҳдаги тажрибанинг 6 ойларидаги куёнларнинг ўпка тўқимаси кўриниши. Гематоксилин-эозин билан бўйш. Катталаштириш X200



Тадқиқот натижалари бўйича, бронхоэктазия модели ишлатилганидан 3 ой кейин морфометрик таҳлилда катта бронхларнинг шиллик қавати қалинлиги 69,6 мкмни ташкил этди, бу назорат гуруҳидаги қалинликдан тахминан 0,68 баробар кўпроқ. Ўрта калибрли бронхларнинг шиллик қавати қалинлиги 54,3 мкм (0,64 баробар) ва кичик калибрли бронхларники 41,5 мкм (0,39 баробар) бўлган. Асосий ва лобар бронхларнинг шиллик ости қавати қалинлиги 87,2 мкм ни ташкил этган, бу назорат гуруҳидагидан 0,16 микрон кўп. Ўрта калибрли бронхларда бу кўрсаткич 85,1 мкм (0,14 баробар), кичик калибрли бронхларда эса 73,4 мкмга (0,17 баробар) етган.

Катта бронхларнинг фиброз-тоғай ва мушак қавати қалинлиги 263,7 мкмни ташкил этган, бу назорат гуруҳи билан солиштирганда 0,48 баробар кўп. Ўрта калибрли бронхларда бу кўрсаткич 223,2 мкм (0,50 баробар), кичик калибрли бронхларда 212,4 мкм (0,47 баробар) бўлган.

Бронхлар деворининг адвентициал мембранаси ҳам ўзгарган бўлиб, унинг қалинлиги катта бронхларда 12,6 мкм (назорат гуруҳига нисбатан 0,73 баробар кўп), ўрта калибрли бронхларда 11,4 мкм (0,75 баробар), кичик калибрли бронхларда эса 9,2 мкм (0,12 баробар) қайд этилган.

Тадқиқотнинг 4 ойида эса кузатув гуруҳидаги куёнлар бронхиал шиллик қаватнинг қалинлигида ишончли равишда ўсиши қайд этилган. Катта ва лобар бронхларда у 75,4 мкмга етди, бу назорат кўрсаткичларидан 0,63 марта кўпдир. Ўрта катталикдаги бронхларда қалинлиги 59,1 мкм (0,59 марта кўп), кичик бронхларда – 54,1 мкм (0,30 марта кўп). Шиллик ости қават пардасининг қалинлиги назорат гуруҳига нисбатан йирик ва лобар бронхларда у 88,8 мкм (0,16 марта кўп), ўрта катталикдаги бронхларда 85,8 мкм (0,14 марта кўп) ва кичик бронхларда – 75,6 мкм (0,16 марта кўп) ошди. Фиброз -тоғай ва мушак қаватларининг қалинлиги ҳам назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ортиб бродди, аммо бу кўрсаткичлар ишончсиз. Катта ва лобар бронхларда 263,9 мкм (0,48 марта кўп), ўрта бронхларда – 235,1 мкм (0,47 марта кўп), кичик бронхларда – 223,4 мкм (0,45 марта кўп) ни ташкил етди. Адвентицияда қалинликнинг енгил ва бир хил ўсиши қайд этилиб, катта ва лобар бронхларда – 13,4 мкмгача ва кичик бронхларда – 9,3 мкмгача (0,69 марта кўп), ўрта калибрли бронхларда эса қалинлиги 11,7 мкм (0,73 марта кўп) ошган.

Тадқиқотнинг 5 ойида эса кузатув гуруҳидаги куёнлар бронхиал шиллик қаватнинг қалинлигида ишончли равишда ўсиши қайд этилган. Катта ва лобар бронхларда у 79,6 мкмга (0,60 марта кўп), ўрта калибрли бронхларда 63,7 мкм (0,54 марта кўп), кичик калибрли бронхларда – 46,6 мкм (0,34 марта кўп). Шиллик ости қаватнинг қалинлиги назорат гуруҳига нисбатан йирик ва лобар бронхларда у 89,3 мкм (0,16 марта кўп), ўрта калибрли бронхларда 86,4 мкм (0,14 марта кўп) ва кичик бронхларда – 76,3 мкм (0,16 марта кўп) ошди. Фиброз -тоғай ва мушак қаватларининг қалинлиги ҳам назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ортиб бродди, аммо бу кўрсаткичлар ишончсиз. Катта ва лобар бронхларда 275,1 мкм (0,46 марта кўп), ўрта калибрли бронхларда – 275,1 мкм (0,46 марта кўп), кичик бронхларда – 243,4 мкм (0,45

марта кўп) ни ташкил етди. Адвентицияда қалинликнинг енгил ва бир хил ўсиши қайд этилиб, катта ва лобар бронхларда – 15,1 мкмгача ва кичик бронхларда – 12,4 мкмгача (0,69 марта кўп), ўрта калибрли бронхларда эса қалинлиги 9,8 мкм (0,66 марта кўп) кўпайган.

Таҷрибавий бронхоэктаз касалиги модели ўтказгандан 3 ой ўтгач куёнларда йирик ва лобар бронхларда ЛУ 11,39 % га, ўрта бронхларда 14,43% га, майда бронхларда 13,39% га ва ўпканинг нафас олиш қисмида 10,31% га ошди. ММ йирик ва лобар бронхларда ҳам ортди, улар 9,86% га, ўрта калибрли бронхларда 9,09% га, кичик бронхларда 8,72% га ва ўпканинг нафас олиш қисмида 12,70% га ошди. Йирик ва лобар бронхларда НМ 30,3% га, ўрта бронхларда 27,60% га, кичик бронхларда 23,9% га ва ўпканинг нафас олиш қисмида 18,3% га ошди. Назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирганда, асосий ва лобар бронхларда ПМ кўрсаткичлари 13,13% га, ўрта бронхларда 12,29% га, кичик бронхларда 12,33% га ва ўпканинг нафас олиш қисмида 9,45% га ортди. ФМ назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада камайди. Йирик ва лобар бронхларда улар 17,13% га, ўрта бронхларда 17,06% га, кичик бронхларда 14,78% га ва ўпканинг нафас олиш қисмида 13,73% га ошди.

Худди шундай ишончли равишда таҷрибанинг 4 ойида ҳам ҳужайралар микдори ошиб борди. Йирик ва ўрта калибрли бронхларда ЛУ 14,13% га, ўрта бронхларда 14,43% га, майда бронхларда 13,73% га ва ўпканинг нафас олиш қисмида 12,67% га ошди. ММ йирик ва лобар бронхларда ҳам ортди, улар 10,40% га, ўрта калибрли бронхларда 9,40% га, кичик бронхларда 9,23% га ва ўпканинг нафас олиш қисмида 19,49% га ошди. Йирик ва бўлакли бронхларда НМ 38,8% га, ўрта бронхларда 21,80% га, кичик бронхларда 28,50% га ва ўпканинг нафас олиш қисмида 18,90% га ошди. Назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирганда, асосий ва бўлакли бронхларда ПМ кўрсаткичлари 13,60% га, ўрта бронхларда 12,60% га, кичик бронхларда 12,62% га ва ўпканинг нафас олиш қисмида 10,05% га ортди. ФМ назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада камайди. Йирик ва лобар бронхларда улар 18,56% га, ўрта бронхларда 16,39% га, кичик бронхларда 15,23% га ва ўпканинг нафас олиш қисмида 15,67% га ошди.

Таҷрибавий бронхоэктаз касалиги модели ўтказгандан 5 ой ўтгач куёнларда йирик ва бўлакли бронхларда ЛМ 15,28% га, ўрта калибрли бронхларда 14,80% га, кичик калибрли бронхларда 13,89% га ва ўпканинг нафас олиш қисмида 12,84% га ошди. ММ йирик ва бўлакли бронхларда ҳам ортди, улар 13,10% га, ўрта калибрли бронхларда 10,10% га, кичик бронхларда 14,18% га ва ўпканинг нафас олиш қисмида 25,19% га ошди. Йирик ва бўлакли бронхларда НМ 38,90% га, ўрта бронхларда 34,80% га, кичик калибрли бронхларда 31,80% га ва ўпканинг нафас олиш қисмида 20,0% га ошди. Назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирганда, асосий ва ўпка ичи бронхларда ПМ кўрсаткичлари 15,80% га, ўрта бронхларда 13,53% га, кичик калибрли бронхларда 12,84% га ва ўпканинг нафас олиш қисмида 11,07% га ортди. ФМ назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада камайди. Йирик ва лобар бронхларда улар 19,53% га, ўрта бронхларда 19,10% га, кичик

бронхларда 16,46%га ва ўпканинг нафас олиш қисмида 15,53%га ошди.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда қуёнлан ўпкасига ипни интратрахеал киритишдан кейинги бронхоэктази модели чақирилгандан 3, 4, 5 ой ўтгач, тажриба қуёнлари нафас олиш аъзоларида муқобил экссудатив жараёнларнинг кучайиши кузатилади.

#### **Адабиётлар:**

1. Журавлев Ю. И. и др. Случай хронической обструктивной болезни легких, осложнившейся бронхоэктазами, бронхолитиазом и абсцессом легкого (клиническое наблюдение) //Актуальные проблемы медицины. – 2017. – Т. 38. – №. 12 (261). – С. 187-195.
2. Зарембо И. А. и др. Бронхоэктазы: современный взгляд на проблему //Практическая пульмонология. – 2015. – №. 4. – С. 27-33.
3. Козлов В. К. и др. Актуальные вопросы хронических неспецифических заболеваний легких у детей //Бюллетень физиологии и патологии дыхания. – 2018. – №. 70. – С. 15-25.
4. Ризаев Ж. А., Ризаев Э. А., Кубаев А. С. Роль иммунной системы ротовой полости при инфицировании пациентов коронавирусом SARS-COV-2 // Здоровье, демография, экология финно-угорских народов. – 2020. – №. 3. – С. 67-69.
5. Ризаев Ж. А., Ахророва М. Ш. COVID-19: взгляды на иммунологические аспекты слизистой оболочки рта //International scientific review of the problems of natural sciences and medicine. – 2022. – С. 4-8.
6. Степанов А. А., Бадалян А. Р., Мельникова А. О. Бронхоэктатическая болезнь у детей //Российский вестник перинатологии и педиатрии. – 2018. – Т. 63. – №. 5. – С. 29-35.
7. Умурзаков З. Б., Ризаев Ж. А., Умиров С. Э. Основы обеспечения адекватной организации профилактики Covid-19 // Проблемы биологии и медицины. – 2021. – Т. 2. – №. 127. – С. 134-140.

8. Фаттаева Д. Р. и др. Clinical picture of sinusitis in patients after covid-19 with chronic obstructive pulmonary disease //Узбекский медицинский журнал. – 2021. – Т. 2. – №. 2.

9. Bergin D. A. et al. Airway inflammatory markers in individuals with cystic fibrosis and non-cystic fibrosis bronchiectasis //Journal of inflammation research. – 2013. – С. 1-11.

10. Gould C. M., Freeman A. F., Olivier K. N. Genetic causes of bronchiectasis //Clinics in Chest Medicine. – 2012. – Т. 33. – №. 2. – С. 249-263.

11. Khamidova F.M., Blinova S.A., Ismoilov J.M. Congenital and acquired structures in the lungs of bronchiectasis disease in children. // Вопросы науки и образования. №29 (41), 2018. С. 99-101.

### **МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНОЕ СОСТОЯНИЕ СТЕНОК БРОНХОВ РАЗНОГО КАЛИБРА И ЛЕГОЧНОЙ ТКАНИ В ЭКССУДАТИВНОМ ПЕРИОДЕ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БРОНХОЭКТАЗИИ**

*Хамидова Ф.М., Жовлева М.Б.*

Ошқозон – ичак йўллари ва сийдик йўлларининг физиологик ривожланиши қўшимча овқатланиш маҳсулотларининг меъёрий метаболизмида муҳим аҳамиятга эга. Боланинг руҳий ва овқат ҳазм қилиш қобилятининг ривожланиши ҳам янги овқат турларини ҳазм қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Масалан, поресимон овқат маҳсулотларини хавфсиз ютиш кўникмаси одатда 4-6 ойликда шаклланади [15,19]. Аксарият болалар 9 ойлигида мустақил овқатланиш кўникмасига эга бўладилар. Улар икки кўли ёрдамида косачани тутиб ичадилар, умумий столдан ёшига мос тавсия этилган овқатлардан истеъмол қиладилар.

Кўпгина Европа мамлакатларида кўкрак ва эрта ёшдаги болалар учун махсус стандартлар асосида

махсус ўрама пакетиди мазкур махсулот маълум ой ва ёшдаги болаларга мўлжалланган бўлиб суткалик эҳтиёжга нисбатан озиқ-овқат масаллиқларининг микдори, уларнинг процентлардаги улуши кўрсатилган. Мазкур ёндашув бола ёшининг турли даврларида кўшимча овқат махсулотларини тежамли танлаш имкониятини беради. Таркиби кафолатланган овқат масаллиқлари болаларга саноат шароитида тайёрланган овқат махсулотларини беҳавотир тавсия этишга асос бўлади.

Кўшимча овқат масаллиқларининг ижтимоий жиҳатлари:

Бир ёшгача бўлган болалар овқатланишининг янги турлари қўлланилиши туфайли жадаллик билан ўсиб улғаядилар. Бола ўз гавдасининг мувозанатини сақлаб назорат қиладиган бўлгандан кейин суюқ бўткани сўришдан ярим каттиқ (қуюқ) ва каттиқ овқат махсулотларини ҳам истеъмол қиладиган бўладилар. Шу билан бир вақтда боланинг ошқозон-ичак фаолиятининг мукамаллашиб ярим ётиш ҳолатда эмизиб ёки шишадан сўриб ўтирган ҳолатда ярим каттиқ ва каттиқ овқат масаллиқларини чайнаб-ютиш каби мураккаб жараёнлар шаклланади. Овқатланиш жараёнида чайнов-ютиш кўникмалари тўлақонли шакллангач бошқалар томонидан қарамли овқатланишдан қисман бўлсада мустақил овқатланиш кўникмасига эга бўладилар. Болалар учун кўшимча овқат саноатда ва уй шароитида тайёрланади. Уй шароитида тўғри тайёрланган овқат масаллиқлари ота-оналар фикрича тури-туман махсулотлардан фойдаланиб мамлакат маданияти ва оила урф-одатларига мос ҳамда хос ранг-баранг овқат махсулотларини тайёрлаш имкониятини беради [2,4]. Лекин уй шароитида овқат масаллиқларига ишлов бериш (кайнатиш, димлаш, ковуриш) махсулотдаги витаминлар таркибини бузилишига сабаб бўлади.

Болалар овқат махсулотларини ишлаб чиқарувчи замонавий ишлаб чиқарувчилар баъзи мамлакатларнинг урф-одатларини инobatга олган ҳолда турли ёшдаги болаларда турли-туман кўшимча овқат махсулотларини таклиф қиладилар. Масалан, бир хил таркибли сабзавотли пюре (биринчи кўшимча овқат сифатида) ва кўп турдаги (сабзи, қарам, картошка) сабзавотлардан (баъзан донли ёки балиқ махсулотларидан) иборат кўпкомпонентли кўшимча овқат махсулотлари таклиф қилинади. Энг асосийси болага фақат мева, сабзавот ёки гўшт (туз ва бошқа ароматизаторлар таъми бўлмаган) махсулотларнинг таъмини ҳис қиладиган “тоза” рецептли овқат махсулоти бўлиши зарур. Мазкур талабларга жавоб берувчи кўшимча овқат махсулоти Gerber (Nestle) ҳисобланади. Масалан, кабачка ёки рангли қарамдан тайёрланган пореда фақат кабачка ёки рангли қарам ва истеъмол қилишни мўътадиллаштириш учун сув кўшилади. Кўкрак ёшдаги болаларга овқат рационига асал тавсия этилмайди. Фенхель (мева) шарбатларида (ошқозон-ичак аъзоларида муаммо бўлганда “гомчи” ёки чой сифатида қўлланилади) эстрагол мавжуд бўлиб ирсий заҳарли канцероген ДНК занжирига кўшилиб ген хужайраларини бузилишига (мутацияга) сабаб бўлади. Европа тиббиёт агентлиги European Medicines Agency (EMA) бола 4 ёшга киргунча фенхель (мевадан тайёрланган ёғ ёки чойини истеъмол қилишни уларни хавфсизлиги тўғрисида маълумотлар

етарли бўлмаганлиги туфайли тавсия қилмайди. Шунингдек, ноорганик мишьяк (маргимуш)нинг заҳарли таъсир этишини камайтириш мақсадида кўкрак ёшдаги болаларга гурунчли бўтқалар тавсия қилинмайди [1]. Шунингдек, чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларга сигир сути ҳам тавсия этилмайди. Чунки сигир сутида IgE (sIgE) специфик-аллерген мавжудлиги болаларда турли аллергия касаллиқлар билан касалланишига сабаб бўлади [3,10].

**Хулосалар.** Шундай қилиб нафақат мамлакатимизда балки бутун дунё миқёсида чақалоқларни кўкрак сути билан озиқлантириш талабга жавоб берадиган даражада юқори эмас. Сўровномалар ҳатто соғлом туғилган чақалоқлар туғруқхонадаёқ кўшимча сутли бўтқалар қабул қилишлари аниқланди. Холбуки, физиологик нуқтаи назардан бунга эҳтиёж ва зарурат йўқ. Агар чақалоққа аралаш ёки сунъий озиқлантиришга тиббий кўрсатма бўлганда туғруқхона ва болалар поликлиникаси шифокорлари томонидан боланинг улғайиш картасида қайд этилиши керак. Туғруқхоналарда ва барча болалар муассасаларида кўкрак сути билан озиқлантиришни қўллаб қувватлаш масаллари бўйича координаторлар лавозими ва бошқарув тизимини ташкил этиш. Яъни кўкрак сути билан озиқлантиришни қонуний тартибга солиш (сутли аралашма (бўтқа)лар рекламасини (жумладан туғруқхоналарда) оналарга бепул тарқатишни тақиқлаш, сунъий озиқлантириш бўйича сутли аралашмаларни тарқатиш бўйича тегишли қонун ва қоидалар ишлаб чиқиш.

Кўкрак сути билан озиқлантиришни болалар боғчиси, мактаб ва ҳомиладорликдан бошлаб тушунтириб боришни шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Фаолияти кўкрак сути билан боғлиқ барча ходимларни она сунтининг афзаллиқларини тарғиб этувчи ўргатувчи дастурлар билан таъминлаш. Кўкрак сути билан озиқланувчи фарзандлари бор оилаларни эмизиш муддатини узайтириш мақсадида ижтимоий қўллаб қувватлаш (болани 1,5-3 ёшгача парваришлаш) учун ойлик маоши сақланган ҳолда таътил ва озиқ махсулотлари билан таъминлаш баркамол авлодни вояга етказишда асосий замин бўлади.

#### **Адабиётлар:**

1. Горбачевский П.Р., Парамонова Н.С., Украинцев С.Е. Прикорм: сроки введения, продукты, долгосрочные эффекты. Обзор современных данных // Педиатрия им. Г.Н.Сперанского. 2020; 99(4): 141-149.
2. Грибакин С.Г., Давыдовская А.А. Грудное молоко для недоношенных детей: клубок противоречий // Педиатрия, 2012; Том 91, № 1, с.90-96.
3. Давыдовская А.А. К вопросу выбора искусственной смеси при аллергии к белкам коровьего молока // Педиатрия им. Сперанского, 2020; 99 (2): 182-189.
4. Демьянтова Ю.Н., Черданцев А.П., Долгова Д.Р., Стенюшкина М.А., Бахтогаримов И.Р., Епифанова Е.Г. Васкуло-эндотелиальный фактор роста в грудном молоке // Российский вестник перинатологии и педиатрии, 2022; 67: (3), с.61-65.
5. Звонкова Н.Г., Боровик Т.Э., Скворцова В.А., Фисенко А.П., Бушуева Т.В., Лукоянова О.Л., Рославцева Е.А., Казюкова Т.В., Гусева И.М., Маслова



- Н.А. Недостаточность питания у детей первого года жизни (в рамках новой редакции «Программы оптимизации вскармливания детей первого года жизни в Российской Федерации») // Педиатрия им. Г.Н. Сперанского. 2020; 99(2): 190-198.
6. Лукоянова О.Л., Боровик Т.Э., Скворцова В.А., Беляева И.А., Бушуева Т.В., Звонкова Н.Г., Яцык Г.В. Состав грудного молока и питание матери: есть связь? // Педиатрия. 2018; 97 (4): 160-167.
7. Лукоянова О.Л., Самсонова А.Н., Боровик Т.Е., Звонкова Н.Г., Басаргина М.А., Щепкина Е.В., Скворцова В.А., Зайцева Н.В., Пушкарева А.Е., Петровская Е.Э., Картышова М.Н. Оценка влияния функционирования банка грудного молока на распространенность исключительно грудного вскармливания в неонатальном стационаре: ретроспективное исследование // Педиатрия им. Г.Н. Сперанского. 2023; 102 (2): 71-77.
8. Маланичева Т.Г., Агафонова Е.В., Зиатдинова Н.В., Скидан И.Н. Влияние характера вскармливания детей первого года жизни на формирования резистентности организма // Российский вестник перинатологии и педиатрии, 2020; 65: (6), с. 145-154.
9. Она суги билан озиклангиришни кўллаб-кувватлаш ҳамда гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар озик-овқат махсулотларига доир талаблар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2019 й. 23 октябр. ЎРҚ- 574 – сон буйруқ.
10. Пампура А.Н., Жукалина Е.Ф., Моренко М.А., Усенова О.П. Современные подходы к диагностике и ведению детей раннего возраста с аллергией на белки коровьего молока // Российский вестник перинатологии и педиатрии, 2023; 68(2), с.39-45.
11. Панфилова В.Н. Размышления педиатра о вскармливании младенцев // Российский вестник перинатологии и педиатрии, 2020; 65(1), с. 100-104.
12. Программа оптимизации вскармливания детей первого года жизни в Российской Федерации: методические рекомендации. М.: ФГА «НМИЦ здоровья детей» Минздрава России, 2019: 112.
13. Пырева Е.А., Гмошинская М.В., Мошкина Н.А., Нетунаева Е.А. Поддержка грудного вскармливания в Российской Федерации: нормативно-правовая база // Педиатрия им. Г.Н. Сперанского. 2021; 100 (1): 173-179.
14. Украинцев С.Е., Овсянников Д.Ю., Щепкина Е.В. Факторы, влияющие на приверженность и распространенность грудного вскармливания: результаты онлайн-опроса матерей в Российской Федерации (часть 1) // Педиатрия им. Г.Н. Сперанского. 2022; 101 (6): 57-64.
15. Украинцев С.Е., Овсянников Д.Ю., Щепкина Е.В. Факторы, влияющие на приверженность и распространенность грудного вскармливания: результаты онлайн-опроса матерей в Российской Федерации (часть 2) // Педиатрия им. Г.Н. Сперанского. 2023; 102 (2): 65-71.
16. Gross S.J., David R.J., Bauman L., et al. Nutritional composition of preterm and term human milk during early lactation. *Pediatr. Res.* 1982; 16 (2): 113-117.
17. <https://www.unicef.org/kazakhstan/> (дата обращения: 13.08.2020).
18. Hurlimann T., Menuz V., Graham J., Robitaille J., Vohi M.C., Godard B. Risks of nutrigenomics and nutrigenetics? What the scientists say. *Genes Nutr.* 2014; 9 (1): 370.
19. Payne S., Quigley M.A. Breastfeeding and infant hospitalisation analysis the UK Infant Feeding Survey. *Matern. Child Nutr.* 2017; 13 (1): 12263.
20. World Health Organization. Long-term effects of breastfeeding a sistematik review; WHO: Geneva, Switzerland. 2013: 74.

### **РОЛЬ ГРУДНОГО ВСКАРМЛИВАНИЯ НОВОРОЖДЕННЫХ**

Ахтамов А.

**Резюме.** Грудное вскармливание является основой здоровья детей и имеет многочисленные преимущества для здоровья матери и ребенка. Увеличение распространенности и продолжительности грудного вскармливания - одна из приоритетных задач педиатрического сообщества, поддерживаемая на государственном уровне. Активное продвижение смесей для организации искусственного вскармливания, несомненно, оказывает негативное влияние на показатели распространенности грудного вскармливания. Кроме того, в статье анализирован ряд современных рекомендаций связанных с влиянием продуктов введения прикорма и сроков их введения на здоровье ребенка.

**Ключевые слова:** младенцы, грудное вскармливание, распространенность, прикорм, продукты прикорма.



Даминов Муслимбек Асадуллаевич<sup>1</sup>, Жуманов Муратбай Арэпбаевич<sup>2</sup>  
1 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;  
2 - Қорақалпоқ давлат университети, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус ш.

### ПРОБЛЕМЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ НАУКИ МОЛЕКУЛЯРНАЯ ГЕНЕТИКА

Даминов Муслимбек Асадуллаевич<sup>1</sup>, Жуманов Муратбай Арэпбаевич<sup>2</sup>  
1 – Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд;  
2 - Каракалпакский государственный университет, Республика Каракалпакстан, г. Нукус

### PROBLEMS OF USING INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN TEACHING SCIENCE MOLECULAR GENETICS

Daminov Muslimbek Asadullaevich<sup>1</sup>, Jumanov Muratbay Arepbaevich<sup>2</sup>  
1 – Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand;  
2 - Karakalpak State University, Republic of Karakalpakstan, Nukus

e-mail: [info@sammu.uz](mailto:info@sammu.uz)

---

**Резюме.** Ушбу мақолада молекуляр генетика фанига инновацион таълим технологияларини қўллашдаги муаммолар таҳлил қилинган ва уларни ечиш йўллари тўғрисида маълумот берилган.

**Калим сўз:** инновацион таълим технологиялари график органайзерлар, муоммоли таълим технологиялари, креатив технологиялар, дидактик ўйинлар, технологизация.

**Abstract.** This article analyzes the problems of applying innovative educational technologies to the science of molecular genetics and provides information on ways to solve them.

**Key words:** problem-based learning technologies, creative technologies, didactic games, technology (technical map).

---

**Мавзунинг долзарблиги.** Бугунги кунда жадал ривожланаётган дунёда жамиятимизда ҳам янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши, таълимнинг дунё таълим тизимида интеграциялашуви, таълимда кредит-модуль тизими амалиёти жорий этилаётганида, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларга янгича ёндашув зарурлигини кўрсатмоқда. Шунингдек «Таълим тўғрисидаги қонун»да замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги, уларни олий ўқув юртларига олиб кириш ва жорий этиш зарурати ҳуқуқий асосланган.

Юртимизда айни вақтда вужудга келган шарт-шароитлар барча соҳа вакиллари мутахассисларининг малакасини оширишнинг шакли, мазмуни ва уни амалга ошириш механизмларини қайта кўриб чиқишни ва у жараёнга тегишли ўзгартиришларни киритишни тақозо этмоқда. Хусусан, шу кунларда олий таълим изимини такомиллаштиришга қаратилган чоратадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш консесиясини

тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони, 2019-йил 11-июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сонли қарори, 2020-йил 6-ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сонли қарорлари ижросини таминлаш орқали олий таълим муассасалари талабаларининг ҳамда педагогларнинг малакасини ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда уларнинг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни назарда тутди.

**Асосий қисм.** Олиб борилган таҳлилларга кўра, нима учун бугунги кунда барча соҳалар хусусан Молекуляр генетика фанини ўқитишда замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш шунчалик даражада кучайди, олдинги классик методлар самараси шу қадар пастми, деган саволлар ва мулоҳазалар туғилиши табиий. Таълим даргоҳларида қанчадан-қанча билимли ва малакали кадрларни етиштириб келган педагогиканинг ўзига хос услублари мавжуд. Педагогик жамоатчиликнинг аксарияти мана шу

йўлдан бормоқда, ammo ҳар томонлама мустақил ва юксак даражада ривожланган келажак сари интилаётган жамиятга бу йўл кутилган самара бермаслиги яқин тарихимиздан маълум бўлди. Бунинг замирида маълум сабаблар мавжуд, яъни;

1. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш учун, тайёрлаётган мутахассисларимизнинг таълим даражасини самарали жадаллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланишнинг зарурлиги;

2. Фан-техника таракқиётининг юқори даражада ривожланганлиги айнан молекуляр генетика соҳасида дунёда илғор технологияларнинг пайдо бўлаётганлиги натижасида ахборотлар тизими ҳажмининг тобора кўпайиб бораётганлиги;

3. Замонавий техника ва технологияларни таълимга татбиқ этиш, таълим жараёнини рақамлаштириш, ўқув-тарбия жараёнида ахборот технологияси ва техник воситалардан кенг фойдаланишга эришиши;

4. Талаба ва профессор-ўқитувчи фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, ўқитувчи таълим мақсади ва мазмунини пухта билиши, таълим усуллари, методлари ва воситаларини яхши эгаллаган бўлиши, талабанинг қизиқиш ва интилувчанлигини тўғри йўлга йўналтира олиши лозимлиги;

5. Профессор-ўқитувчилар таълим жараёнини юқори даражада, самарали ташкил этиш учун мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаши, таълим натижасини олдиндан қайд этиши, ўқув предметларини тўлиқ ўзлаштиришга эришиш учун зарурий таълим воситалари тайёрлашга эришиши зарурлиги;

6. Ўқув жараёни учун зарур моддий-техник базанинг яратилган бўлишлиги;

7. Таълим-тарбия жараёни натижаларини ҳолисона ва объектив баҳолаш, талабаларнинг билим ва малакаларини эгаллаш жараёнини назорат қилиш ва баҳолашни автоматлаштиришга эришилганлиги;

8. Шаклланаётган ёш мутахассисни ҳаётга муқаммал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа комплекс ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилиши каби муаммолардадир.

Шундай экан инновацион таълим технологияси юқорида келтирилган шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбир ҳисобланади.

Бугунги кунда педагогик технологияни тушуниш учун асосий йўл-аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, таълим олувчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатиш, замонавий педагогик технологиянинг фалсафий асоси ҳисобланган таълим олувчининг хатти-ҳаракати орқали ўқитишдир. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўлиқ қамраб олиши керак. Ҳозирда таълимда кредит-модуль тизими жорий этилган бўлиб, талабаларга мустақил таълим бўйича топширик ва кўрсатмалар берилганда турли хил методлардан фойдаланиш зарурати пайдо бўлади.

Юқоридаги санаб ўтилган муаммоларни бартараф этиш учун машғулотлар олиб бораётган педагог - ўз йўналишининг мохир устаси, ўз фанини чуқур англаган унинг муаммоларини баратарф этиш йўлида изланган, назарияни амалиётга тадбиқ

этадиган, фан ва санъатнинг мос соҳалари билан яхши таниш, амалда умумий ва бугунги ёшлар психологиясини яхши тушунувчи, ўқитиш ва тарбиялаш методикасини ҳар томонлама билувчи ҳамда юқори маданиятга ҳамда компетенцияларга эга бўлган мутахассис бўлиши лозим. А.С.Макаренко айтганидек: «Педагог ташкил этишни, юришни, ҳазиллашишни, қувноқ, ёки жажлдор бўлишини билиши лозим».

Хусусан реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишини тўлиқ тасдиқламоқда. Бироқ илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам кўзга яққол ташланмоқдаки, уларни эътиборга олиш ва ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Буларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1. Олий таълимда Молекуляр генетика фанини ўқитишда қўллаш учун мўлжалланган интерфаол методлар таснифи ва уларнинг мазмун моҳиятини ёритиб берувчи ўқув-услубий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Республикамизда педагогик технологияга доир қатор ўқув қўлланмалар яратилган бўлишига қарамадан, ушбу ўқув қўлланмаларда олий таълим жараёнида қўллаш мумкин бўлган интерфаол методлар ва уларни қўллашга доир методик кўрсатмалар аниқ ўз ифодасини топмаган. Мазкур ҳолат молекуляр генетика фани профессор-ўқитувчиларининг интерфаол методларни қўллашга доир маълумотлардан тўла хабардор бўлмаслигига олиб келмоқда. Олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнини кузатиш профессор-ўқитувчилар кенг қўллайдиган интерфаол методлар жуда камчиликни ташкил этишини кўрсатади.

2. Профессор-ўқитувчилар интерфаол методларни қўллашда методик қоидаларга тўлиқ амал қилишлари лозим. Яъни интерфаол методлар фаннинг ўзига хос хусусияти, мавзунинг мақсад ва вазифалари, талабаларнинг ёш хусусиятлари, машғулот шакли, аудиторияда қулай шарт-шароитнинг мавжудлиги каби жиҳатларни аниқ ҳисобга олган ҳолда қўллаш лозим.

Интерфаол методдан ноўрин фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга эмас, аксинчи машғулот сифатини пасайтиришга олиб келади.

3. Таълим технологияларини яратиш учун профессор-ўқитувчилар ўқув мақсадларини педагогик вазифаларга айлантириш, уни қутиладиган натижага мос ҳолда аниқлаш кўникмасига эга бўлишлари лозим. Барча профессор-ўқитувчилар Блум таксономиясини амалиётда қўллаш кўникма ва малакаларига эга бўлишлари талаб этилади. Идентив ўқув мақсадларини ўқув вазифаларига айлантириш кўникмасига эга бўлмасдан туриб, машғулот жараёнини муваффақиятли лойиҳалашга эришиш мумкин эмас.

4. Олий таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш анъанавий ўқитиш тизимининг муқобили сифатида хизмат қилиши лозим. Барча аудитория машғулотларида интерфаол методларни қўллашга зарурийат йўқ. Энг асосийси, технологик ёндашув асосида ўқув машғулотида қутилган натижага эришилиши лозим. Мазкур жараёнда мақсадга эришишга имкон берувчи исталган мақбул методлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек,

профессор ўқитувчиларнинг технологик ёндашувни нотўғри талқин этган ҳолда, маъруза машғулотларини талабаларнинг ўзлари томонидан ўтиб берилишини талаб қилишлари ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Маъруза машғулотига нисбатан бундай ёндошув унинг самарадорлигини таъминлашга тўлиқ хизмат қилмайди. Олий таълимда ўқитишнинг асосий шакли сифатида маърузага қўйиладиган методик, шу жумладан маърузачига қўйиладиган махсус талаблар мавжуд. Мазкур талабларнинг тўлиқ бажарилиши профессор-ўқитувчи (лектор) орқалигина самарали амалга ошиши мумкин. Фақат анжуман-маъруза машғулотларини талабаларнинг маърузалари асосида ташкил этиш имконияти мавжуд ва бу соҳада республикамизда катта тажриба тўпланган. Бунда ҳам анжуман-маърузани ташкил этиш ва ўтказиш талабаларига ривож қилиниши лозим.

Олий таълимда маъруза машғулотларига алоҳида аҳамият бериледи. Профессор-ўқитувчилар маъруза машғулотларининг бир нечта усулларидан фойдаланишлари мумкин. Шу усуллардан самарали фойдаланилганда ҳам инновацион технологиялардан фойдаланилди деб ҳисоблаш мумкин. Чунки маъруза турларидан анжуманли, бинар, муаммоли, кўрғазмали, маслаҳатли, провакация (олдиндан режалаштирилган хатоликлар билан машғулот) маърузалардан фойдаланиш ҳам профессор-ўқитувчидан катта маъсулият, тайёргарлик, ижодий ёндошув, кўп меҳнат талаба қилади. Молекуляр генетика фани мутахассислари талабаларига дарс ўтиш жараёнида бир қатор машғулотлар, яъни маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари ўтказилади. Ушбу машғулотларнинг ҳар бири алоҳида хусусиятга эга. Ҳозирги пайтда кўплаб олий таълим муассасалари лаборатория инвертарлари билан шунингдек, компьютер техникаси ҳамда инновацион таълим беришга имконият берувчи электрон доскалар ва мультимедияланган ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бу эса таълим жараёнига инновацион таълим технологияларини қўллаш имконини беради ва таълим сифати самарадорлигига эришилади.

**Хулосалар.** Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, молекуляр генетика фанини ўқитишда инновацион таълим технологияларни қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида куйидаги методик вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) профессор-ўқитувчилар инновацион таълим технологияларининг “интерфаол метод”, “технология”, педагогик технология каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб олишлари зарур. Молекуляр генетика фанини ўқитишда асосий эътибор ўқитиш жараёнини лойиҳалаш (технологик модель) ва режалаштириш (технологик харита)га, яъни технологизацияга қаратилиши керак;

2) олий таълимда Молекуляр генетика фанини ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланишда методик қоидалар ва кўрсатмаларга риоя қилиниши керак. Аниқ методик кўрсатмаларга риоя этиш орқали интерфаол методларни самарали қўллаш имконияти юзага келади. Бу эса таълим сифатининг ошишига хизмат қилади;

3) Молекуляр генетика фани бўйича таълим технологияларини яратишда хилма-хиллик, ижодийлик, инновацион ёндашувларга асосланиш, бир қолипга тушиб қолишдан сақланиш мақсадга мувофиқ.

Олий таълимда талабаларга билим бериш жараёнида ва фанларни ўзлаштиришда баҳолашда инновацион таълим технологиялари график органайзерлар, муоммоли таълим технологиялари, креатив технологиялар, дидактик ўйинлар элементларидан фойдаланиш керак.

Албатта олиб борилаётган саъй-ҳаракатларимиз туфайли ёш авлодни Президентимиз айтганидек юксак интеллектуал, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга эришамиз.

#### **Адабиётлар:**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.–Т., 2006.
2. Д.А.Бегматова “Таълим жараёнига инновацион таълим технологияларини қўллашдаги муаммолар ва уларни ривожлантириш омиллари” Халқаро илмий форум / i international scientific forum Uzbekistan, Tashkent – 22.06.2022
3. Даминов, М. А. "Инновацион таълим шароитида молекуляр генетика фанини ўқитиш методикасини такомиллаш." *Journal of new century innovations* 54.5 (2024): 80-83.
4. Даминов, М. А. "Табиий фанларни ўқитишда талабаларнинг мустақил ишлашини фаоллаштириш." *Journal of new century innovations* 54.5 (2024): 76-79.
5. Даминов, М. А. "Problems in using innovative educational technologies in teaching the science of molecular genetics." *Web of Discoveries: Journal of Analysis and Inventions* 2.6 (2024): 31-35.
6. Daminov, M. A. "Use of innovative educational technologies in the science of molecular genetics." *Web of Agriculture: Journal of Agriculture and Biological Sciences* 2.6 (2024): 36-39.
7. Jumanov, M., et al. "the current state of reptiles south Aral Sea region and their protection." *Karakalpak Scientific Journal* 3.1 (2020): 96-107.
8. Жуманов, А. М., & М. Н. Йигиталиев. "Узлуксиз таълим тизимида инновацион технологиялардан интегратив мақсадларда фойдаланиш." *Interpretation and researches* 1.1 (2023).

#### **ПРОБЛЕМЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ НАУКИ МОЛЕКУЛЯРНАЯ ГЕНЕТИКА**

*Даминов М.А., Жуманов М.А.*

**Резюме.** В данной статье анализируются проблемы применения инновационных образовательных технологий в науке молекулярной генетики и приводится информация о путях их решения.

**Ключевые слова:** инновационные образовательные технологии – графические органайзеры, технологии проблемного обучения, креативные технологии, дидактические игры, технологизация.



## МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИКА ФАНИНИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ



Даминов Муслимбек Асадуллаевич<sup>1</sup>, Жуманов Муратбай Арэпбаевич<sup>2</sup>  
1 - Самарканд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарканд ш.;  
2 - Қорақалпоқ давлат университети, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус ш.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАУКЕ МОЛЕКУЛЯРНАЯ ГЕНЕТИКА

Даминов Муслимбек Асадуллаевич<sup>1</sup>, Жуманов Муратбай Арэпбаевич<sup>2</sup>  
1 – Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд;  
2 - Каракалпакский государственный университет, Республика Каракалпакстан, г. Нукус

## USE OF INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN THE SCIENCE OF MOLECULAR GENETICS

Daminov Muslimbek Asadullaevich<sup>1</sup>, Jumanov Muratbay Arepbaevich<sup>2</sup>  
1 – Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand;  
2 - Karakalpak State University, Republic of Karakalpakstan, Nukus

e-mail: [info@sammu.uz](mailto:info@sammu.uz)

---

**Резюме.** Ушбу мақолада Молекуляр генетика фанини ўқитишида инновацион таълим технологияларини қўллаш орқали талабаларнинг ўзлаштириши ва билим салоҳиятини ошириши самарадорликлари ҳақида маълумот келтирилган.

**Калим сўз:** инновацион таълим технологиялари молекуляр генетика, креатив технологиялар, дидактик ўйинлар.

**Abstract.** This article provides information on the effectiveness of increasing the learning ability and cognitive potential of students through the use of innovative educational technologies in teaching molecular genetics.

**Key words:** innovative educational technologies, molecular genetics, creative technologies, didactic games.

---

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2023-йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном беришни таклиф этган эдилар. Давлатимиз раҳбари ушбу таклифлари орқали инсонларга эътибор орқали сифатли таълим юксак ҳамда илмий келажак учун нечоғлик муҳим эканлигини англаш қийин эмас. Инсонлар турмиш даражасини яхшилаш ва сифатли таълим учун инновацион ёндашувлар ҳамда таълим технологияларидан фойдаланиш зарур. Инновациянинг аҳамияти тоғрисида муҳтарам президентимиз қуйидагиларни доим алоҳида таъкидлаб ўтадилар: «Инновация бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак». 2018-йилдан буён мамлакатимизда инновацион технологияларни ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгиланди: «Келгуси йилларда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш вазифаси

эътиборимиз марказида бўлади». Демак, бугунги кунда ҳар бир соҳа ва тизим фаолиятини инновацион ғоялар ва технологиялар асосида олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Дастлаб «инновация» сўзининг маъносига бироз тўхталадиган бўлсак. Инновация тушунчаси (лотинча новус янги) тадқиқотларда ва илмий ишларда XIX асрларда қўлланила бошлаган. Аввалида бу алоҳида элементларни бир соҳадан бошқа соҳага тадбиқ этишни ифодалаган. Сўнра кўпчилик ташкилотлар техникавий янгиликлар киритиш қонуниятларини ўрганиб ўз ташкилотларининг молиявий фойда олиши учун «инновацион сиёсатни» бутун бир тизим сифатида ўзлаштиришди. Ушбу фаолият жамият ҳаётининг ихтиёрий бўғинини янгилаш бўйича умумий белгиларга, қонуниятлар, янгилик киритиш механизмига эга. Инновацион технологиялар педагогик жараёнда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгартиришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда интерфаол методлардан фойдаланишни тақозо этади. Интерфаол усуллар таълим жараёнида қатнашаётган ҳар бир ўқувчининг фаоллигига, эркин ва мустақил фикр юритишга асосланади. Инновацион таълим тех-

нологиялари усулларидан фойдаланилганда билим олиш талабалар учун қизиқарли машғулотга айланади.

**Асосий қисм.** Интерфаол усуллар қўлланилганда талабалар ўқитувчилар ёрдами ҳамда ҳамкорлигида мустақил ишлаш кўникма ва малакаларига эга бўладилар. Ёш мутахассислар янги билимларни илмий изланиш, тадқиқотчилик, тажриба синовлар ўтказиш асосида ўзлаштирадилар.

Молекуляр генетика фанини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланилганда таълим жараёни қатнашчилари кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ишлайдилар. Ўқув топшириқлари алоҳида бир талабага эмас, балки кичик гуруҳнинг барча аъзоларига бирдек берилди ва ўзаро мулоқат ҳамда фикр алмашилиш яхшиланиб, сўнгида берилган топшириқ юзасида яқунланган ҳамда қулай энг яхши хулоса берилди. Ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли дарсдир ва дарсда қўйилган мақсадларга эришиш бир мунча яхшиланади.

Ҳозирги кунда бизлар ҳам Молекуляр генетика дарсларида хилма хил ноанъанавий шакллари жорий этмоқдамиз. Мисол тариқасида генетис масалаларни ечишда “Малани скреншот қилиш орқали ечиш” ёки “СТЕМ” бундан ташқари расмли вазиятли масалар ва топшириқлар бериш орқали олиб бормоқдамиз. Бундай дарслар талабаларнинг ижодий қобилиятини ўстириш, ақлий салоҳиятини кучайтириш, илмий дунёқарашини кенгайтириш ва келажакда дуч келиши мумкин бўлган ҳар бир генетик ўзгаришларни тез ва тўла қабул қила олиш кўникма ва малакаларининг шаклланишига хизмат қилади.

Дарс жараёнида инновацион технологияларни қўллаш талабаларда илмий изланишга қизиқишни уйғотади, ижодкорлик ва бунёдкорлик қобилиятини ривожлантиради. Натижада эгалланган билим, кўникма ва малакалар амалий фаолиятда татбиқ этилади, ўзлаштириш сифати ошади. Бунинг учун ўқитувчи маҳоратли бўлиши ва мавзуларнинг мазмунига қараб дарс машғулотларини тўғри режалаштириши, машғулот давомида барча талабаларни фаол ва онгли ишлашларига эришмоғи лозим. Зеро, ўқитувчи таълим ислохотининг бош ижрочисидир. Бунда ҳар бир ўқитувчини қисқа вақт ичида жуда ката миқдордаги ахборот тўпламини ўзлаштириш, қайта ишлаш ва амалда қўллай олишга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Уни ҳал қилишда ўқитувчига ўқитишнинг анъанавий усуллари билан бирга замонавий ахборот технологиялари, жумладан компьютерлардан фойдаланиш ёрдам беради. Педагогик инновация бу педагогик фаолиятдаги янгилик, ўқитиш ва тарбия мазмуни ва технологиясидаги ўзгаришлар, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Инновация-инновация натижаси сифатида тушунилади ва инновацион жараён учта асосий босқичнинг ривожланиши сифатида қаралади: ғояни яратиш (маълум бир ҳолатда, илмий кашфиёт), амалий жиҳатларда ғояларни ривожлантириш ва янгиликларни амалиётга татбиқ этиш. [2]

Педагогик инновациялар самарадорлигининг ўлчови сифатида оптималлик ўқитувчи ва талабаларнинг қафолатланган натижага эришиши учун куч-қувват сарфлашларини тақозо этади.

Турли ўқитувчилар ва талабалар ўзларининг шахсий педагогик ҳамда ўқув фаолиятлари жараёнида турлича даражадаги самарадорликка эришадилар. Худди мана шунинг ўзи педагогик инновацияларнинг оптималлик даражасини белгилайди. Инновацион усулларнинг энг муҳим белгиси сифатида натижаланганлик ўқитувчи фаолиятида ижобий ютуқларга эришилгандагина намоён бўлади. Ўлчовлардаги технологиклик, қузатувчанлик, натижаларнинг қайд этилганлиги ўқитишнинг янги усуллари, методларини баҳолаш орқали намоён бўлади. Мазкур ўлчовнинг аҳамиятли жиҳати шахс, унинг идроки ва тушунчаларини шакллантиришнинг бир бутунлигида намоён бўлади.

Инновацион жараёни, илмий ғояни амалий фойдаланиш босқичига олиб чиқиш ва шу билан боғлиқ ижтимоий педагогик муҳитдаги ўзгаришларни амалга ошириш жараёни деб ҳисоблаш мумкин. Ғояларнинг инновацияга айланишини таъминлайдиган ва бу жараёни бошқариш тизимини шакллантирадиган фаолият бу инновацион фаолиятдир. Инновация жараёни ривожланиш босқичларининг яна бир ўзига хос хусусияти мавжуд. Педагогик тажрибада педагогик инновацияларни ижодий қўллаш алоҳида ўқитувчилар иш фаолиятининг бошланғич босқичида намоён бўлади. Мазкур инновациялар тажрибаси синондан ўтказилиб, объектив баҳолангандан сўнг оммавий тарзда қўллаш учун тақдим этилади. Кенг оммалашган, ижобий натижаларга эришиш имконини берадиган инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда ўқитувчиларнинг креатив функцияларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Педагогик маданиятнинг оддий эса қолган билимларни такрорлаш шаклидан бошлаб, илмий педагогик жамоатчиликка маълум бўлган ғоялар, концепциялар, технологияларни ўз шахсий фаолиятига сингдиришдан уларни эвристик, креатив ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга қадар, бўлажак мутахассисларнинг кундалик ҳаракати мазмунини ташкил этиши лозим. Педагогик инновацияларнинг мазмуни, уни қўллаш орқали бўлажак генетис мутахассислар тажрибасига сингдириш муҳим аҳамиятга эга. Таълим муассасаси ҳаётига педагогик инновацияларни кенг қўламда олиб кириш учун унда янгилик муҳитини яратиш, муайян ахлоқий психологик ҳолатни шакллантириш, ташкилий, методик, психологик характердаги чоратадбирларни қўллаш талаб этилади.

Шу мақсадда булажак мутахассисларнинг креатив функцияларини ривожлантириш, уларни инновациялар билан изчил таъминлаб бориш, инновацион усулларни таҳлил ва татбиқ қилишга ўргатиш вазифасини қўйиш лозим. Молекуляр генетика фанида ҳам бошқа фан мутахассислари сингари, таълим тизимидаги ва соҳадаги янгиликлар муттасил мутахассислар томонидан ўрганилиб келинмоқда.

Шундай қилиб, хусусий инновациялар ва ижтимоий-педагогик янгиликларни қўллаб қувватловчи ижтимоий-педагогик контекстни яратиш маълум ҳажм, миқёс ва даража умуман минтақавий таълим тизимини ривожланишини сезиларли даражада кучайтириши мумкин. [3]

Хусусан, турли хил инновацион жараёнларнинг ҳаётий даврларини ўрганган педагогик инновациялар мутахассиси В.И.Загвязинский, янгиликни ривожлантириш натижасида ижобий натижаларга эришган ҳолда, ўқитувчилар асосиз равишда уни универсаллаштиришга, уни педагогик амалиётнинг барча соҳаларига татбиқ этишга интилаётганликларини таъкидлайди.

**Хулосалар.** Дастлаб Молекуляр генетика фани ўқитувчиларида ижодкорликни шакллантириш, ёш генетикларда мустақил билим олиш ва ижодий фикирлашга йўналтириш. Бундан ташқари, ўқитувчилар орасида ижодий муҳит, муайян маънавий-руҳий ҳолат, ташкилий, методик, психологик чоратadbирлар қўллашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

#### **Адабиётлар:**

1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. –Т., 2006.
2. Бегматова Д.А. “Таълим жараёнига инновацион таълим технологияларини қўллашдаги муаммолар ва уларни ривожлантириш омиллари” Халқаро илмий форум / i international scientific forum Uzbekistan, Tashkent – 22.06.2022
3. Ибрагимова Г.Н. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш. И Монография. - Т.: «Фан ва технологиялар», 2016. -77-б.
4. Панфилова А.П. Инновацион педагогик технологиялар: Фаол ўрганиш: Олий ўқув юртлири

талабалари учун дарслик / А.П. Панфилов. - М., Академия, 2009 й.

5. Жуманов, А. М., анд М. Н. Йигиталиев. "Узлуксиз таълим тизимида инновацион технологиялардан интегратив мақсадларда фойдаланиш." *Interpretation and researches* 1.1 (2023).
6. Даминов, М. "Utilizing the" scarab" interactive technology in molecular genetics education." *Science and innovation* 2.В9 (2023): 54-56.
7. Даминов, Муслимбек. "Использование программы STEAM в преподавании молекулярной генетики." *in Library* 3.3 (2023): 74-77.
8. Даминов, Муслимбек. "Современное состояние совершенствования методики преподавания молекулярной генетики." *in Library* 3.3 (2023): 78-82.

#### **ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАУКЕ МОЛЕКУЛЯРНАЯ ГЕНЕТИКА**

*Даминов М.А., Жуманов М.А.*

**Резюме.** В данной статье представлена информация об эффективности повышения обучаемости и познавательного потенциала студентов за счет использования инновационных образовательных технологий в обучении молекулярной генетике.

**Ключевые слова:** инновационные образовательные технологии, молекулярная генетика, креативные технологии, дидактические игры.

## ДОБРОКАЧЕСТВЕННЫЕ И ЗЛОКАЧЕСТВЕННЫЕ ОБРАЗОВАНИЯ ПЕЧЕНИ: РОЛЬ СОВРЕМЕННЫХ МЕТОДОВ ВИЗУАЛИЗАЦИИ



Джураева Нигора Мухсимовна, Хурсанова Дильнура Хошимовна  
Республиканский специализированный научно-практический медицинский Центр хирургии им. академика В.Вахидова, Республика Узбекистан, г. Ташкент

## ЖИГАР ХАВФЛИ ВА ХАВФСИЗ ҲОСИЛАЛАРИ: ЗАМОНАВИЙ ВИЗУАЛИЗАЦИЯ УСУЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Джураева Нигора Мухсимовна, Хурсанова Дильнура Хошимовна  
Академик В.Вахидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий – амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

## BENIGN AND MALIGNANT LIVER TUMORS: THE ROLE OF MODERN VISUALIZATION METHODS

Juraeva Nigora Mukhsimovna, Khursanova Dilnura Khoshimovna  
Republican Specialized Scientific and Practical Medical Center of Surgery named after Academician V.Vakhidov, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: [xursanovadilnura@gmail.com](mailto:xursanovadilnura@gmail.com)

**Резюме.** Мақолада жигар учоқли ҳосилаларининг дифференциал таъхислаш учун қўлланиладиган замонавий визуализация усуллари ҳақида умумий маълумот берилган. Охириги 5 йил ичида 205 та мақоладан танлаб олинган 37 та тадқиқот таҳлил қилинди. Ультратовуш, компьютер томографияси (КТ), магнит-резонанс томография (МРТ) ва спектроскопияга алоҳида эътибор берилди. Аниқланишича, КТ ва МРТ батафсилроқ маълумот беради ва спектроскопия эса хавфли ва хавфсиз ўсмаларни аниқроқ фарқлайди. Радиомика катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиб, башоратли моделларни яратишида ёрдам беради. Ушбу усуллардан комплекс фойдаланиш таъхиснинг аниқлигини оширади ва беморни даволаш прогнозини яхшилайдди.

**Калим сўзлар:** жигар, ультратовуш, КТ, МРТ, гемангиома, гепатоцеллюляр карцинома, метастазлар.

**Abstract.** The article provides a review of modern imaging methods used for the differential diagnosis of focal liver lesions. Thirty-seven studies were selected from 205 papers published in the last 5 years. Special attention is given to ultrasound, computed tomography (CT), magnetic resonance imaging (MRI), and spectroscopy. CT and MRI provide more detailed information, while spectroscopy improves the differentiation between benign and malignant lesions. Radiomics, by analyzing large volumes of data, helps create predictive models. The combined use of these methods enhances diagnostic accuracy and improves the prognosis for patient treatment.

**Keywords:** liver, ultrasound (US), computed tomography (CT), magnetic resonance imaging (MRI), hemangioma, hepatocellular carcinoma, metastases.

**Введение.** Радиологи в своей практике достаточно часто встречаются с очаговыми поражениями печени (ОПП)[1]. Точная диагностика и характеристика опухолей печени имеют решающее значение для надлежащего ведения пациентов. Достижения в области медицинских технологий визуализации значительно улучшили способность обнаруживать, дифференцировать и определять стадии поражений печени, включая как доброкачественные, так и злокачественные опухоли. Целью данной статьи является обзор современных методов визуализации, применяемых для дифференциальной диагностики очаговых поражений печени, а также в оценке их эффективности, точности и преимуществ.

**Материалы и методы.** В поисковой системе

PubMed были выделены 205 научных работ, опубликованных за последние 5 лет (2020–2024 гг.) по ключевым словам “benign liver lesion, malignant liver lesion, hepatocellular carcinoma, radiology diagnostic” (доброкачественные образования печени, злокачественные образования печени, гепатоцеллюлярная карцинома, лучевая диагностика). Для нашего обзора мы отобрали 37 статей. Критериями исключения были: отсутствие направленности на лучевой диагностике (статьи, в которых не было значительного акцента на методах лучевой диагностики); отсутствие конкретных данных о доброкачественных и злокачественных образованиях печени (исследования, не предоставляющие четкой информации о диагностике доброкачественных и злокачественных образований печени).




# Liver

Source: Globocan 2020



Number of new cases in 2020, both sexes, all ages



Number of deaths in 2020, both sexes, all ages




Рис. 1. Мировые показатели новых случаев (слева) и число смертей (справа) от рака за 2020 год

2020 год:

884 случая (2.6 на 100,000 чел.)

2021 год:

985 случаев (2.9 на 100,000 чел.)

2022 год:

969 случаев (2.7 на 100,000 чел.)

Рис. 2. Данная диаграмма показывает количество случаев ЗНП для каждого года и соответствующие показатели заболеваемости на 100,000 человек в Республике Узбекистан за 2020-2022 гг.

**Результаты.** *Общая характеристика новообразований печени. Эпидемиология.* Распространенность случайных очаговых поражений печени (ООП), описанных в медицинской литературе, варьируется от 7,2 до 33% при компьютерной томографии, от 10,2 до 34,5% при магнитно-резонансной томографии и от 2,3 до 6,2% при ультразвуковых исследованиях.

По данным Всемирного фонда исследований рака (WCRF), гепатоцеллюлярная карцинома признана шестым наиболее распространенным новообразованием в мире. Согласно последним статистическим данным о распространенности злокачественных новообразований во всем мире, опубликованным Международным агентством по изучению рака (МАИР) Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) в 2020 году, по оценкам, число новых диагностированных случаев рака печени во всем мире в 2020 году составило около 910 000, а число погибших от этого заболевания составило около 830 000 человек. Гепатоцеллюлярная карцинома считается третьей ведущей причиной смертности от рака в мировом масштабе (рис. 1).

Согласно статистике государственной отчетной формы, в структуре онкологической заболеваемости среди населения в Республике Узбекистан за 2022 год среди всех впервые выявленных новообразований 26,367 чел. (73,2 на 100,000 чел.) злокачественные новообразования печени (ЗНП) занимают 3,67%, что составило 969 чел. (2,7 на 100,000 чел.). За период 2020-2022 года число случаев ЗНП впервые взятых на учет составило 1963, со средним показателем заболеваемости

2,7 на 100,000 населения. Из них: в 2020 г. выявлено – 884 больных, показатель заболеваемости составил 2,6; в 2021 г. – 985 больных, показатель заболеваемости – 2,9; в 2022 г. – 969 случаев, показатель заболеваемости – 2,7.

*Доброкачественные образования печени. Кисты* печени представляют собой заполненные жидкостью полости, имеющие различную этиологию и клинические проявления. Кисты выявляются у населения с частотой 2,5-18%. Чаще всего кисты протекают бессимптомно. Простые кисты могут быть как единичными, так и множественными, чаще бывают округлыми или овальными; не сообщаются с внутripеченочными желчными протоками.

На МРТ имеют гипоинтенсивный сигнал на T1ВИ и гиперинтенсивный – на T2ВИ. На КТ выглядят как гиподенсное образование плотностью от 0 до 20 НУ. При внутривенном контрастировании они не накапливают контрастное вещество [2]. Кровоизлияние в кисту проявляется в виде неоднородного повышения сигнала на T1ВИ и T2ВИ с признаком уровня «жидкость в жидкости».

**Фокальная узловатая гиперплазия** является второй по распространенности доброкачественной опухолью печени с частотой 8% среди первичных поражений печени на аутопсии. Может встречаться как у мужчин, так и у женщин всех возрастных групп, но чаще диагностируется у женщин 30-50 лет. Некоторые авторы представляют ФНГ как гиперпластическую реакцию на местную сосудистую аномалию и считают ее доброкачественным врожденным гамартоматозным

пороком развития [3]. Чаще всего его обнаруживают случайно у бессимптомных пациентов.

При КТ исследовании в нативную фазу ФНГ выглядит как единичное, однородное, гипо- или изоинтенсивное относительно паренхимы печени образование. У 20% пациентов наблюдается центральный гиподенсивный рубец. В артериальную фазу демонстрирует интенсивное накопление контрастного вещества (96%), за исключением центрального рубца, который становится изоденсивным паренхиме печени лишь в отсроченную фазу. В портальную и выделительную фазы становится гипер- или изоденсивной паренхиме печени. Зачастую визуализируется «питающий» артериальный сосуд.

Типичные признаки МРТ, указывающие на фокальную узловую гиперплазию, включают изо- или гипоинтенсивность на T1 взвешенных изображениях, (94— 100%), незначительную гипер- или изоинтенсивность на T2 взвешенных изображениях, (94— 100%), однородность (96%) и выявление центрального рубца, которые гиперинтенсивны на T2 взвешенных изображениях (84%) [4].

**Гепатоцеллюлярная аденома (ГЦА)** – редко встречающееся солидное доброкачественное образование печени (частота 1/1 000 000) [5], которое разделено на восемь генотипических подтипов на основе молекулярного анализа, каждый из которых имеет уникальные биологические особенности, влияющие на клинические результаты [6]. ГЦА обычно (85% случаев) обнаруживается у женщин, детородного возраста (15-45 лет) принимающих комбинированные пероральные контрацептивы или другие гормональные препараты [7]. Опухоль чаще диагностируется случайно, и лечение варьируется от наблюдения до радикального хирургического удаления, так как есть риск перерождения в гепатоцеллюлярную карциному. Небольшой ГЦА обычно протекает бессимптомно. Одним из клинических проявлений является спонтанный разрыв или кровотечение, приводящее к острой боли в животе с последующим развитием геморрагического шока и даже смерти [8].

В режиме визуализации T1 сигнал МРТ может проявляться как умеренно гипотензивный, так и гипертензивный. Вариабельность аденом, наблюдаемая при визуализации методом T1, часто объясняется усилением сигналов МРТ, исходящих от отложений жировой ткани (от 36 до 77%) и геморрагическими событиями (от 52 до 93%), а также снижением интенсивности сигнала в результате некроза, предшествующих кровоизлияний и областей кальцификации. Значительная часть, а именно от 47 до 74%, печеночных аденом (НСА) проявляется в виде гиперинтенсивности в печени во время визуализации T2. Хотя при визуализации, взвешенной по шкале T2, некоторые аденомы могут выглядеть гипо- или изоинтенсивными по сравнению с паренхимой печени, большинство из них в этом режиме визуализации демонстрируют гетерогенность, а также гипо- или гиперинтенсивность. Примерно у трети аденом имеется периферический ободок, соответствующий фиброзной капсуле. В артериальную фазу сканирования аденома интенсивно накапливает контрастный препарат, в венозную и отсроченную фазы сканирования становится изоинтенсивна печени. В позднюю отсроченную фазу сканирования аденома

может иметь гипоинтенсивный МР-сигнал [9].

**Гемангиома.** Гемангиомы печени — распространенные доброкачественные опухоли печени, распространенность которых составляет от 5 до 7,35% всех доброкачественных опухолей печени, чаще всего возникают у женщин на пятом и шестом десятилетиях жизни [10]. Распространенность гемангиом печени при циррозе печени считается очень низкой и составляет 1,2-1,7%, с иными морфологическими и гемодинамическими характеристиками по сравнению с нецирротическими гемангиомами печени [11]. Эти поражения часто протекают бессимптомно и обычно обнаруживаются случайно, при этом большинство из них стабильны или демонстрируют медленный темп роста во время наблюдения, особенно у бессимптомных пациентов, у которых хирургическое вмешательство ограничивается пациентами с тяжелыми симптомами или осложнениями [12]. Кроме того, кавернозные гемангиомы, распространенный тип гемангиомы печени, встречаются в популяции с частотой от 5 до 20% и представляют более высокий риск разрыва, если их размер превышает 10 см, хотя обычно они представляют низкий риск кровотечения [13].

Гемангиомы печени включают различные типы, включая кавернозные гемангиомы, анастомозирующие гемангиомы и атипичные гемангиомы. Кавернозные гемангиомы являются распространенными доброкачественными опухолями печени, которые обычно поражают женщин в возрасте от 30 до 50 лет, но могут возникать в любом возрасте и имеют губчатую, сотовую структуру [14]. Анастомозирующие гемангиомы, редкий подтип, характеризуются синусоидальными сосудами с эндотелиальными клетками, часто выявляемыми случайно без специфических симптомов и демонстрирующими различные особенности МРТ [15]. Атипичные гемангиомы могут иметь сложные радиологические характеристики, такие как прогрессирующее центробежное усиление, имитирующее злокачественные поражения печени, что затрудняет диагностику, особенно у пожилых пациентов с другими сопутствующими заболеваниями [16]. Понимание различных типов гемангиом печени имеет решающее значение для точной диагностики и надлежащего лечения, исходя из их отличительных особенностей визуализации и клинического значения.

Несколько исследований посвящены эффекту ПХТ на позднее развитие, когнитивный и кардиоваскулярный статус детей, подвергшихся воздействию препаратов внутриматрично. В этих исследованиях показано, что исходы в этой группе детей сравнимы с исходами в общей популяции [1,2,3]. В одном из исследований Амант с соавторами показали высокую частоту преждевременных родов среди 70 детей, подвергшихся внутриматрично ПХТ. Через 22 месяца в группе детей, родившихся преждевременно отмечалось более выраженное нарушение когнитивных функций по сравнению с детьми, родившимися в срок [15]. В исследовании Шардоника с соавторами, также отмечалось увеличение частоты преждевременных родов в случае ПХТ во время беременности, но без негативного влияния на когнитивные функции [13]. Ятрогенные преждевременные роды должны быть исключены, поскольку снижение когнитивных функций ассоциируется именно с преждевременными родами, но не ПХТ. Роды рекомендуется планировать как минимум после 3-х недель после последнего курса ПХТ, чтобы дать возможность костному мозгу восстановиться после негативного цитостатического эффекта ПХТ и минимизировать риск ятрогенной супрессии гемопоза (анемия, геморрагический синдром, инфекционные осложнения) у матери и у плода [17]. Также поскольку печень и почки плода еще не зрелые, способность организма плода элиминировать химиотерапевтические агенты снижена и пост - ПХТ период позволяет вывести препарат через плаценту. Последний цикл ПХТ необходимо провести не позднее 35 недель беременности для снижения риска гемопозитической супрессии плода в случае преждевременного родоразрешения [17].

Объектами интереса является и фармакокинетика и трансплацентарный транспорт препаратов. Трансплацентарный транспорт активных молекул цитостатических препаратов осуществляется преимущественно путем пассивной диффузии. Этот процесс зависит от таких характеристик препарата, как способность растворяться в жирах (липофильность), ионизация, молекулярная масса и связь с белками [14]. Наиболее широко используемые препараты для неoadьювантной ПХТ – это препараты платины, изофосфамиды и таксаны. Кохлер с соавторами [18] провели измерение концентрации платины в амниотической жидкости и пуповинной крови и обнаружили концентрацию 11-42% и 23-65% от концентрации в материнской крови, соответственно. Интересно, что мышьяная модель продемонстрировала концентрацию карбоплатина в фетальной крови 117% от материнской, в то время как у бабуинов – 57,5% [19,24]. Изучение концентрации таксанов не выявило препарата в крови мышьяных эмбрионов, в то время как на модели бабуинов концентрация таксанов в крови плода составила 1,4% от концентрации в материнской крови [23,30]. Однако предполага-

ется, что таксаны в большей степени депонируются в тканях плода в большей степени, чем другие химиотерапевтические агенты благодаря их физикохимическим свойствам [19,20]. Изофосфамид рекомендуется избегать назначать во время беременности в связи с его токсическим профилем, недостаточной информации по безопасности для плода и предполагаемым нефротоксическим и гонадотоксическим эффектами [21]. Низкая концентрация некоторых молекул в тканях плода вследствие плацентарного барьера, позволяют относительно безопасно использовать их во время беременности.

Физиологические изменения, ассоциирующиеся с беременностью, такие как увеличение объема плазмы крови и экстрацеллюлярной жидкости, изменение концентрации белков плазмы, их связывающей способности, увеличение скорости клубочковой фильтрации и изменения функционального состояния печени влияют на фармакокинетику цитостатических препаратов у беременных. Поскольку большинство препаратов не соответствуют длительной терапии между терапевтической и токсической концентрацией, изменения фармакокинетики влияют на эффективность и безопасность препаратов. Ван Карлстен сообщает о снижении максимальной плазменной концентрации и площади под кривой всех протестированных препаратов в материнской крови, что, вероятно связано с увеличением клиренса и объема распределения [28,29]. Эта находка ограничивает экстраполяцию стандартных схем ПХТ онкологических заболеваний у беременных по аналогии с небеременными женщинами.

Ведение онкологических заболеваний у беременных включает одним из ключевых моментов сохранение беременности и минимизация тератогенного эффекта при сохранении противоонкологической эффективности не ниже, чем в популяции небеременных женщин. В этой ситуации значительную роль играет системная терапия. Прерывание беременности рассматривается в случае быстро прогрессирующего или осложненного течения заболевания. Следует по возможности избегать индукции преждевременных родов с целью начать противоонкологическое лечение, в связи с неблагоприятными последствиями для плода [15].

С целью определения эффективности гестационной противоонкологической терапии были созданы крупные регистры национальные и международные [4]. Установлено, что акушерские исходы в последние декады значительно улучшились с одновременным снижением частоты преждевременного прерывания беременности и индукции преждевременных родов [4]. Изменение акушерской тактики ассоциируется с увеличением объема знаний о естественном течении онкологических заболеваний во время беременности, а также с тенденцией к снижению медикаментозного лечения в гестационном периоде. В недавнем итальянском одноцентровом исследовании показано, что в последнее десятилетие отмечается снижение частоты проведения преждевременных кесаревых сечений и увеличение частоты индуцирования родовой деятельности с целью начала полноценной противоонкологической терапии [11]. Неонатальные исходы в аспекте когнитивного и кардиоваскулярного статуса в первые 6 лет у детей, которые находились под воздействием химиотерапевтических препаратов во время внутриматри-

робного периода не отличались от детей контрольной (общей) популяции [14,15]. Однако в случае необходимости применения полихимиотерапии, необходимо учитывать, что применение в гестационном периоде может влиять на рост плода, а ранее применение – вызывать развитие врожденных пороков [4].

Важным фактором является выбор диагностических процедур, которые также могут негативно влиять на плод. Применение ионизирующей радиации должно быть минимизировано во время беременности [14]. Хотя доза радиации, используемая в ходе диагностических процедур, является минимальной, однако для плода ее воздействие может быть фатальным – сообщается о влиянии радиации на ментальное развитие, мальформации, нарушения роста и даже летальные исходы [10]. Риск стохастических канцерогенных эффектов ионизирующей радиации зависит от гестационного возраста и используемой дозы радиации. Суммарная доза в случае беременности должна быть меньше 100 мГр [27] и рекомендуется проведение исследования только в случае решающего влияния результата исследования на определение тактики лечения [12]. Риск развития злокачественных новообразований в течение жизни в случае экспозиции ионизирующей радиации в дозе 50 мГр на плод в возрасте более 12 недель беременности составляет порядка 2%, хотя точные расчеты недостоверны [29]. В последние годы в связи с развитием медицинских технологий доза радиации, которой подвергается плод внутриутробно удалось значительно снизить. Однако в каждом конкретном случае решение о применении диагностирующей метода, основанного на ионизирующей радиации должно быть принято отдельно.

Неионизирующие методы визуализации, такие как ультразвуковое исследование (УЗИ) и магнитно-резонансная томография (МРТ) могут безопасно использоваться у беременных для стадирования патологии. В связи с недостаточной изученностью эффектов воздействия на плод, применение гадолиния – контрастное вещество, используемое при МРТ рекомендуется минимизировать, взвешивая соотношение риск-польза [29].

У небеременных женщин применение позитронно-эмиссионной томографии, интегрированной с компьютерной томографией – ценное информативное диагностическое вмешательство, используемое для обнаружения и стадирования различных типов онкологических заболеваний (особенно гематологических и опухолей молочной железы). Однако у беременных, в связи с высокой дозой радиационного воздействия на плод (до 50 мГр), этот метод рекомендуется не применять [2]. МРТ всего тела является альтернативным методом, который позволяет обнаружить как первичную опухоль, так и метастатические очаги и может применяться во время беременности [6]. В ходе МРТ для контрастирования в качестве орального агента может использоваться ананасовый сок [3,6].

Сцинтиграфия также может быть использована у беременных с условием применения низкой дозы радиоизотопного препарата, так, чтобы экспозиционная доза для плода не превышала 5 мГр [6,18,22]. Минимально возможная доза технеция вводится локально за 2 часа до сканирования. В этом случае 90% технеция абсорбируется в области новообразования и мини-

мальным системным распределением и риском для плода. Индоциан - зеленый – краситель, используемый для визуализации образований в инфракрасном свете характеризуется минимальным плацентарным транспортом и также может использоваться во время беременности [1,8,27]. Голубой краситель использовать не рекомендуется в связи с некоторым риском анафилактических реакций (0,1%) [2].

Хирургическое лечение онкологических заболеваний у беременных возможна в минимальные сроки при условии минимального воздействия на матку [16]. РШМ – в индивидуальных случаях может быть оперирован при интактном миометрии и параметральной клетчатке [12]. При контрактильной активности миометрия во время операции вводятся токолитики. Также применение токолитиков возможно в первые 48 часов постоперационного периода [18,22].

Решение о применении химиотерапии принимается с учетом гестационного возраста, физиологических изменений у беременных, фармакокинетических характеристик препаратов. Трансплацентарный транспорт преимущественно происходит путем простой диффузии. Большинство химиотерапевтических агентов являются низкомолекулярными препаратами, не подвергающимися превращению и связыванию с белками, поэтому они легко проникают через плаценту. У бабуинов пассаж химиопрепаратов через плаценту варьирует от незначимого для доцетаксела до 0,58 для карбоплатина [25]. Последствия для детей, родившихся у женщин от женщин, получавших ПХТ, были прослежены до 6-ти летнего возраста и не обнаружили значимого отрицательного влияния. Более поздние исходы не изучены. Применение таргетных препаратов и гормональных препаратов не рекомендуется до получения убедительных данных об их безопасности для плода.

ПХТ противопоказана до 12-14 недель беременности в связи с ее отрицательным влиянием на органогенез. После этого срока большинство цитотоксических препаратов могут применяться относительно безопасно [4]. Стандартные схемы терапии применяются с расчетом по актуальному весу беременной. После 35 недели беременности ПХТ лечение рекомендуется остановить для предоставления необходимого достаточного временного окна для восстановления гемопозитической функции костного мозга матери и плода.

В отношении биологической и таргетной терапии действуют следующие закономерности: крупные молекулы, такие как моноклональные антитела проникают через плаценту путем активного транспорта, возможного после 14 недели беременности; мелкие молекулы, такие как ингибиторы тирозинкиназы, проникают в течение всей беременности [9]. Применение биологических и таргетных препаратов ассоциируется с цитопенией плода, нарушениями развития скелета и внутренних органов, преждевременной гибелью плода внутриутробно [26,27,30]. Эти препараты противопоказаны во время беременности в связи с их антиангиогенными свойствами, за исключением иматиниба и ритуксимаба [3,21].

Поддерживающая терапия – противорвотные препараты - метоклопрамид и антагонисты рецепторов серотонина как часть противоонкологического лечения

безопасны при беременности [17], кроме ингибиторов нейрокинина-1 [3]. Кортикостероидные гормоны, такие как бетаметазон и дексаметазон применять не рекомендуются, так как для них характерна 100% плацентарная проницаемость. Препаратами выбора являются молекулы, метаболизирующиеся в ткани плаценты – преднизолон и метилпреднизолон, гидрокортизон. По поводу стимулирующих гемопозитических факторов роста, таких как эритропоэтин единое мнение не достигнуто, однако при необходимости, возможно применение с коррекцией дозы по весу и гематологической картине [2].

Радиационная терапия злокачественных образований во время беременности возможна, кроме опухолей тазовой локализации. Таким образом, в отношении РШМ лучевая терапия противопоказана в связи с летальным эффектом на плод.

Акушерское ведение включает пренатальную диагностику состояния плода – скрининг фетальной анеуплоидии (исследование внеклеточной ДНК в крови беременных на сроке 10-20 недель, происхождение – плацентарные клетки) [20]. Информативность метода в отношении патологии плода – спорна [16,26,29].

Информативным методом пренатального скрининга состояния плода является УЗИ. Рекомендуется исследование каждые 2 недели с целью выявления задержки развития плода, возможных пороков развития, мальформаций, контрактильной активности миометрия. Также, учитывая, что ПХТ ассоциируется с риском преждевременных родов рекомендуется каждые 2-4 недели УЗ измерение длины шейки матки [19].

Родоразрешение у беременных с онкологической патологией планируется с учетом баланса двух факторов: минимизировать продолжительность периода, свободного от химиотерапевтических агентов, чтобы уменьшить риск прогрессирования опухоли у матери, и одновременно оптимизировать время для предоставления достаточного временного окна для регенерации гематологических стволовых клеток плода. Хирургическое родоразрешение методом кесарева сечения у онкологических больных составляет 30%, что превышает 21% в общей популяции [9]. Это связано как с планированием следующего этапа противоопухолевого лечения, так и с целью уменьшения психологического и эмоционального стресса женщин. Однако, предпочтительным является родоразрешение через естественные родовые пути. У больных РШМ решение о методе родоразрешения принимается индивидуально, поскольку существует риск инсеминации опухолевых клеток в места разрыва слизистой родовых путей или эпизиотомии.

Родоразрешение рекомендуется планировать не ранее 4 недель после окончания курса ПХТ для предоставления достаточного времени для метаболизации цитостатического агента в плаценте и уменьшения миелосупрессивного эффекта. Так сообщается, что при родоразрешении через 4 недели после ПХТ частота нейтропении составляет 20-33% [8,24], более чем через 4 недели – только 5,5%. Нейтропения при рождении ассоциируется с риском внутрибольничной инфекции.

После родоразрешения необходимым этапом является исследование плаценты. Проводится гистологическое исследование на предмет метастазирования

(преимущественно исследуются ворсинки, так как метастазирование происходит через них). Обнаружение метастазирования плаценты свидетельствует о риске фетального метастазирования [14]. Фетоплацентарное метастазирование чаще наблюдается при меланоме и раке легкого [12]. Также изучается характеристика развития плаценты и ее зрелости, поскольку этот аспект напрямую связан с малым ростом плода [3,15]. Изучение ткани плаценты также позволит в будущем иметь данные о влиянии различных режимов противоопухолевого лечения на плаценту и плод.

Лактация у больных на фоне противоопухолевого лечения может быть снижена и в связи с действием препаратов, так и в связи с психоэмоциональным стрессом [19,25]. Однако рекомендации по грудному вскармливанию ограничены высокой концентрацией цитотоксических агентов в грудном молоке, высоким риском инфицирования молока на фоне цитостатиков [6,13]. Причем препараты платины определяются более, чем через 3 недели после последнего курса ПХТ [12]. У детей, находящихся на грудном вскармливании у матерей, получавших ПХТ, осложнением является инфицирование ЖКТ и нейтропения [19].

Последствиями применения ПХТ у женщин во время беременности является кардиотоксичность у детей, особенно на фоне терапии антрациклинами, с развитием сердечной недостаточности [14], задержка роста [12], когнитивные нарушения [21] а также гематологическая токсичность [17].

Таким образом, анализ опубликованных данных показывает, что, несмотря на имеющиеся экспериментальные и клинические данные информативности и безопасности у беременных отдельных диагностических и лечебных методов, применяемых в онкологии, единого алгоритма тактики ведения беременных, страдающих РШМ, не существует.

#### Литература:

1. Аксель Е.М. Статистика злокачественных опухолей женских половых органов//Клинические лекции по онкогинекологии–М.: МЕД пресс-информ. – 2009. – С. 12-19.
2. Антоненкова Н. Н., Беляковский В. Н. Онкология: учеб. пособие под общ. ред. И.В. Залуцкого //Минск: Выш. шк. – 2007. – С. 454.
3. Бахидзе Е.В. Фертильность, беременность и гинекологический рак. Москва, Санкт. – 2004.
4. Коломеец Е.В. Беременность и заболевания шейки матки: частота, осложнения гестации, материнские и перинатальные исходы: дис. – Москва: Е.В. Коломеец, 2012.
5. Саевец В.В. Эффективность многокомпонентного лечения больных местно-распространенным раком шейки матки в зависимости от варианта гистологического типа строения опухоли. Челябинск - 2016.
6. Adelstein S. J. Administered radionuclides in pregnancy //Teratology. – 1999. – Т. 59. – №. 4. – С. 236-239.
7. Amant F. et al. Breast cancer in pregnancy //The Lancet. – 2012. – Т. 379. – №. 9815. – С. 570-579.
8. Amant F. et al. Long-term cognitive and cardiac outcomes after prenatal exposure to chemotherapy in children



- aged 18 months or older: an observational study //The lancet oncology. – 2012. – Т. 13. – №. 3. – С. 256-264.
9. Baldauf J. J. et al. Colposcopy and directed biopsy reliability during pregnancy: a cohort study //European Journal of Obstetrics & Gynecology and Reproductive Biology. – 1995. – Т. 62. – №. 1. – С. 31-36.
10. Brison N. et al. Accuracy and clinical value of maternal incidental findings during noninvasive prenatal testing for fetal aneuploidies //Genetics in Medicine. – 2017. – Т. 19. – №. 3. – С. 306-313.
11. Burton G. J., Jauniaux E. Pathophysiology of placental-derived fetal growth restriction //American journal of obstetrics and gynecology. – 2018. – Т. 218. – №. 2. – С. S745-S761.
12. Calsteren K. et al. Cancer during pregnancy: an analysis of 215 patients emphasizing the obstetrical and the neonatal outcomes. – 2010.
13. Duggan B. et al. Cervical cancer in pregnancy: reporting on planned delay in therapy //Obstetrics and gynecology. – 1993. – Т. 82. – №. 4 Pt 1. – С. 598-602.
14. Ebina Y. et al. Japan Society of Gynecologic Oncology guidelines 2017 for the treatment of uterine cervical cancer //International journal of clinical oncology. – 2019. – Т. 24. – С. 1-19.
15. Frisch A. et al. Efficacy of oral contrast agents for upper gastrointestinal signal suppression in MRCP: A systematic review of the literature //Acta Radiologica Open. – 2017. – Т. 6. – №. 9. – С. 2058460117727315.
16. Globocan 2008: Cancer incidence, mortality and prevalence worldwide. International Agency for Research on Cancer. <http://globocan.iarc.fr/>. (access June 2012).
17. Gustafsson L. et al. International incidence rates of invasive cervical cancer before cytological screening //International Journal of Cancer. – 1997. – Т. 71. – №. 2. – С. 159-165.
18. Halaska M. J. et al. Characteristics of patients with cervical cancer during pregnancy: a multicenter matched cohort study. An initiative from the International Network on Cancer, Infertility and Pregnancy //International Journal of Gynecologic Cancer. – 2019. – Т. 29. – №. 4.
19. Hunter M. I., Monk B. J., Tewari K. S. Cervical neoplasia in pregnancy. Part 1: screening and management of preinvasive disease //American journal of obstetrics and gynecology. – 2008. – Т. 199. – №. 1. – С. 3-9.
20. Johnson H. M., Mitchell K. B. Academy of breastfeeding medicine //ABM Clinical Protocol. – Т. 34. – С. 429-34.
21. Kal H. B., Struikmans H. Radiotherapy during pregnancy: fact and fiction //The lancet oncology. – 2005. – Т. 6. – №. 5. – С. 328-333.
22. Lee Y. et al. Comparison of quality of life and sexuality between cervical cancer survivors and healthy women //Cancer research and treatment: official journal of Korean Cancer Association. – 2016. – Т. 48. – №. 4. – С. 1321-1329.
23. Olusola P. et al. Human papilloma virus-associated cervical cancer and health disparities //Cells. – 2019. – Т. 8. – №. 6. – С. 622.
24. Origoni M. et al. Cervical Intraepithelial Neoplasia (CIN) in pregnancy: the state of the art //Eur Rev Med Pharmacol Sci. – 2014. – Т. 18. – №. 6. – С. 851-60.
25. Pentheroudakis G. et al. Cancer, fertility and pregnancy: ESMO Clinical Practice Guidelines for diagnosis, treatment and follow-up //Annals of Oncology. – 2010. – Т. 21. – С. v266-v273.
26. Resnik R. et al. Creasy and Resnik's maternal-fetal medicine: principles and practice. Saunders. – 2009.
27. Rychlik A. et al. Utility of laparoscopic indocyanine green-guided sentinel node biopsy in open cervical cancer surgery //International Journal of Gynecologic Cancer. – 2016. – Т. 26. – №. 7.
28. Tsuritani M. et al. Retrospective evaluation of CO2 laser conization in pregnant women with carcinoma in situ or microinvasive carcinoma //Obstetrical & Gynecological Survey. – 2010. – Т. 65. – №. 1. – С. 24-25.
29. Van Calsteren K. Chemotherapy during pregnancy: pharmacokinetics and impact on foetal neurological development //Facts, views & vision in Ob Gyn. – 2010. – Т. 2. – №. 4. – С. 278.

#### **О ВЕДЕНИИ БЕРЕМЕННЫХ С РАКОМ ШЕЙКИ МАТКИ**

*Тугизова Д.И., Каримова М.Н.*

**Резюме.** Актуальность в статье рассматривает взгляд на важную тему, объединяющую две важные сферы женского здоровья-рак шейки матки и беременность. Научно-социальная значимость изучения особенностей развития данной патологии связана с неуклонным повышением роста заболеваемости рака шейки матки и низким процентом полного излечения больных с этим заболеванием. В настоящее время проблема всесторонне изучается, но остаётся недостаточно изученным вопрос о ранней диагностики данной патологии и установлении возможных причин болезни.

**Ключевые слова:** рак шейки матки, беременность, кольпоскопия, гистопатология, неоадьювантная полихимиотерапия.

## СИГМАСИМОН ИЧАК БУРАЛИШИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР



Туляганов Даврон Бахтиярович<sup>1</sup>, Абдулахатов Муроджон Хамидович<sup>1</sup>, Элмурадов Голибжон Каршиевич<sup>2</sup>  
1 - Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш. ;  
2 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

### СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ДИАГНОСТИКЕ И ЛЕЧЕНИЮ ЗАВОРОТА СИГМОВИДНОЙ КИШКИ

Туляганов Даврон Бахтиярович<sup>1</sup>, Абдулахатов Муроджон Хамидович<sup>1</sup>, Элмурадов Голибжон Каршиевич<sup>2</sup>  
1 - Республиканский научный центр экстренной медицинской помощи, Республика Узбекистан, г. Ташкент;  
2 - Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд.

### MODERN APPROACHES TO DIAGNOSIS AND TREATMENT OF SIGMOID COLON VOLVULUS

Tulyaganov Davron Bakhtiyarovich<sup>1</sup>, Abdulakhatov Murodjon Xamidovich<sup>1</sup>, Elmuradov Golibjon Karshiyevich<sup>2</sup>  
1 - Republican Scientific Center for Emergency Medical Care, Republic of Uzbekistan, Tashkent;  
2 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: [Abdulahatov77@gmail.com](mailto:Abdulahatov77@gmail.com)

**Резюме.** Сигмасимон ичак буралиши ичак тутилишлари таркибида нисбатан кам учрасада, лекин унинг асоратлари жуда оғир ҳисобланади ва бу ҳолат унинг диагностикаси аҳамиятини ўта кучайтиради. Беморларнинг 5-22%да техник сабабларга кўра эндоскопик деторсияни бажариш имкони бўлмайти ва улар хирургик амалиёга олинади. Яна бошқа 5-25% ҳолатларда эса ичак некрози ёки перфорацияси, перитонит, септик шок каби асоратлар бўлганлиги сабабли беморларга эндоскопик муолажалар ўтказилмасдан бевосита шошилинч хирургик амалиётлар бажарилинади. Колоректал хирургияда анастомоз этишмовчилигининг умумий миқдори 3,4%дан 6%гача ташиқил қилсада, тўғри ичакка яқин сегментлар резекциясидан сўнги анастомоз этишмовчили 15%гача этиши мумкин. Сигмасимон ичакнинг илк бора буралиб қолишларини даволаш жараёнида ушбу асоратга олиб келган асосий омиллар (долихосигма, ичак тутқичининг узунлиги) бартараф қилинмасдан, беморга кўрсатилган муолажа ёки амалиётлар фақатгина ичак деторсияси билан чегараланган тақдирда, буралиш рецидивини хавфи юқорилигича сақланиб қолади ва 84%гача этиши мумкин. Сигмасимон ичак буралишининг рецидивининг олдини олишга йўналтирилган бир қанча операция турлари мавжуд бўлиб, улардан сўнги қайта буралиш миқдори 10-20%дан пастга тушмайди, бу эса касалликнинг қайталанишига қаратилган янада самарали ва етарли даражада хавфсиз усулларни излашни тақозо қилади.

**Калит сўзлар:** сигмасимон ичак буралиши, долихосигма, эндоскопик деторсия, сегмопекция.

**Abstract.** Although sigmoid volvulus is a relatively rare intestinal obstruction, its complications are quite serious, which increases the importance of its diagnosis. In 5-22% of patients, endoscopic detorsion cannot be performed for technical reasons, and they are transferred to surgical practice. In another 5-25% of cases, due to complications such as intestinal necrosis or perforation, peritonitis, septic shock, emergency surgeries are performed without endoscopic interventions. While the overall incidence of anastomotic leakage in colorectal surgery ranges from 3.4% to 6%, up to 15% have anastomotic leakage after resection of the proximal segments of the rectum. In the treatment of the first sigmoid colon torsion, without eliminating the main factors that led to this complication (dolichosigma, mesentery length), if the treatment or procedures performed on the patient are limited to bowel detorsion, the risk of recurrent torsions remains high and can reach 84%. There are several types of operations aimed at preventing recurrent sigmoid colon torsion, but the frequency of repeated torsions after surgery does not fall below 10-20%, which requires the search for more effective and safe enough methods aimed at recurrent sigmoid colon torsion. disease.

**Key words:** Sigmoid colon volvulus, dolichosigma, endoscopic detorsion, segmopexy.

Ичакларнинг буралиб қолиши ҳақидаги илк маълумотлар милoddан аввалги 1550-йилларга тааллуқли “Эберс папируслари”да келтирилган. Илмий адабиётда эса ушбу касаллик 1836 йилда Австриялик шифокор ва патолог Карл фон Рокитанский томонидан биринчи марта батафсил ёритилган [8,19,57].

Умум қабул қилинган тушунчага мувофиқ, буралиш деб аъзонинг ўзининг кон томир оёқчаси бўйлаб ўтган ўки атрофида айланиши англанади. Жумладан, сигмасимон ичакнинг буралишида аъзо сегменти ўзининг тутқичи атрофида айланиб, ичакнинг батамом ёпилган ҳалқаси ҳосил бўлади ва бу ҳалқад

қон айланиш кескин бузилади. Сигмасимон ичак буралишининг асосий сабабларига долихосигма, ичак туткичининг корин деворига суэт бирикканлиги, ичакларга, корин бўшлиғининг ҳосилаларига, ҳомилали бачадонга чандикли бирикиши ва лимфоаденопатиялар киради [28,60].

Ошқозон-ичак трактининг буралиши ўткир кориннинг муҳим сабабларидан бири ҳисобланиши унинг учрашиш частотаси билан эмас, балким асоратларининг оғирлиги билан асосланади ва бу ҳолат ушбу касаллик юзага келганда эрта диагностиканинг аҳамиятини янада кучайтиради [12,60]. Ичаклар орасида энг кўп кўр ичак ва сигмасимон ичак буралиши қайд қилинади. Бундай ҳолатларда диагноз кеч қўйилган тақдирда мезентериал қон айланиш бузилиши ёки ирригация қийинлашуви натижасида ичак деворининг кескин таранглашуви оқибатида ишемия ривожланиб, некроз ҳамда массив бактериал транслокация ва сепсис юзага келади [48,49,69].

Сигмасимон ичак буралиши Ғарб мамлакатларида йўғон ичак тутилишининг 2-5% гача, Шарқий мамлакатларда эса 20-50% гача улушини ташкил қилади [42,60]. Африка, Осиё, Яқин Шарқ, Жанубий Америка, Шарқий ва Шимолий Европа мамлакатлари ҳамда Туркия сигмасимон ичак буралиши учун эндемик минтақалар ҳисобланади. Қўшма Штатларда ушбу касалликка чалиниш йилига аҳолининг 100 000 нафарига 1,67 ни ташкил қилади [33,66].

Сигмасимон ичак буралиши кўпроқ катталарда, айниқса ҳаётнинг тўртинчи-саккизинчи ўн йилликларида энг кўп қайд қилинади. Касаллик эркакларда аёлларга қараганда 2:1 дан 10:1 гача нисбатда кўпроқ учрайди [57,69]. Болаларда ичак тутилишининг бу тури барча тутилишларнинг 4%ни ташкил қилади ва одатда туғма аномалиялар билан бирга келади. Кекса ёшдаги сигмасимон ичак тутилиши билан мурожаат қилган беморларнинг қарийб учдан бир қисмида бу хуружлар анамнези мавжуд бўлиб, ундан ташқари уларнинг 50-85%да жиддий ёндош касалликлар ҳам мавжуд бўлади [10].

Сигмасимон ичак буралиши юзага келишининг энг аҳамиятли хавф омиллари сирасига кекса ёшлик, нейрорепсихиатрик касалликлар, қабзият, электролитлар бузилишлари ва ҳомиладорлик каби ҳолатлар киради. Абдоминал операциялар, қорин шикастланишлари ва ичаклар инфекцияси оқибатида ривожланган қорин ичи чандикли битишмалар ичак буралиши эҳтимолини кескин оширади. Гиршпрунг касаллиги тўғри ва сигмасимон ичакларнинг кескин кенгайиши ва чўзилишига олиб келади ва шу билан буралиш эҳтимолини янада оширади [1]. Психиатрия муассасалари беморларида ичак буралишининг тез-тез учрашига психотроп дорилар йўғон ичак перисталтикасини бузиши сабаб бўлади, деган фикрлар мавжуд [3,31].

Дунёнинг турли минтақаларида яна бошқа турли хил этиологик омиллар ҳам қайд этилган. Масалан, сигмасимон ичак буралиши учун эндемик ҳудудлар ҳисобланмиш Россия, Ҳиндистон, Эрон, Норвегияда ҳамда Африка мамлакатларида ушбу касалликнинг кўп учраши ўсимлик толаларига бой парҳез билан изоҳланади. Бундай парҳез ичакларнинг дам бўлишига

ва оқибатда сигмасимон ичакнинг чўзилишига олиб келади. Шағас касаллиги деб аталмиш паразитар касаллик эса Бразилияда мегаколоннинг асосий сабабларидир бири ҳисобланади ва бундай беморларнинг 30%да сигмасимон ичак буралиши қайт этилади [8, 20,58,60].

Ичак буралишининг этиологияси кўп омиллик бўлиб, улар ичида сигмасимон ичакнинг ортиқча узайганлиги алоҳида ўрин тутади. Акинкуоту ва ҳаммуалл. келтирган маълумотларга кўра [6], сигмасимон ичак буралиши бўйича консерватив даво чоралари самарасиз бўлганлиги натижасида хирургик амалиёт ўтказилган беморларнинг аксариятида ректосигмоид ичакнинг салмоқли узайганлиги қайд қилинган.

Сигмасимон ичакнинг 180 даражага бурилиши физиологик меъёр ҳисобланади, ундан кўпроқ даражага бурилиш эса обструкция, ишемия, некроз ва бунинг оқибатида ривожланувчи перфорация каби асоратларга олиб келади. Сигмасимон ичак буралишида ичакнинг сиқилиши ва аксиал айланиши ҳосил бўлиши унинг бўшлиғидаги босим кескин ошади, девори таранглашади, бу эса ўз навбатида капилляр перфузия сусаишига, веноз окклюзияга олиб келади [57]. Ичак девори ишемияси ва кескин таранглашиши оқибатида бактериал транслокация юзага келади, газ ҳосил бўлиши кучаяди ва натижада йўғон ичак деворининг чўзилиши ҳамда тизимли эндотоксикация янада кучайиб боради. Ичак айнаилиши эрта даврда бартараф қилинмаган тақдирда хавfli ҳалқа юзага келади ва натижада ичак некрози, перфорацияси, ишемия-реперфузия синдроми ва охир-оқибат септик шок ривожланади [64].

**Сигмасимон ичак буралишининг диагностикаси.** Сигмасимон ичак буралишлари одатда қориндаги санчиқлар, ел ва ахлат чиқишининг қийинлашуви, камроқ ҳолларда кўнгил айниши ва қусишлар, бармоқлар билан текширганда тўғри ичак ампуласини бўш эканлиги билан намоён бўлади. Ичаклар перистальтикаси касаллик босқичига қараб кучайган ёки унинг акси – сусайган бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда касалликнинг бошланғич босқичлари ўта суэт клиника билан ҳам кечиши мумкин. Сигмасимон ичак буралишининг тахминан 30%да қусиш, қабзият билан кечувчи қориндаги санчиқлар ва қорин дам бўлиши триадаси кузатилади [57]. Тахминан 30-40% беморларнинг анамнезида аввалги ичак тутилишлари хуружлари қайд қилинган бўлади [31]. Касаллик хуружи бир неча соатдан бир неча кунгача давом этиши мумкин. Беморларнинг 25-30%и шифохонага мурожаат қилган вақтида сигмасимон ичакнинг ишемияси ёки перфорацияси ҳисобига перитонит ёки шок белгилари бўлади [69].

Бу касалликнинг асосий рентгенологик белгиси йўғон ичакнинг тўмтарилган «U» ҳарфи кўринишида гаустраларсиз кенгайиши бўлиб, кенгайган ичак сояси қориннинг юқори квадрантининг ўрта чизигида жойлашган бўлади. “Кофе уруғи” деб аталмиш рентгенологик симптом кенгайиб, буқилган сигмасимон ичак қовузлогининг медиал деворларининг бир-бирига тегиб туриши ҳисобига ҳосил бўлади ва кофе уруғидаги каби ўртадаги чизикчани эслатади [60]. Сигмасимон ичак буралишининг ушбу ўзига хос рентгенологик

белгилари бўлишига қарамай, фақат 60% беморлардагина бу белгилар кузителинади ва рентгенограммаларга қараб диагноз қўйиш имкони бўлади. Буралган ичак некрозга учраганда чизиксимон пневматоз юзага келади, перфорация ривожланганда эса қорин бўшлиғида эркин ҳаво пайдо бўлади [52].

Сигмасимон ичак бурилишининг диагностикасида компьютер томография танлов усули бўлиб, унинг мультипланар реконструкция қила олиш имконияти аниқ диагноз қўйишни анча енгилаштиради ва бу услубнинг сезувчанлигини 100%га, спецификлигини эса >90%га кўтаради [57]. Компьютер томография оддий рентгенографиядан анча яхши бўлишига қарамай, касалликнинг томографик белгилари 25% ҳолатларда аниқ намоён бўлмайди [52,60].

Ирригографияда сигмасимон ичак бурилишлари “букланган варақ” ёки “қуш тумшуғи” симптомлари билан намоён бўлиши мумкин [31].

**Сигмасимон ичак бурилишларини даволашга замонавий ёндашувлар.** Сигмасимон ичак бурилишларида аҳволи стабил бўлган беморларда даволашнинг турли хил оралик ёки якуний услубларини, шу жумладан хирургик, эндоскопик ёки интервенцион даволаш-диагностик усулларни қўллашга имкон бўлади. Бу усуллардан айнан шу клиник ҳолат учун энг мақбулини ташлашда одатда колоноскопия сигмасимон ичакнинг ҳаётга моиллигини баҳолаш ва буралган ичак қовузлогини деторсия қилиш мақсадида биринчи босқич муолажаси сифатида қўлланилинади [57]. Агарда беморнинг рентген ёки КТ-расмларида ичак некрози белгилари бўлса ёки колоноскопия бажаришга техник имкониятлар бўлмаган тақдирда шошилишч хирургик амалиёт қўллаш зарурияти туғилади.

Ичак перфорацияси ёки ишемияси бўлмаган тақдирда дастлабки даво чораси сифатида эндоскопик деторсияни қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва бу усулнинг самардорлиги 60-95%ни ташкил қилади. Деторсия ректорамоноскопия ёки фиброколоноскопия ёрдамида амалга оширилинади ва муваффақиятли муолажадан сўнг тўғриланган ичакнинг ковагида 1-3 кунга декомпрессион зонд қолдирилинади. Қолдирилган анал зонд нафақат давомий декомпрессия вазифасини бажаради, балким кейинчалик эхтиёж туғилиши мумкин бўлган хирургик амалиётга ичакни тайёр туришини таъминлайди.

Эндоскопик даволаш усулларининг фақат ўзини қўллаган ҳолатларда ўлим кўрсаткичи 6,4%ни, касалликнинг госпитал даврдаги қайталаниш частотаси 3-5%ни, узоқ муддатлардаги қайталаниши миқдори эса 43-75%ни ташкил қилади [69]. Шунинг учун эндоскопик усулларга вақтинчалик даволаш усули сифатида қаралинади ва кўпинча операция хавфи юқори бўлган ностабил беморларда ҳамда йўғон ичакни якуний радикал амалиётга тайёрлаш ва беморнинг умумий аҳволини яхшилаш мақсадларида қўлланилади.

Анестезиологик хавф юқори бўлганлиги сабабли умумий анестезияни қўллаш имкони бўлмаган беморларда тери орқали эндоскопик колостома усули истиқболлик ёндашув сифатида қаралмоқда. Аммо бу усулнинг самардорлиги узоқ муддатли катта ҳажмли

беморлар гуруҳида ўрганилмаганлиги сабабли ҳозирча замонавий тавсияларда ўз аксини топмаган [57].

Барийли ҳўкналар билан даволаш усули ҳали хануз анъанавий усул сифатида айрим клиникаларда қўлланилиб келмоқда ва у одатда гемодинамикаси стабил бўлган ҳамда шошилишч хирургик амалиётга кўрсатмалар бўлмаган, ичак некрози ва перфорацияси белгилари йўқ бўлган беморларда амалга оширилмоқда. Аммо бу усулнинг самардорлиги 69%ни ташкил қилгани ҳолда, асоратлар кўрсаткичи 23%ни, ўлим миқдори 6,4%ни ва рецидивлар ҳолатлари 43-75%ни ташкил қилади. Ҳолбуки шунга яқин бўлган эндоскопик даволаш усулларининг самардорлиги 76%ни, касаллик қайталаниши миқдори 25%ни, асоратлар 6%ни ва ўлим кўрсаткичи 0,3%ни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам кўпчилик мутахассислар ҳўкналар билан даволаш усулини ҳозирда даволашнинг биринчи танлов алтернатив усули, деб ҳисобламайдилар [19].

Гемодинамик стабил беморларда ректораманоскопияни қўллаш ва бу усул ёрдамида йўғон ичакнинг ҳаётга моиллигини ёки некрозга учраганлигини 70-95% аниқлик билан баҳолаш мумкин. Сигмасимон ичак бурилишларида эндоскопик декомпрессия усули нисбатан хавфсиз бўлиб, асоратлар 4%дан, ўлим кўрсаткичи эса 3%дан ошмайди. Бунда эгулвчан эндоскопия каттиқ эндоскопияга кўра афзалроқ ҳисобланади [68]. Эндоскопик декомпрессиядан сўнг йўғон ичакга ректал зонд 72 соат муддатга қолдирилинади. Айрим мутахассислар эндоскопик даволаш усулининг ёлғиз ўзини қўллаш билан чекланган ҳолларда сигмасимон ичакнинг қайта буралиб қолиши частотаси ўта юқори (45-71%), ўлим кўрсаткичи 9%дан 36%гача эканлиги сабабли эндоскопик деторсиядан сўнг 2-5 кун муддат ўтгач радикал хирургик амалиёт ўтказишни тавсия қиладилар [20,36].

Ҳозирда нисбатан янги даволаш усули сифатида тери орқали колостома билан бажарилинувчи йўғон ичак пликацияси амалиёти тадбиқ қилина бошланди. Бу усул илк бора 1990 йилда таклиф қилинган бўлиб, йўғон ичакни эндоскопик колостома ёрдамида қорин деворига қотириш орқали амалга оширилинар ва одатда ASA > 3 баллдан юқори хавфдаги умумий анестезияга қарама-қаршиликлари бўлган беморларда қўлланилиб келинар эди [20]. Япониялик мутахассислар томонида 2019 йилда 8 нафар беморда ўрта ҳисобда 22,8 ой давомида ўтказилган тадқиқотда бирон бир беморда рецидив қайд қилинмади [39], лекин ҳозирча бу усул бўйича етарли даражадаги катта беморлар гуруҳида ўтказилган биронта кўп марказли тадқиқотлар натижалари чоп қилинмаган [65].

Беморларнинг 5-22%да техник сабабларга кўра эндоскопик деторсияни бажариш имкони бўлмайди ва улар хирургик амалиётга олинади. Яна бошқа 5-25% ҳолатларда эса ичак некрози ёки перфорацияси, перитонит, септик шок каби асоратлар бўлганлиги сабабли беморларга эндоскопик муолажалар ўтказилмасдан бевосита шошилишч хирургик амалиётлар бажарилинади [38, 69,70].

Беморда дастлабки текширувлар натижасида ичак некрози ёки перфорациясининг клиник белгилари ёки симптомлари аниқланса, бу ҳолатларда сўзсиз хирургик даволаш усуллари қўлланилинади. Бундан



ташқари эндоскопик текширув вақтида ичак деворининг ҳаётга моил эмаслиги ёки перфорацияси, шу жумладан тешилишдан олдинги ҳолат белгилари аниқланган тақдирда ҳам муолажа зудлик билан тўхталинади ва қуйидаги уч турдаги асосий хирургик амалиётларнинг биронтасига ўтилинади: 1) ичак деторсияси ва тутқичининг пликацияси; 2) ичак резекцияси ва анастомози; 3) Гартман операцияси. Лекин шуни инобатга олиш керакки, беморнинг умумий аҳволи ва ичакларнинг ҳолати нисбатан яхши бўлганда бирламчи анастомозли ичак резекция танлов усули ҳисобланади [19,69].

Америка гастроинтестинал эндоскопия ҳамжамиятининг тавсияларига кўра, беморда перитонит, ичак некрози ёки перфорацияси, кўр ичакнинг диаметри 12 см.дан ошиб кетиши ёки кузатув давомида беморнинг аҳволи оғирлашиши бирламчи хирургик амалиётларга кўрсатма бўлади. Ичак некрози ва перфорацияси бўлган тақдирда операциядан кейинги ўлим кўрсаткичи 44%гача етиши мумкин. Ичаги некрозга учраган аҳволи оғир беморларда реперфузион синдром ривожланмаслиги учун буралиб қолган ичак қовузлогини деторсия қилмасдан, дастлабки буралиб турган ҳолатда резекция қилиш мақсадга мувофиқдир [31,59].

Сигмасимон ичак бурилишларида хирургик амалиёт тактикасини ва ҳажмини белгилашда ичак резекциясини бажариш зарурлиги ёки йўқлигини асосий аҳамият касб этади ва бунда беморнинг умумий аҳволи ҳамда йўғон ичакнинг ҳаётга моиллиги биринчи навбатда инобатга олинади.

Илк бора 1979 йилда Тивари ва Прасад томонидан ёритилган мезосигмоидопластика ҳам резекция қилинмайдиган усуллар сирасига киради ва сигмасимон ичак ҳаётга моил бўлган ҳолатларда қўлланилиб келинган, аммо уни қўллагандан кейин рецидивлар миқдори жуда юқори бўлганлиги сабабли ҳозирда бу усул қўлланилмайди. Бу усулда мезосигмасимон ичак узунасига кесилиб, қўндалангига қайта тикилади [60]. Техник жиҳатдан жуда оддий бўлмиш бу амалиётдан сўнг асоратлар миқдори жуда паст бўлиб, хирургик кесимнинг йиринглаши 2,7%ни, операциядан кейинги ичак тутулиши 8%ни ташкил қилади. Операциядан кейинги ўлим кўрсаткичи 0-11%ни ташкил қилади ва аксарият ҳолатларда ичак буралиши оқибатлари эмас, балким ёндош касалликлар ўлимга олиб келади. Мезосигмоидопластикадан сўнг ичак буралиши рецидиви 80%гача етиши мумкин [21].

Ичак буралиб қолиши рецидивларининг олдини олиш мақсадида кўпроқ ёш соғлом беморларда қўлланиладиган сигмасимон ичакнинг экстраперитонеализацияси адабиётда дастлаб 1970 йилда ёритилган бўлиб, бунда ҳаётга моил сигмасимон ичак қорин пардаси ва тўғри мушакнинг орқа фасцияси оралиғида қилинган тирқиш орқали чап параколик эгатчага киритилинади ва сўрилинувчан чоклар ёрдамида қорин пардаси тирқиши кирралари йўғон ичакка тикилинади (ингичка ичак қовузлоқлари бу тирқишга кириб қолмаслиги учун). Бу усулда амалиётдан сўнги асоратлар миқдори минимал даражада бўлиб, ишончли равишда ичак бурилиши рецидивининг олди олинади, ёши катта беморларда ҳамда ёндош касалликлари бор шахсларда ҳам қўллана бўлади [18].

Сигмасимон ичак бурилишларини хирургик даволашнинг резекцион усуллари ичак ўтказувчанлигини тикловчи ва тикламайдиган турларига бўлинади. Масалан, ичак бутунлигини тикламайдиган резекция турига кирувчи Хартман амалиёти кўпроқ гемодинамика кўрсаткичлари ностабил, ацидоздаги, гипотермияли ёки коагулопатияси бор беморларда қўлланилади [36]. Лекин ҳозирда ичак бутунлигини тиклаш билан яқунланувчи йўғон ичак резекцияси даволашнинг стандарт сифатида қабул қилинган [39].

Сигмасимон ичак бурилишларида резекция амалиёти кўпинча икки босқичда ва икки хил техник ижрода амалга оширилади: 1) биринчи босқичда Ранкин-Микулич усулида сигмасимон ичак резекцияси ва сўнгра қорин ичидан ташқари усулда колостомани ёпиш муолажаси бажарилади; 2) дастлаб Гартман усулида ичак резекцияси қилинади, иккинчи босқичда эса қорин ичидан колостомани ёпиш ва йўғон ичак анастомозини шакллантириш амалга оширилади [22].

Одатда сигмасимон ичакнинг буралиб қолган қисмининг ўзинигина резекция қилиш старли ҳисобланади, аммо йўғон ичак атониясида, қовузлоқнинг икки марта айланиб қолишларида ёки мегоколон мавжуд бўлганда резекция ҳажмини субтотал колэктомия даражасигача ошириш мақсадга мувофиқ бўлади [57]. Резекция қилишда иложи борича буралиб қолган қовузлоқни қайта тўғриламасликка ҳаракат қилиш керак – бу қоида ушбу қовузлоқ ичида йиғилиб қолган эндотоксинлар, калий ва бактерияларнинг умумий қон айланиш оқимида ўтишининг ва ичак перфорациясининг олдини олишга ёрдам беради [69].

Сигмасимон ичакларида кенг қўлланиладиган Хартман операцияси илк бора Анри Альберт Хартман томонидан 1923 йилда колоректал саратонни даволаш усули сифатида таклиф қилинган бўлиб, бу амалиёт ичак бутунлигини тикламаган ҳолда сигмоидэктомияни бажариш, қориннинг чап пастки квадрантига терминал колостомани чиқариш ва тўғри ичак чўлтўғини кейинчалик уни ичакка қайта улаш имконини берувчи тарзда бирламчи ёпиш каби муолажалардан иборатдир [65].

Сигмасимон ичак бурилишларида Хартман операцияси йўғон ичак некрозга учраб, ахлатли перитонит ривожланганда, бемор гемодинамикаси ностабил ёки умумий аҳволи оғир бўлганда қўлланилади [65]. Бундан ташқари некроз жараёни тўғри ичакка ҳам тарқалганда ҳамда йўғон ичакнинг дистал қовузлогини терига таранглаштирмаган ҳолда олиб келиш иложи бўлмаган тақдирда ҳам бу амалиёт қўл келади [57]. Хартман операциясининг энг мушкул томонларига (а) резекция чегарасини тўғри аниқлаш; (б) сигмасимон ичакни Тольднинг оқ чизиғи бўйлаб талоқ бурчагигача ретроград диссекция қилиш; (в) қорин орти пардасини очиб, чап сийдик найини ажратиш; (г) пастки тутқич венани фарқлаб олиш; д) қорин ости нерв толаларини ажратиб, сақлаб қолиш; е) пастки тутқич ёки юқори геморроидал томир поясини назорат қилиш; г) мезосигмасимон ичакни ажратиб олиб, уни резекция қилиш; д) дистал чўлтўқни ёпиш ва терминал стомани чиқариш.

Сигмасимон ичак бурилишларини хирургик даволашда бирламчи анастомоз қўйиш одатда

буралган ичакнинг ҳаётган моиллиги сақланиб қолганда, беморнинг гемодинамикаси кўрсаткичлари стабил бўлганда, коагулопатия, ацидоз ёки гипотермия каби ҳолатлар ривожланмаганда, шунингдек анастомознинг муваффақиятли битиб кетиши учун талаб қилинадиган асосий шартлар, яъни ичакнинг проксимал ва дистал қирраларидаги васкуляризациянинг қонқарли эканлиги ва уларни бир бирига таранглашмаган ҳолда келтириш иложи борлиги ҳолатларда амалга оширилади. Бундан ташқари анастомозлар қахексияга учрамаган ҳамда мавжуд тизимли касалликларини назорат қилиш иложи бор беморларда қўлланилади. Анастомознинг муваффақиятли ишлаб кетиши учун зарур бўлган шу санаб ўтилган шартларни юзага келтириш учун шошилиш ҳолатларда охириги йилларда кўпроқ кўпроқ кам инвазив оралиқ амалиётлар бажарилмоқда, режали равишда бажариладиган якуний амалиёт эса бемордаги маҳаллий ва умумий шароитлар яхшилангандан сўнг амалга оширилмоқда [69].

Анастомознинг ишончли равишда бирламчи битиб кетиши учун шароитлар етарли бўлмаган тақдирда онкологик хирургияда қўлланиладиган ҳалқасимон илеостомма ёки проксимал колостомма каби амалиётлар техник жиҳатдан ичаклараро уламани химоя қилсада, лекин бу стомаларнинг ўзлари бир қанча асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Лекин айрим тадқиқотчилар томонидан аниқланганки, илеостомаларга нисбатан колостомалардан сўнг асоратлар камроқ бўлган, аммо жароҳат инфекциялари, қорин эвентрациялари ва ичак транзитининг тикланиши билан боғлиқ асоратлар кўпроқ колостомадан сўнг кузатилган [<sup>3</sup>0,34,43].

Сигмасимон ичак буралишларида ўткир ичак тутилиши юзага келади ва бунинг натижасида ичакларнинг ёпиқ обструкцияси учун характерли бўлган асоратларнинг барчаси, жумладан ишемия, некроз, перфорация ёки странгуляция кузатилиши мумкин. Ичак буралишининг даражасига қараб обтурацион ёки странгуляцион шаклидаги ичак тутилиши ривожланиши мумкин. Айланиш бурчаги 180-270°ни ташкил қилганда ичакнинг қон айланиши одатда камроқ бузилади ва кечроқ юзага келади, бу эса ўз навбатида кўпроқ обтурацион ичак тутилиши клиникаси билан намоён бўлади. Ичак 270°дан кўпроқ бурилганда ковузлоқнинг ишемияси изчиллик билан ривожланиб бориши, қисқа муддатларда ичак деворининг некрози ва перфорацияси, охир-оқибатда эса ахлатли перитонит юзага келиши фонида касалликнинг клиник симптоматикаси ёрқин ва изчил намоён бўлади ҳамда унинг фожиали яқун топиши хавфи ўта юқори бўлади. Барча ичак буралишлари турларининг ичида айнан сигмасимон ичак буралиши энг кўп учрайди ва уларнинг 90%ни ташкил қилади [<sup>3</sup>0,60].

Сигмасимон ичак буралишларида ичак некрози ривожланишининг эҳтимолини сезиларли даражада оширувчи хавф омилларига бемордаги оғир ёндош касалликлар (ўпканинг сурункали обструктив касаллиги, тизимли артериал гипертензия, юрак ишемик касаллиги, юрак етишмовчилиги, қандли диабет, сурункали буйрак етишмовчилиги, инсультдан кейинги ҳолатлар, Паркинсон касаллиги) ҳамда шок ҳолатининг мавжудлиги, буралиш симптомларининг

узок вақт давом этаётганлиги, йўғон ва ингичка ичакларнинг бирга буралиши кабилар қиради. Лекин бу каби тадқиқотларда ичак некрози ривожланиш хавфига беморнинг ёши таъсир қилиши аниқланмаган [57]. Буралган ичак некрози ва перитонит ривожланиши касаллик ўлим билан яқун топиши хавфининг иккита асосий омилларидан ҳисобланади [57].

Касалликнинг жиддий асоратлари туркумига операциядан кейинги даврда ривожланувчи ичаклараро анастомозлар билан боғлиқ асоратлар (чоклар етишмовчилиги, уламанинг қонаши ва чандикли торайиши) ҳам кириди ва улар қайта операцияни талаб қилади. Бундай қайта операцияларнинг 50% доимий стома қўйиш билан яқун топади [65].

Анастомоз етишмовчилигининг юзага келиши учун энг қалтис давр операциядан кейинги 3-5-кунларга тўғри келади – айнан шу даврда чоклар ипи таранглиги энг бўшашган бўлади, шиллик ости қаватидаги коллаген миқдори камаяди, шу соҳадаги тўқималар шиши оқибатида бу жойдаги васкуляризация сусаяди. Мана шу омилларнинг бир вақтдаги салбий таъсири натижасида анастомоз мустаҳкамлиги камаяди. Колоректал хирургияда анастомоз етишмовчилигининг умумий миқдори 3,4%дан 6%гача атрофида бўлгани қаторда, лекин айнан тўғри ичакка яқин сегментлар сатҳидаги ичак тутилиши бўйича бажарилган резекциядан сўнги анастомоз етишмовчили 15%гача етиши мумкин [30].

Ушбу оғир асоратга моиллик туғдирувчи асосий хавф омилларига эркак жинсига мансублик, кескин озиб кетиш, оғир юрак-қон томир касалликлари, стероид гормонларни қабул қилиш, спиртли ичимликларни суистеъмом қилиш, периоперацион даврда қон қуйиш, кекса ёшлик, семизлик ва анамнезида тос соҳасига ўтказилган нури терапия. Бундай хавф омиллари бўлган беморларга анастомоз қўйилганда химоя қилувчи илеостомма чиқариш тавсия қилинади [30,34].


Химоя қилувчи стомаларнинг самарадорлигини ўрганиш бўйича Gastinger ва ҳаммуаллифлари ўтказган ретроспектив кўп марказли тадқиқотига жами 2729 та бемор киритилган бўлиб, улардан 881 нафарига стома чиқарилган, 1848 тасига эса стомасиз анастомоз қўйилган. Ўрганишлар натижасида ушбу икки гуруҳ орасида анастомозлар етишмовчилигининг умумий частотаси бўйича фарқ топилмади, лекин химоя қилувчи стомаси бор беморларда қайта амалиётлар частотаси камроқ эканлиги аниқланди [<sup>3</sup>0,34].

Буралиш натижасида ичак гангрениси ривожланган ҳолатларда ўлим кўрсаткичи 11%дан 60% ташкил қилгани ҳолда, жараён гангренагача бормаган беморларда эса бу кўрсаткич 10%га ҳам етмайди. Консерватив даво воситалари ёрдамида сигмасимон ичак буралиши бартараф қилинган тақдирда касаллик рецидиви 84%ни ташкил қилади [30,31].

Сигмасимон ичакнинг илк бора буралиб қолишларини даволаш жараёнида ушбу асоратга олиб келган асосий омиллар (долихосигма, ичак туткичининг узунлиги) бартараф қилинмасдан, беморга кўрсатилган муолажа ёки амалиётлар фақатгина ичак деторсияси билан чегараланган тақдирда, буралиш рецидиви хавфи юқорилигича

сақланиб қолади [1,30,34,43]. Рецидивга моиллик туғдирувчи қўшимча омиллар қаторига бемор ёшининг кексалиги, эркак жинсига мансублиги, бўйининг баландлиги, ўсимлик толаларига бой парhezни эрта бошлаш ва қабзиятлар киради [44]. Касаллик қайталанишининг асосий сабабчи бўлмиш

долихосигмани компьютерли томография расмларида сигмасимон ичакнинг кенгайиб, чап диафрагма гумбазигача қўтарилиши ҳамда жигарнинг чап бўлаги хажмининг кичрайиши каби белгилари бўйича эрта аниқлаш мумкин [30,34,44].



**Расм 1.** Сигмасимон ичак буралиши рецидивининг олдини олишга қаратилган хирургик амалиёт турлари: А) сигмоидопексия; Б) мезопексия; С) мезопластика; Д) экстраперитонизация; Е) сигмоидэктомия; F) найчасимон сигмоидопексия

Аммо бу операциядан сўнг рецидивлар миқдори кўп бўлганлиги сабабли бу амалиёт одатда шошилиш ҳолатларида ахволи оғир беморларда чегараланган миқдорда очиқ ёки лапароскопик усулларда қўлланилади [30,34]. Сигмопексиянинг яна битта кам учрайдиган камчилиги – бу деворга тикилган ичак ва қорин девори ўртасидаги тирқиш орасида ички чурра ҳосил бўлишидир [13,17]. Бу операциядан кейинги ўлим кўрсаткичи 1-8%ни, асоратлар миқдори 10-20%ни ва ичак буралиши қайталаниши частотаси 10-35%ни ташкил қилади [1,13,17,30,34,43].

Мезопексия (мезосигмоидопексия) деб номланувчи операцияда қорин деворига сигмасимон ичакнинг туткичи чоклар ёрдамида бириктирилинади (1.1В-расм) [14,15]. Бу амалиёт ҳам одатда сигмопексия операцияси каби оғир аҳволдаги беморларда шошилиш ҳолатларида қўлланилади [13,17]. Мезопексиянинг натижалари сигмопексия билан деярли бир хил эканлиги аниқланган, яъни ўлим кўрсаткичи 1-8%ни, асоратлар миқдори 10-20%ни ва буралишлар рецидиви частотаси 10-25%ни ташкил қилади [11,13,14,17].

Сигмасимон ичак бурилишининг қайталанишига қаратилган кейинги операция – мезопластика (мезосигмоидопластика) – техник жиҳатдан бир оз қийинроқ бўлиб, унда ичак туткичи бўйламасига кесилиб, кўндалангига қайта тикилади ва бунинг натижасида ҳам тутқичнинг, ҳам долихосигманинг узунлиги анча қисқаради (1.1С-расм) [14,15]. Бу амалиёт бир оз мураккаброқ бўлганлиги сабабли ахволи оғир беморларда, айниқса шошилиш ҳолатларида камроқ қўлланилади [**Ошибка! Закладка не определена. Ошибка! Закладка не определена.**]. Уни бажариш кўпроқ вақт талаб қилади ҳамда тутқич томирларининг шикастланиш эҳтимоли юқорирок бўлади [14,15]. Бу операциядан кейинги ўлим кўрсаткичи 1-10%ни, асоратлар миқдори 10-30%ни ва рецидив частотаси 5-15%ни ташкил қилади [14,15,64].

Экстраперитонизация операциясида сигмасимон ичакнинг апиқал қисми қорин деворига қорин пардаси лахтаги ёрдамида қотирилади (1.1D-расм). Бу амалиётни очиқ ёки лапароскопик усулда бажарилиши мумкин, лекин шошилиш ҳолатларида оғир аҳволдаги беморларга тавсия қилинмайди. Бу операциянинг ҳам натижалари сигмопексия амалиётдан катта фарқ қилмайди: ўлим кўрсаткичи 1-8%ни, асоратлар частотаси 10-20%ни ва рецидив кўрсаткичи 10-25%ни ташкил қилади [11,30,34,64].

Сигмоидэктомия операциясида узайган сигмасимон ичакнинг катта қисмини резекция қилиш ва анастомозни эркин равишда таранглашмаган тарзда шакллантириш мумкин (1.1Е-расм) [11,13,30,34]. Бу мураккаб амалиёт кўпроқ умумий ахволи стабил бўлган, ёши қари бўлмаган беморларда ичак буралиши рецидивининг олдини олиш мақсадида режали равишда бажариш тавсия қилинади [11,13,30,34,43,64]. Сигмоидэктомияни очиқ усулда бажаришдан кўра лапароскопик усулда бажариш ҳамда анастомозни химояловчи стома билан эмас, балким бирламчи анастомознинг ўзи билан амалга ошириш афзалроқ эканлиги айрим мутахассислар томонидан қайд қилинган [7,11,13,30,52,55,64]. Сигмасимон ичак резекциясидан сўнги ўлим кўрсаткичи 0-2%ни, асоратлар миқдори 10-25%ни ва рецидив частотаси 0-

1%ни ташкил қилади [1,11,13,34,43,50,53,54,64]. Охириги йилларда бу амалиётни бажариш техникасини такомиллаштиришга йўналтирилган бир қанча ишланмалар таклиф қилинган бўлиб, улар қаторида лапароскопик усулда резекция қилинган ичак бўлагини орқа тешиқдан ташқарига чиқариб, трансанал усулда анастомоз қўйиш энг истиқболли ёндашув, деб ҳисобланмоқда [30,34,43].

Нисбатан янги усул сифатида перкутан эндоскопик сигмоидопексия (ПЭС; ПЭ-колопексия; ПЭ-колостомия) амалиёти ҳам мутахассислар томонидан кенг тadbик қилинмоқда ва ўрганилмоқда. ПЭСни амалга оширишда сигмасимон ичакнинг апец қисми қорин олдинги деворига стома учун мўлжалланган эндоскопик жамлама ёрдамида қотирилади (1.1F-расм). Бу муолажа ўз моҳиятига кўра колопексияга бўлишига қарамай, унинг асосий мақсади даволаш усуллари катта хавф туғдирувчи айрим беморлар учун тавсия. Бу эндоскопик амалиётдан кейинги ўлим кўрсаткичи 8-15%ни, асоратлар миқдори 15-30%ни ва рецидивлар частотаси 10-35%ни ташкил қилади [1,7,11,15,30,34,43,46,55,64].

Сигмасимон ичак буралишида операцион хавф ўта юқори бўлган ва кекса ёшдаги беморларда хирургик ёки эндоскопик даволаш усуллари қўлланмасдан фақат консерватив усуллар билан чегараланган ҳолатларида касаллик рецииви ҳисобига эрта даврда 10% бемор, ўрта муддатларида яна 20%и ва узок муддатларида яна қўшимча 35%и вафот этиши натижасида умумий ўлим кўрсаткичи 90%га етиши мумкин [13,30,47,51,64].

**Хулоса.** Сигмасимон ичак буралиши ичак тутулишлари таркибида нисбатан кам учрасада, лекин унинг асоратлари жуда оғир ҳисобланади ва бу ҳолат унинг диагностикаси аҳамиятини ўта кучайтиради. Беморларнинг 25-30%и шифохонага мурожаат қилган вақтида сигмасимон ичакнинг ишемияси ёки перфорацияси ҳисобига перитонит ёки шок белгилари бўлади. Ичак гангренази ривожланган ҳолатларида ўлим кўрсаткичи 11%дан 60% ташкил қилгани ҳолда, жараён гангренагача бормаган беморларда эса бу кўрсаткич 10%га ҳам етмайди. Сигмасимон ичак тутулиши билан мурожаат қилган кекса ёшдаги беморларнинг 50-85%да жиддий ёндош касалликлар ҳам мавжуд бўлади. Тахминан 30-40% беморларнинг анамнезида аввалги ичак тутулишлари хуружлари қайд қилинган бўлади.

Сигмасимон ичак бурилишининг диагностикасида компьютер томография танлов усул бўлиб, унинг мультипланар реконструкция қила олиш имконияти аниқ диагноз қўйишни анча енгиллаштиради ва бу услубнинг сезувчанлигини 100%га, спецификлигини эса >90%га кўтаради. Аммо касалликнинг томографик белгилари 25% ҳолатларида аниқ намоён бўлмайди.

Сигмасимон ичак буралишларида агар беморнинг ахволи стабил бўлса даволашнинг турли хил оралик ёки якуний услубларини, шу жумладан хирургик, эндоскопик ёки интервенцион даволаш-диагностик усулларни қўллашга имкон бўлади. Агарда бемор перитонит, ичак перфорацияси ёки некрози белгилари бўлса ёки колоноскопия бажаришга техник



имкониятлар бўлмаган тақдирда шошилишч хирургик амалиёт қўллаш зарурияти туғилади.

Энг оддий ҳисобланмиш барийли хўкналар билан даволаш усулининг самардорлиги 69%ни ташкил қилгани ҳолда, асоратлар кўрсаткичи 23%ни, ўлим миқдори 6,4%ни ва рецидивлар 75-84%ни ташкил қилади. Шунга яқин бўлган эндоскопик даволаш усуллариининг самардорлиги ҳам ҳукна усулига яқин бўлиб, атиги 76%ни, узоқ муддатдаги рецидив частотаси 45-71%ни, ўлим кўрсаткичи эса 9%дан 36%гача эканлиги сабабли эндоскопик деторсиядан сўнг 2-5 кун муддат ўтгач радикал хирургик амалиёт ўтказишни тавсия қиланади. Тери орқали эндоскопик колостома усули истиқболлик ёндашув сифатида қаралмоқда, лекин бу усулнинг самардорлиги узоқ муддатли катта ҳажмли беморлар гуруҳида ўрганилмаганлиги сабабли ҳозирча замонавий тавсияларда ўз аксини топмаган.

Беморларнинг 5-22%да техник сабабларга кўра эндоскопик деторсияни бажариш имкони бўлмади ва улар хирургик амалиёга олинади. Яна бошқа 5-25% ҳолатларда эса ичак некрози ёки перфорацияси, перитонит, септик шок каби асоратлар бўлганлиги сабабли беморларга эндоскопик муолажалар ўтказилмасдан бевосита шошилишч хирургик амалиётлар бажарилинади.

Колоректал хирургияда анастомоз етишмовчилигининг умумий миқдори 3,4%дан 6%гача ташкил қилсада, тўғри ичакка яқин сегментлар резекциясидан сўнги анастомоз етишмовчили 15%гача етиши мумкин.

Сигмасимон ичакнинг илк бора буралиб қолишларини даволаш жараёнида ушбу асоратга олиб келган асосий омиллар (долихосигма, ичак туткичининг узунлиги) бартараф қилинмасдан, беморга кўрсатилган муолажа ёки амалиётлар фақатгина ичак деторсияси билан чегараланган тақдирда, буралиш рецидиви хавфи юқориликча сақланиб қолади ва 84%гача етиши мумкин. Сигмасимон ичак буралишининг рецидивининг олдини олишга йўналтирилган бир қанча операция турлари мавжуд бўлиб, улардан сўнги қайта буралиш миқдори 10-20%дан пастга тушмайди, бу эса касалликнинг қайталанишига қаратилган янада самарали ва етарли даражада хавфсиз усуллари излашни такозо қилади.

#### Адабиётлар:

1. Алешин Д.В., Ачкасов С.И., Шахматов Д.Г., Фоменко О.Ю., Пономаренко А.А., Игнатенко М.А., и др. Факторы риска заворота сигмовидной кишки у пациентов с идиопатическим мегаколон/мегаэктум //Колопроктология. – 2024. – Т. 23. – №. 1. – С. 32-41.
2. Климентов М. Н., Капустина Ю. Л., Радченко П. А. Рецидивный неполный заворот сигмовидной кишки, частичная кишечная непроходимость (клиническое наблюдение) //Форум молодых ученых. – 2019. – №. 4 (32). – С. 484-492.
3. Лекомцев В.Т., Кочуров В.Ю. Особенности клиники и терапии психомоторного возбуждения у больных позднего возраста //Труды Ижевской государственной медицинской академии. – 2021. – С. 128-130.
4. Тотиков В. З., Медоев В. В., Тотиков З. В., Калицова М. В. Результаты лечения больных с заворотом сигмовидной кишки //Колопроктология. – 2017. – №. S3. – С. 84-84.
5. Aharoni M., Zager Y., Khalilieh S., Amiel I., Horesh N., Ram E., et al. Laparoscopic fixation of volvulus by extra-peritonealization: a case series //Techniques in Coloproctology. – 2022. – Т. 26. – №. 6. – С. 489-493.
6. Akinkuotu A., Samuel J. C., Msiska N., Mvula C., Charles A. G. The role of the anatomy of the sigmoid colon in developing sigmoid volvulus: a case-control study //Clinical Anatomy. – 2011. – Т. 24. – №. 5. – С. 634-637.
7. Alavi K., Poylin V., Davids J. S., Patel S. V., Felder S., Valente M. A., Paquette I. M., Feingold D. L. The American Society of Colon and Rectal Surgeons Clinical Practice Guidelines for the Management of Colonic Volvulus and Acute Colonic Pseudo-Obstruction //Diseases of the colon and rectum. – 2021. – Т. 64. – №. 9. – С. 1046-1057.
8. Asghar M.S., Tauseef A., Shariq H., Zafar M., Jawed R., Rasheed U., et al. Sigmoid volvulus: a rare but unique complication of enteric fever //Journal of Community Hospital Internal Medicine Perspectives. – 2020. – Т. 10. – №. 1. – С. 45-49.
9. Atamanalp S. S. Endoscopic decompression of sigmoid volvulus: review of 748 patients //Journal of Laparoendoscopic & Advanced Surgical Techniques. – 2022. – Т. 32. – №. 7. – С. 763-767.
10. Atamanalp S. S. Sigmoid volvulus //The Eurasian journal of medicine. – 2010. – Т. 42. – №. 3. – С. 142.
11. Atamanalp S.S. Sigmoid volvulus: An update for Atamanalp classification //Pakistan Journal of Medical Sciences. – 2020. – Т. 36. – №. 5. – С. 1137-1139.
12. Atamanalp S.S. Sigmoid volvulus: diagnosis in 938 patients over 45.5 years //Techniques in coloproctology. – 2013. – Т. 17. – С. 419-424.
13. Atamanalp S.S. Treatment of sigmoid volvulus: a single-center experience of 952 patients over 46.5 years //Techniques in coloproctology. – 2013. – Т. 17. – С. 561-569.
14. Atamanalp S.S., Atamanalp R.S. Reply to ‘comment on colopexy in sigmoid volvulus recurrence’ //Techniques in Coloproctology. – 2019. – Т. 23. – С. 935-936.
15. Atamanalp S.S., Atamanalp R.S. Sigmoid volvulus: avoiding recurrence //Techniques in Coloproctology. – 2019. – Т. 23. – С. 405-406.
16. Atamanalp S.S., Dişçi E., Peksöz R., Korkut E., Aksungur N., Altundaş N., Kara S. Recurrence-Preventive Role of Flatus Tubes Following Endoscopic Decompression in Sigmoid Volvulus //The Turkish Journal of Gastroenterology. – 2023. – Т. 34. – №. 4. – С. 371-377.
17. Atamanalp S.S., Peksöz R., Dişçi E. Sigmoid volvulus and ileosigmoid knotting: an update //The Eurasian Journal of Medicine. – 2022. – Т. 54. – №. 1. – С. S91-S96.
18. Avisar E., Abramowitz H. B., Lernau O. Z. Elective extraperitonealization for sigmoid volvulus: an effective and safe alternative //Journal of the American College of Surgeons. – 1997. – Т. 185. – №. 6. – С. 580-583.
19. Ballantyne G. H. Review of sigmoid volvulus: history and results of treatment //Diseases of the Colon & Rectum. – 1982. – Т. 25. – С. 494-501.
20. Ballantyne G. H., Brandner M. D., Beart Jr R. W., Ilstrup D. M. Volvulus of the colon. Incidence and mortality //Annals of surgery. – 1985. – Т. 202. – №. 1. – С. 83.

21. Barbieux J., Plumereau F., Hamy A. Current indications for the Hartmann procedure //Journal of visceral surgery. – 2016. – T. 153. – №. 1. – C. 31-38.
22. Bauman Z.M., Evans C.H. Volvulus //Surgical Clinics. – 2018. – T. 98. – №. 5. – C. 973-993.
23. Chen M. Z., Cartmill J., Gilmore A. Natural orifice specimen extraction for colorectal surgery: early adoption in a Western population //Colorectal Disease. – 2021. – T. 23. – №. 4. – C. 937-943.
24. Coron E. Should we recommend PEC and when? //Endoscopy International Open. – 2016. – T. 4. – №. 07. – C. E742-E743.
25. Emna T., Atef M., Sarra S. Management of acute sigmoid volvulus: a Tunisian experience //Asian Journal of Surgery. – 2022. – T. 45. – №. 1. – C. 148-153.
26. Farkas N., Kenny R., Conroy M., Harris H., Anele C., Simson J., Levy B. A single centre 20-year retrospective cohort study: Percutaneous endoscopic colostomy //Colorectal Disease. – 2022. – T. 24. – №. 11. – C. 1390-1396.
27. Frank L., Moran A., Beaton C. Use of percutaneous endoscopic colostomy (PEC) to treat sigmoid volvulus: a systematic review //Endoscopy international open. – 2016. – T. 4. – №. 07. – C. E737-E741.
28. García-Granados A.R., Castañeda-Martínez L. E. Synchronous volvulus of the cecum and sigmoid colon: a rare cause of intestinal obstruction //Cirugía y cirujanos. – 2021. – T. 89. – C. 4-8.
29. Gastinger I., Marusch F., Steinert R., Wolff S., Koeckerling F., Lippert H. Protective defunctioning stoma in low anterior resection for rectal carcinoma //Journal of British Surgery. – 2005. – T. 92. – №. 9. – C. 1137-1142.
30. Gavriilidis P., Azoulay D., Taflampas P. Loop transverse colostomy versus loop ileostomy for defunctioning of colorectal anastomosis: a systematic review, updated conventional meta-analysis, and cumulative meta-analysis //Surgery Today. – 2019. – T. 49. – C. 108-117.
31. Gingold D., Murrell Z. Management of colonic volvulus //Clinics in colon and rectal surgery. – 2012. – T. 25. – №. 04. – C. 236-244.
32. Gosavi R., Centauri S., Teoh W., Nguyen T.C., Narasimhan V. Laparoscopic peritoneal flap sigmoidopexy—a video vignette //Colorectal Disease. – 2023. – T. 25. – №. 4. – C. 817-818.
33. Halabi W. J., Jafari M. D., Kang C. Y., Nguyen V. Q., Carmichael J. C., Mills S., Stamos M. J. Colonic volvulus in the United States: trends, outcomes, and predictors of mortality //Annals of surgery. – 2014. – T. 259. – №. 2. – C. 293-301.
34. Hanna M. H., Vinci A., Pigazzi A. Diverting ileostomy in colorectal surgery: when is it necessary? //coloproctology. – 2015. – T. 37. – C. 311-320.
35. Hardy N. P., McEntee P. D., McCormick P. H., Mehigan B. J., Larkin J. O. Sigmoid volvulus: definitive surgery is safe and should be considered in all instances //Irish Journal of Medical Science (1971-). – 2022. – C. 1-5.
36. Hooper J., Gutman N. Colostomy guideline //USA: United Ostomy Associations of America. – 2017.
37. Humbert C., Grillet F., Malakhia A., Meuriot F., Lakkis Z., Piton G., et al. Stratification of sigmoid volvulus early recurrence risk using a combination of CT features //Diagnostic and Interventional Imaging. – 2022. – T. 103. – №. 2. – C. 79-85.
38. Iida T., Nakagaki S., Satoh S., Shimizu H., Kaneto H., Nakase H. Clinical outcomes of sigmoid colon volvulus: identification of the factors associated with successful endoscopic detorsion //Intestinal research. – 2017. – T. 15. – №. 2. – C. 215.
39. Imakita T., Suzuki Y., Ohdaira H., Urashima M. Colonoscopy-assisted percutaneous sigmoidopexy: a novel, simple, safe, and efficient treatment for inoperable sigmoid volvulus (with videos) //Gastrointestinal Endoscopy. – 2019. – T. 90. – №. 3. – C. 514-520.
40. Jackson S., Hamed M. O., Shabbir J. Management of sigmoid volvulus using percutaneous endoscopic colostomy //The Annals of The Royal College of Surgeons of England. – 2020. – T. 102. – №. 9. – C. 654-662.
41. Johansson N., Rosemar A., Angenete E. Risk of recurrence of sigmoid volvulus: a single-centre cohort study //Colorectal Disease. – 2018. – T. 20. – №. 6. – C. 529-535.
42. Kapadia M. R. Volvulus of the small bowel and colon //Clinics in colon and rectal surgery. – 2017. – T. 30. – №. 01. – C. 040-045.
43. Kłęk S., Pisarska M., Milian-Ciesielska K., Cegielný T., Choruz R., Sałowka J., Pędziwiatr M. Early closure of the protective ileostomy after rectal resection should become part of the Enhanced Recovery After Surgery (ERAS) protocol: a randomized, prospective, two-center clinical trial //Videosurgery and Other Miniinvasive Techniques. – 2018. – T. 13. – №. 4. – C. 435-441.
44. Korkut E., Peksoz R., Disci E., Atamanalp S.S. Factors affecting recurrence in sigmoid volvulus //Pakistan Journal of Medical Sciences. – 2023. – T. 39. – №. 1. – C. 150-153.
45. Kusunoki R., Fujishiro H., Miyake T., Suemitsu S., Kataoka M., Fujiwara A., et al. Initial computed tomography findings of long and distended colon are risk factors for the recurrence of sigmoid volvulus //Digestive Diseases and Sciences. – 2021. – T. 66. – C. 1162-1167.
46. Lai Samuel H, Jon D Vogel. Diagnosis and Management of Colonic Volvulus. //Diseases of the colon and rectum. – 2021. – T. 64. - №. 4. – C. 375-378.
47. Loria A., Jacobson T., Melucci A. D., Bartell N., Nabozny M. J., Temple L. K., Fleming F. J. Sigmoid volvulus: evaluating identification strategies and contemporary multicenter outcomes //The American Journal of Surgery. – 2023. – T. 225. – №. 1. – C. 191-197.
48. Maddah G., Kazemzadeh G.H., Abdollahi A., Bahar M.M., Tavassoli A., Shabahang H. Management of sigmoid volvulus: options and prognosis //J Coll Physicians Surg Pak. – 2014. – T. 24. – №. 1. – C. 13-7.
49. Mangiante E.C., Croce M.A., Fabian T.C., Moore 3rd O.F., Britt L.G. Sigmoid volvulus. A four-decade experience //The American Surgeon. – 1989. – T. 55. – №. 1. – C. 41-44.
50. Miller A. S., Boyce K., Box B., Clarke M. D., Duff S. E., Foley N. M., Wright D. The Association of Coloproctology of Great Britain and Ireland consensus guidelines in emergency colorectal surgery //Colorectal Disease. – 2021. – T. 23. – №. 2. – C. 476-547.
51. Moro-Valdezate D., Martín-Arévalo J., Pla-Martí V., García-Botello S., Izquierdo-Moreno A., Pérez-Santiago L., Espí-Macías A. Sigmoid volvulus: outcomes of

- treatment and predictors of morbidity and mortality //Langenbeck's archives of surgery. – 2022. – С. 1-11.
52. Naveed M., Jamil L. H., Fujii-Lau L. L., Al-Haddad M., Buxbaum J. L., Fishman D. S., Wani S. B. American Society for Gastrointestinal Endoscopy guideline on the role of endoscopy in the management of acute colonic pseudo-obstruction and colonic volvulus //Gastrointestinal Endoscopy. – 2020. – Т. 91. – №. 2. – С. 228-235.
53. Ndong A., Patel B. Safety and efficacy of laparoscopic surgery in the management of sigmoid volvulus: a systematic review and meta-analysis //Surgery Open Digestive Advance. – 2022. – Т. 6. – С. 100052.
54. Nguyen S.H., Tavares K., Chinn A., Russell D., Gillern S., Yheulon C. Is laparoscopy underutilized for sigmoid volvulus? //Surgical Laparoscopy Endoscopy & Percutaneous Techniques. – 2022. – Т. 32. – №. 5. – С. 564-570.
55. Orban Y.A., Safwat K., Awad J.R., Ashour H., Yassin M.A. Sigmoidopexy versus sigmoidectomy for sigmoid volvulus through left iliac incision in high-risk patients //The Egyptian Journal of Surgery. – 2022. – Т. 41. – №. 1. – С. 135-140.
56. Ören D., Atamanalp S. S., Aydinli B., Yildirgan I. M., Basoglu M., Polat Y. K., Önbas Ö. An algorithm for the management of sigmoid colon volvulus and the safety of primary resection: experience with 827 cases //Diseases of the Colon & Rectum. – 2007. – Т. 50. – №. 4. – С. 489-497.
57. Perrot L., Fohlen A., Alves A., Lubrano J. Management of the colonic volvulus in 2016 //Journal of visceral surgery. – 2016. – Т. 153. – №. 3. – С. 183-192.
58. Raveenthiran V., Madiba T. E., Atamanalp S. S., De U. Volvulus of the sigmoid colon //Colorectal Disease. – 2010. – Т. 12. – №. 7Online. – С. e1-e17.
59. Sánchez-Medina R., Suárez-Moreno R., Aguilar-Soto O., Cuéllar-Gamboa L., Ávila-Vargas G., Di Silvio-López M. Anastomosis manual versus anastomosis mecánica en cirugía colorrectal //Cir Ciruj. – 2003. – Т. 71. – №. 1. – С. 39-44.
60. Sanz L.I., Nacenta S.B., Alonso R.C., Martínez P.D., Irujo M.N. Vólvulos del tracto gastrointestinal. Diagnóstico y correlación entre radiología simple y tomografía computarizada multidetector //Radiología. – 2015. – Т. 57. – №. 1. – С. 35-43.
61. Satheakeerthy S., Leow P., Hall B., Yen D.A., Fischer J. Outcomes for sigmoid volvulus managed with and without early definitive surgery: 20-year experience in a tertiary referral centre //ANZ journal of surgery. – 2024. – Т. 94. – №. 1-2. – С. 169-174.
62. Seow-En I., Chang S. C., Ke T. W., Shen M. Y., Chen H. C., Chen W. T. L. Uncomplicated sigmoid volvulus is ideal for laparoscopic sigmoidectomy with transrectal natural orifice specimen extraction //Diseases of the Colon & Rectum. – 2021. – Т. 64. – №. 5. – С. e90-e93.
63. Singh Y., Islam S., Arra A., Banfield R., Naraynsingh V. The steel pan sign of sigmoid volvulus—A case series //International journal of surgery case reports. – 2017. – Т. 41. – С. 332-335.
64. Tian B. W., Vigutto G., Tan E., van Goor H., Bendinelli C., Abu-Zidan F., Catena F. WSES consensus guidelines on sigmoid volvulus management //World Journal of Emergency Surgery. – 2023. – Т. 18. – №. 1. – С. 34.
65. Tin K., Sobani Z. A., Anyadike N., Serur A., Mayer I., Iswara K., Tsirlin, Y. Percutaneous endoscopic sigmoidopexy using T-fasteners for management of sigmoid volvulus //International Journal of Colorectal Disease. – 2017. – Т. 32. – С. 1073-1076.
66. Tirol F. T. Cecocolic torsion: classification, pathogenesis, and treatment //JLS: Journal of the Society of Laparoendoscopic Surgeons. – 2005. – Т. 9. – №. 3. – С. 328.
67. Uylas U., Gunes O., Kaplan K. A review of sigmoid volvulus and natural orifice specimen extraction surgery //Annals of Laparoscopic and Endoscopic Surgery. – 2022. – Т. 7.
68. Vandendries C., C Jullès M., Boulay-Coletta I., Loriau J., Zins M. Diagnosis of colonic volvulus: findings on multidetector CT with three-dimensional reconstructions //The British journal of radiology. – 2010. – Т. 83. – №. 995. – С. 983-990.
69. Vogel J.D., Feingold D.L., Stewart D.B., Turner J.S., Boutros M., Chun J., Steele S.R. Clinical practice guidelines for colon volvulus and acute colonic pseudo-obstruction //Diseases of the Colon & Rectum. – 2016. – Т. 59. – №. 7. – С. 589-600.
70. Yadeta G. L., Tesso B. A., Oriho L. J. Recurrent Transverse Colon Volvulus After Operative Detorsion: A Case Report //Cureus. – 2024. – Т. 16. – №. 1.

### **СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ДИАГНОСТИКЕ И ЛЕЧЕНИЮ ЗАВОРОТА СИГМОВИДНОЙ КИШКИ**

*Туляганов Д.Б., Абдулахатов М.Х., Элмурадов Г.К.*

**Резюме.** Хотя заворот сигмовидной кишки среди кишечной непроходимости встречается относительно редко, его осложнения весьма серьезны, что повышает важность его диагностики. У 5-22% больных выполнить эндоскопическую деторсию по техническим причинам не удастся, и их переводят в хирургическую практику. Еще в 5-25% случаев из-за таких осложнений, как некроз или перфорация кишечника, перитонит, септический шок, экстренные хирургические операции выполняются без эндоскопических вмешательств. В то время как общая частота несостоятельности анастомоза в колоректальной хирургии составляет от 3,4% до 6%, до 15% имеют несостоятельность анастомоза после резекции проксимальных сегментов прямой кишки. При лечении первого заворота сигмовидной кишки, без устранения основных факторов, приведших к этому осложнению (долихосигма, длина брыжейки), если проводимое больному лечение или процедуры ограничиваются только деторсацией кишечника, риск частота рецидивов скручиваний остается высокой и может достигать 84%. Существует несколько видов операций, направленных на предотвращение рецидивов перекрута сигмовидной кишки, однако частота повторных перекрутов после операции не падает ниже 10-20%, что требует поиска более эффективных и достаточно безопасных методов, направленных на рецидивирование перекрута сигмовидной кишки. болезнь.

**Ключевые слова:** перекрут сигмовидной кишки, долихосигма, эндоскопическая деторсия, сегмопексия.





Турабидинова Гуллола Алимжоновна<sup>1</sup>, Турдиева Шохида Толкуновна<sup>2</sup>

1 - Андижон давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Андижон ш.;

2 - Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

## ВЗАИМОСВЯЗЬ МЕЖДУ АКТИВНОСТЬЮ ИММУННОЙ СИСТЕМЫ МЛАДЕНЦЕВ И ТОКОФЕРОЛОМ В КРОВИ

Турабидинова Гуллола Алимжоновна<sup>1</sup>, Турдиева Шохида Толкуновна<sup>2</sup>

1 – Андижанский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Андижан;

2 - Ташкентский педиатрический медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Ташкент

## THE RELATIONSHIP BETWEEN INFANT IMMUNE SYSTEM ACTIVITY AND TOCOPHEROL IN THE BLOOD

Turabidinova Gullola Alimjonovna<sup>1</sup>, Turdieva Shokhida Tolkunovna<sup>2</sup>

1 – Andijan State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Andijan;

2 - Tashkent Pediatric Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: [shohidahon69@mail.ru](mailto:shohidahon69@mail.ru)

**Резюме.** Мақола яллиғланиш касалликлари бўлган болаларнинг иммунитетига токоферол моддаси таъсирини ўрганишга бағишланган. Турли хил турдаги яллиғланиш жараёнларида токоферолнинг иммунитет тизимига таъсири учун масъул бўлган механизмлар экспериментал ва клиник тадқиқотларда ўрганиш натижасида олинган янги маълумотлар таҳлили мақолада акс эттирилган. Илмий маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида токоферол этишмовчилиги ҳайвонлар ва одамларда, айниқса болаларда иммунитет тизимининг нормал функцияларини бузиши аниқланди. Токоферол Т-ҳужайра мембраналарининг яхлитлигига бевосита таъсир кўрсатиб, унинг функциясини, шунингдек, сигнал узатиш ва ҳужайра бўлинишида иштирок этади, шу билан билвосита бошқа иммун ҳужайраларининг синтезига, шу жумладан каскад механизмга таъсир қилади. Хулоса. Экспериментал ва клиник тадқиқотларни ўзида акс эттирувчи, сўнги 10 йил ичида нашр этилган замонавий илмий манъбалар таҳлили ўтказилганда, токоферолнинг иммунорегуляцион ролининг ишончли далиллари мавжуд. Аммо шу билан бирга, токоферол этишмовчилиги ҳолати ҳамда нафас йўллари касалликлари бўлган болаларнинг иммун тизими ўртасидаги муносабат масаласи очиқ қолмоқда.

**Калит сўзлар:** гўдаклар, токоферол, иммун тизими, иммун функцияси, яллиғланиш, инфекция.

**Abstract.** The article is devoted to the study of the effect of tocopherol on the immunity of children with inflammatory diseases. The mechanisms of tocopherol action on the immune system in inflammatory processes of various origins have been studied in experimental and clinical studies. During the analysis of literary data, it was found that tocopherol deficiency disrupts the normal functions of the immune system in animals and humans, especially in children. Tocopherol directly affects the integrity of T-cell membranes, participates in their function, as well as in signal transmission and cell division, thereby indirectly affecting the synthesis of other immune cells, including the cascade mechanism. Conclusion. When analyzing modern scientific sources published over the past 10 years, including experimental and clinical studies, convincing evidence of the immunoregulatory role of tocopherol was obtained. But at the same time, the relationship between the state of tocopherol deficiency and the immune system of children with respiratory diseases remains open.

**Key words:** infant, tocopherol, immune system, immune function, inflammation, infection.

**Қириш.** Янги туғилганда гўдаклар ўзига хос туғма иммунитетга эга бўлишига қарамай, унинг ишлаши бир қатор омилларга, хусусан, перинатал даврнинг кечуви ва асоратларига (анемия, жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар, онада соматик касалликлар ҳамда сурункали ўчоқли инфекциялар мавжудлиги, ва бошқалар) боғлиқ, жумладан,

ҳомиладорлик даврида онага етарли даражада зарур озик моддалар билан таъминлаши ҳам муҳимдир [1, 3]. Ҳомила ва гўдакнинг тўлиқ ривожланиши учун зарур элементлардан бири токоферол моддаси бўлиб у кўплаб органлар ва тизимларнинг, шу жумладан гепатобилиар, юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг нормал ишлашида аҳамиятга эга. Шу



билан бирга, токоферол болаларда иммунитет тизими фаолиятида марказий рол ўйнайдиган муҳим антиоксидантлардан биридир. Сўнгги ўн йилликдаги илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, токоферол хужайра мембраналарини эркин радикаллар келтириб чиқарадиган оксидловчи шикастланишдан ҳимоя қилиш орқали иммунитетни ҳимоя қилиш қобилиятига ҳам эга [6]. Бу, айниқса, болалар учун жуда муҳим, чунки уларнинг иммун тизими ривожланиш жараёнида ташқи таъсирларга кўпроқ мойил бўлади [33]. Шу билан бирга, токоферол хужайра бўлиниши ва ДНКни тиклаш жараёнларида ҳам иштирок этади, бу ўсаётган боланинг танаси учун муҳим аҳамиятга эга, аммо потенциал фойдаларга қарамай, токоферолнинг болалар иммунитетига ҳар томонлама таъсирини ўрганиш кўшимча тадқиқотларни, шу жумладан экспериментал тадқиқотларни талаб қилади. Ўсаётган организмда иммун тизимининг шаклланиши ва фаолиятида унинг ролини ҳар томонлама ўрганиш мақсадида муофиқдир [4, 25]. Ушбу фонда иммунитет тизими асосан инфекция агентларга қарши ҳимоя, хужайра шикастланишини олдини олиш ва ўсимта хужайраларини аниқлаш, ҳамда йўқ қилиш вазифасини бажаради [2], бу эса боланинг ҳаёти давомида акс этади. Пренатал ривожланишдан бошлаб, маълум яллиғланиш омиллари таъсири остида, ҳомила иммунитет тизими ўзгаришлар юзага келиб, бу боланинг ҳаётининг биринчи кунидан бошлаб аниқроқ намоён бўлади. Хусусан, амниотик суюқликда цитокинлар мавжудлигини ҳисобга олсак, ҳомила ичи инфекцияси (ХИИ) пайтида патогеннинг кўпайиши амниотик суюқликда содир бўлади, ҳамда патоген омиллар амниотик суюқлик ҳимоячиси бўлган шиллик пардалар билан бевосита алоқага киришиб, уни шикаслантириши, ҳомилага токсикэмбриопатик таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Хусусан, ХИИ туфайли пневмониядан вафот этган гўдаклар ва ўлик туғилган чақалоқларнинг ўпкасида ўлимдан кейинги текшириш жараёнида онадан олинган лейкоцитлар ва аспирацияланган амниотик қолдиқларни аниқлади, бу ХИИ билан инфекцияланган амниотик суюқликдан тўғридан-тўғри шиллик қават шикасланиши натижасида пайдо бўлиши мумкин деган тушунчани кўллаб-қувватлайди [19]. Шу билан бирга, баъзи муаллифларнинг фикрича, бу хужайраларнинг мембранасини ҳимоя қилиш функциясининг бузилиши - ҳомиланинг амнеотик суюқлигига инфекцияни киритишига олиб келиши мумкин [15]. Иммунитет реакцияларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан тизимнинг антигенлар ва комменсал бактериялар каби "ўзини", ҳамда вируслар, бактериялар, паразитлар ва бошқа патогенлар каби "ўзини ўзи" ажрата олиш қобилиятига боғлиқ. Бу жараёнда туғма ва ортирилган ("мослашувчан") иммунитет тизимлари танани ҳимоя қилиш учун яқиндан ишлайди. Нейтрофиллар, моноцитлар/макрофаглар, табиий ҳимояловчи қотил (NK - Natural killer) хужайралар, дендритик хужайралар ва гранулоцитлар каби туғма иммун тизимининг хужайралари, инвазив патогенлар билан бевосита курашда ва адаптив иммун тизимининг фаоллигини рағбатлантиришда муҳим рол ўйнайди [7, 19]. Оддий шароитларда иммунитет тизими кескин ҳаракат қилади, шунинг учун босқинчи патогенларга қарши вақтинчалик таъсир кўрсатади. Ушбу

яллиғланиш реакцияси иммунитет тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб, турли иммун хужайралари, цитокинлар ва бошқа сигнализация молекулалари ўртасидаги мувофиқлаштиришни ўз ичига олади [15]. Бироқ, иммун тизимининг фаоллашуви узоқ давом этган бўлса, яллиғланиш давом этади ва бу латент кечувчи сурункали яллиғланиш ҳолатга олиб келади [7, 33]. Латент кечувчи сурункали яллиғланиш кўплаб сурункали метаболик касалликлар, жумладан, семизлик, алкогольсиз ёғли жигар касаллиги ва 2-тоифа диабетнинг умумий хусусиятига ҳам мансуб [2, 6]. Маълумки, овқатланиш ҳолати иммунитет тизимининг нормал функцияларини сақлаб туриш ва ички ёки ташқи омиллар таъсирида дисфункцияни олдини олиш ёки юмшатиш учун муҳимдир. Озиқа моддаларнинг етишмаслиги кўпинча иммун дисфункциясига олиб келади ва аксинча, тавсия этилган даражада ёки ундан юқори миқдорда қабул қилиниши иммунитет тизимининг фаолиятини тиклаши ёки янада кучайтириши ҳам мумкин [6], бироқ болалик давридаги кўплаб соматик касалликлар озуқа моддаларининг етишмаслиги билан тавсифланади [7], бу нафас йўллари патологияси [36] ва эндокрин тизим [15] касалликлари патогенезида ҳам намоён бўлади. Бинобарин, болаларда токоферол етишмовчилигини бир қатор патологик жараёнларнинг ажралмас қисми сифатида қаралиши лозим.

Шу билан бирга, Lewis ED et al., 2019, фикрига биноан, токоферол биологик фаол модда бўлиб, иммуномодуляторлик хусусиятларга эга [23]. Бу функция иммунитет хужайраларининг мембраналарига бой бўлган тўйинмаган ёғли кислоталарнинг оксидланишига қарши ҳимоя таъсири билан боғлиқ бўлиб, бу уларни патогенетик омиллардан ҳимояланиш жараёнида юқори метаболик фаоллик натижасида юзага келувчи оксидланиш шикастланишига мойилликни олдини олади [8, 13]. Токоферол етишмовчилиги турли хил патологик ҳолатлар, жумладан, мембрана яхлитлиги ва фаоллигини ўзгариши, яллиғланиш воситачиларини (яллиғланиш оксилларини) ва хужайра циклини бузилиши орқали иммунитет тизимининг ишлашига бевосита таъсир кўрсатиши кузатилади [9]. Шуни таъкидлаш керакки, баъзи муаллифлар ўз тадқиқотларида токоферол билан иммун функциясини модуляция қилиш (стимуляция қилиш) кэнг клиник аҳамиятга эга эканлигини кўрсатадилар, чунки у беморнинг бактериал ва вирусли инфекцияларга мойиллик таъсир билан боғлиқлигини қайд этишган [24, 29].

Ҳайвонлар ва одамларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, токоферол етишмовчилиги гуморал ва хужайра (айниқса, Т-хужайрада) иммунитетни функцияларининг ёмонлашишига сабаб бўлади [21]. Ичакдаги малабсорбция бузилишлари туфайли токоферол етишмовчилиги юзага келиши оқибатида хужайра воситачилигидаги иммунитет функциясининг, яъний Т-хужайра фаолияти учун зарур бўлган интерлейкин 2 (IL-2) фаолиятида ҳам кескин бузилишлар юзага келиши мумкин. Тадқиқот натижасида, яллиғланиш цитокинларининг камайиши фонида кўшимча тарзда давога токоферол қўшилиши Т-хужайраларни пролиферациясининг яхшиланиши кузатилди [20]. Худди шундай тадқиқотда, токоферол етишмаслиги

туфайли эрта туғилган чақалоқларда нейтрофилларни бактерицид фаоллиги ва фагоцитар қобилятини бузилиши кузатилган [5]. Токоферол етишмовчилиги иммунитет функциясини заифлаштира-да, ҳайвонлар ва одамларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, даволанишга токоферол қўшилиши иммунитет тизимининг фаолиятини яхшилади. Хусусан, ҳайвонларнинг кундалик рационига токоферол қўшилиши Т-хужайралари функциясининг яхшиланишига олиб келди, шу жумладан Т-хужайраларининг дифференциацияси, лимфоцитлар пролиферацияси, шунингдек, IL-2 ишлаб чиқариш ва Т-хужайра фаоллигини ошишига олиб келди [16]. Шунга ўхшаш натижалар сичқонларга Е витамини (500 ppm  $\alpha$ -токоферол ацетат) қўшилиши Т-хужайралари воситачилигидаги жавобларни, шу жумладан лимфоцитлар пролиферациясини, IL-2 ишлаб чиқаришни ва юқори сезувчанлик реакцияларини кечиктиришга олиб келган [27]. Шу билан бирга, туғма иммунитет функциялари, шу жумладан, педиатрияда кўпроқ қўлланиладиган  $\alpha$ -токоферол шаклида Е витамини қўшимчаларини қабул қилиш орқали НК-хужайраларининг фаоллиги ва макрофагларнинг фагоцитар қобиляти ҳам яхшиланган [3]. Турли ёшдаги беморларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Е витаминини қабул қилишда туғма ва адаптив иммунитетнинг кучайиши ва лейкоцитларнинг фагоцитик қобилятининг ошишига сабаб бўлган [9], лекин шу билан бирга хужайраларнинг бактерицид фаоллигининг пасайиши аниқланган [38], ва бу ҳолат токоферолнинг антиоксидант функцияси, унинг мембрана тузилишида бир вақтнинг ўзида пероксид водород ишлаб чиқаришнинг пасайиши билан боғлиқ, деган фикр билдирилган. Бир нечта йўлдош тадқиқотлар натижасига кўра, плацебо-назорат остидаги клиник тадқиқотлар, бир ой давомида кунига 800 ХБ  $\alpha$ -токоферол ацетат қабул қилиш натижасида Т-хужайралари воситачилигидаги функцияларини яхшилашда самарадорлигини кўрсатди [14]. Кейинги тадқиқот шуни кўрсатдики, кунига 200 ХБ  $\alpha$ -токоферол ацетат қабул қилиш, қоқшол ва гепатитга қарши вакцина самарадорлигини ошириш учун эса кунига 60 ва 800 ХБ қабул қилиш хужайра иммун тизимини шаклланишига яхши таъсир доирасига эга [11].

Токоферолнинг иммуномодуляцион таъсирига масъул бўлган механизмлар ҳайвонлар ва беморларда ўтказилган тадқиқотларда ўрганилган. Жумладан, токоферол иммунитет хужайраларига ҳам тўғридан-тўғри, ҳам билвосита таъсир кўрсатиши, аксарият далиллар Т-хужайраларининг фаолиятига таъсир доирасини аниқловчи қатор тадқиқотлар олиб борилган [17]. Токоферол хужайраларни фаол кислород (АФК) турларининг шикастланишидан ҳимоя қила оладиган кучли антиоксидант эканлигини ҳисобга олсак, фаол кислород турларининг ортиқча ишлаб чиқарилиши натижасида юзага келадиган оксидловчи стресс иммунитет тизимига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, натижада у хужайра мембраналарига зарар етказиши, яллиғланишни келтириб чиқариши ва хужайра фаолиятини бузилишига олиб келиши мумкин, ҳамда иммунитет тизими хужайралари ўртасида сигналларни айирбошлаш жараёнлари бузади. Ушбу фонда токоферол оксидловчи стрессни

камайтиришга ёрдам беради, хужайраларни шикастланишдан ҳимоя қилади ва уларнинг яхлитлигини сақлайди [15, 17]. Бу, айниқса, инфекциялар ва патогенларга қарши курашда фаол иштирок этадиган иммунитет тизимининг хужайралари учун жуда муҳимдир. Мембраналарнинг яхлитлигини ва иммунитет тизими хужайраларининг нормал ишлашини таъминлаш, уларнинг инфекцияларга қарши курашиш қобилятига ва умуман тананинг соғлиғини сақланишига фойдали таъсир кўрсатади [37]. Шу сабабдан, токоферолнинг иммун тизимига таъсирининг иккита механизмини шартли равишда ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

1. *Иммунитет хужайраларининг морфофункционал хусусиятларига бевосита таъсир қилиши.* Юқорида айтиб ўтилганидек, токоферол билан бойитилган иммунитет хужайралари мембраналардаги кўп тўйинмаган ёғли кислоталарнинг юқори миқдоридан, уларнинг юқори метаболик фаоллиги ва нормал ҳимоя функцияси натижасида оксидловчи шикастланишдан ҳимоя қилади [26]. Иммун хужайралари хужайра мембраналарининг таркиби ва тузилишига ахамиятлидир, чунки уларнинг мембраналари асосий тартибга солувчи генларни модуляция қилиш учун турли сигнализация механизмлари орқали плазма ва ядрога ташқи сигналлар узатиладиган асосий жойдир. Шу билан бирга, токоферол липид пероксидациясини ва хужайра мембранасининг шикастланишини олдини олиш орқали мембрана яхлитлигини сақлашга ёрдам беради, сигнал узатилишини ва асосий оксиллар, ҳамда бошқа воситачиларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлайди ва иммун хужайра функциясига бевосита таъсир қилади. Бундан ташқари, токоферол хужайра мембраналарининг маълум хусусиятларини, шу жумладан, липид толаларининг ҳаракатчанлигини тўғридан-тўғри модуляция қилиши мумкин, бу еса илгари кўриб чиқилганидек, сирт сигнализация молекулаларининг ҳаракати ва фаоллашувига таъсир қилиши мумкин. Хужайра мембраналарининг яхлитлигини демодуляция қилиш сигнал узатилишидаги ўзгаришларга олиб келиши мумкин, бу охир-оқибатда морфофункционал ўзгаришларга олиб келади, айниқса Т-хужайралар гуруҳига мансуб иммун хужайраларида бу ҳолат кузатилади. Токоферолнинг мембрана яхлитлиги ва сигнализациядаги ўзгаришларга бевосита таъсири турли моделларда кўрсатилган. Ёши катта сичқонлардан ажратилган талоқ Т- хужайралари ёш сичқонларнинг Т-хужайраларига нисбатан катта миқдорда IL-2 ни ажратиш ва ишлаб чиқариш қобилятига эгадир [28, 35]. Шу билан бирга, ёши хужайраларнинг митохондриялари турли хил хужайра жараёнларида, шу жумладан кальций балансини аниқ назорат қилишда қатнашади, озикланишда эса оч қолиш (диета сақлаш) пайтида энергия субстратларининг метаболизмида, шунингдек, хужайрали сигнализация йўлларида юзага келувчи стресс ҳолатларида иштирок этиши мумкин. Бундан ташқари, митохондриялар бири-бирига қарама-қарши бўлган митохондриял мембраналарнинг синтези ва бўлиниши ўртасидаги мувозанат сақлаб туради [28], шунинг учун иммунитет хужайраларининг бу механизмлари хужайра яхлитлиги ва функционал имкониятларига ҳам боғлиқдир. Шу

билан бирга, токоферол НК ва Т-хужайраларининг фаолиятини кучайтиришда, ўткир яллиғланиш жараёнларида қаршилик кўрсатишда иштирок этиши исботланган. Бу қобилятлар оддий Т- хужайраларига хосдир, лекин иммун хотира Т-хужайраларига хос эмас [18]. Бу содда Т-хужайралари оксидланиш шикастланишига кўпроқ мойил эканлиги ҳақидаги хабарларга мос келади [26]. Ушбу таъсирлар токоферолнинг заиф Т- хужайраларининг эрта фаоллашув ходисаларига таъсири билан боғлиқ бўлиши мумкин, дебган фикр билдирилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, токоферол Т-хужайраларининг фаоллашувини, шу жумладан оддий ёрдамчи (CD4+) Т- хужайралари ва антиген тақдим қилувчи хужайралар ўртасида синапсларнинг шаклланишини кучайтириши мумкин [18]. Токоферол томонидан содда Т-хужайралар функциясининг яхшиланиши, шунингдек, мембрана билан боғланган калит сигнализация молекулаларининг, шу жумладан Т-хужайралар оиласи аъзоларининг (linker for activation of T cells – LAT), серин/треонин киназа, протеинкиназа C $\theta$  (PKC $\theta$ ), С $\gamma$ -фосфолипаз (PLC $\gamma$ ) фаоллаштирувчи боғловчиларининг қайта тақсимланиши билан боғлиқдир [36], ва бу механизм Т-, В-хужайралари, ҳамда туғма иммун хужайраларини турли синфлар цитокин рецепторлари ва кўп занжирли иммунитетни аниқлаш рецепторларига эга эканлиги билан боғлиқ. Булар: Т-хужайра рецепторлари (TCP), В-хужайра рецепторлари (BCP), IgG учун Fc рецепторлари (Fc), табиий НК хужайра рецепторлари ва бошқалар. Бу рецепторлар фаоллашувнинг биринчи босқичларини кўзга тутиш учун фосфорланишдан фойдаланиши ёки адаптер молекулалари орқали киназлар билан боғлиқ бўлиши мумкин [12]. Шу сабабли, токоферол етишмовчилиги ҳолати бир вақтнинг ўзида иммунитет хужайраларининг структуравий оксилларини фосфорланишига таъсир қилиши мумкин, бу еса киназлар ва фосфатазаларни ўз ичига олган жараёнларнинг бузилиши билан бирга келади, бу хужайраларни тартибга солишнинг асосий механизмларини, шу жумладан, мембран бузилишлар асосий жараёнларда хужайра оксилларининг фаоллигини, хужайра ўсиши, дифференциацияси, ҳаракати, метаболизми ва апоптозни бузишдир.

*2. Билвосита таъсири: яллиғланиш омилларини бостириши.* Токоферол проинфламатор цитокинлар ва липид воситачиси бўлган простагландин E<sub>2</sub> (PGE<sub>2</sub>) каби яллиғланиш воситачиларининг модуляцияси орқали Т-хужайраларига билвосита тартибга солувчи таъсир кўрсатади. Токоферолнинг макрофаглар томонидан PGE<sub>2</sub> ишлаб чиқариш модуляциясига таъсири илгари ҳам кўриб чиқилган [12, 35]. Бунда PGE<sub>2</sub> аденилат циклазани фаоллаштиради, циклик аденозинмонофосфата (цАМФ) даражасини оширади, бу еса Т-хужайра жавобини бостиришга олиб келади [18]. PGE<sub>2</sub> ҳам туғма, ҳам адаптив иммунитет тизимига таъсир қилади [28], жумладан Т-хужайралари кўпайишини, IL-2 рецепторлари экспрессиясини ва IL-2 ишлаб чиқаришни инҳиба қилади [10]. PGE<sub>2</sub> нинг Т-хужайраларига бостирувчи таъсири Т-хужайралари фаоллашганидан кейин содир бўлган бир нечта эрта сигнализация ходисаларини секинлаштирувини (ингибицияни) ўз ичига олади [28]. Токоферолнинг простагландин E<sub>2</sub> (PGE<sub>2</sub>) ишлаб чиқариш

секинлаштируви механизми ҳали тўлиқ тушунилмаган бўлса-да, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, E витамини кўшилиши (30 кун давомида 500 мг / кг), арахидон кислотасини простагландинларга айлантиришда иштирок этадиган тезликни чекловчи фермент циклоксигеназа-2 (Cyclooxygenase 2 – COX 2) ферментатив фаоллигини секинлаштириши орқали PGE<sub>2</sub> ишлаб чиқаришни камайтиради [32]. Қизиғи шундаки, E витамини кўшилиши COX 1 ёки COX-2 мРНК ёки протеин [28] ифодасига таъсир қилмади. Бу шуни кўрсатадики, COX-2 ферментатив фаоллигини токоферол билан тартибга солиш пост-транслятсия даражасида содир бўлади. Шу мақсадда, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, COX-2 фаоллигини токоферол томонидан секинлаштириш жараёнига фаол ҳолатдаги ксилород (АФК) турлари пероксинитрит [17, 27] томонидан воситачилик қилиши мумкин. PGE<sub>2</sub> ни бостиришдан ташқари, токоферол бошқа яллиғланиш белгиларининг, шу жумладан ўсимта некрози омили (TNF- $\alpha$ ) ва IL-6 синтезини камайтиради, айниқса патогенларга жавобан [5, 17]. A/Port Chalmers/1/27 (H3N2) гриппи вируси билан касалланган сичқонларда ўпқада вирус титрлари юқори бўлган IL-2 Т-хелпер 1 (Th1) цитокинлари ва интерферон (IFN)- $\gamma$  ишлаб чиқариш бузилганлигини кўрсатди [27], бу синовдаги сичқонларнинг ёшига қараб ҳам ўзгариши аниқланди. Шу билан бирга, яна бир тадқиқот шуни кўрсатадики, токоферол ацетатни 30 кун давомида 500 мг/кг дозада қабул қилганда, у Th1 реакциясини кучайтирди, унинг фаоллиги эса ёш ўтган сайин камайдди. Бу шуни кўрсатадики, Th1 жавобини кучайтириш токоферолнинг грипп инфекциясига жавобини яхшилайдиган марказий механизм бўлиши мумкин [34]. Шунингдек, лаборатория тажрибасида токоферол цитокинларни ишлаб чиқаришда ингибитор ролини ўйнаши аниқланган. Нафас олиш йўллари инфекцияси моделларига мувофиқ, соғлом сичқонларнинг рационига  $\alpha$ -токоферол кўшилиши (4-6 ҳафта давомида) IFN- $\gamma$  ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва яллиғланишга қарши цитокин TNF- $\alpha$  ишлаб чиқаришни камайтириш орқали Th1 жавобини рағбатлантиради [27]. Периферик қоннинг мононуклеар хужайраларида токоферол моноцитлардан IL-1 $\beta$ , IL-6 ва TNF- $\alpha$  каби яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорини камайтириш орқали яллиғланиш реакциясини камайтиради [20, 32]. PGE<sub>2</sub> даги ўзгаришларга ўхшаб, E витаминининг яллиғланишга қарши цитокинларга таъсири ҳам цАМФ ни стимуляция қилиш орқали содир бўлади [17]. Хусусан, тажриба давомида яллиғланиш жараёнида кузатилган ўзгаришлар аниқланди: хужайраларнинг интенсив миграцияси ва яллиғланишга қарши воситачилар - маҳаллий хужайралар (синовиоцитлар, макрофаглар, фибробластлар, хондроцитлар) ва жалб қилинган лейкоцитлар яллиғланиш медиаторларини цитокинлар (TNF- $\alpha$ , IL-1 $\beta$ , IL-6 ва бошқалар), арахидон кислотаси метаболитлари, АФК ва протеолитик ферментлар ишлаб чиқаради. Бу барча ферментлар ва воситачилар яллиғланиш жараёнининг ривожланишида иштирок этади, лейкоцитлар миграциясини рағбатлантиради.  $\alpha$ -Токоферолни тери остига юбориш билан ўтказилган тажрибачилар IL-1 $\beta$ , TNF $\alpha$  ва АФК даражасининг пасайишини қайд етдилар. Улар  $\alpha$ -токоферол



тўғридан-тўғри эркин радикаллардан тозалаш, эндоген антиоксидант тизимни рағбатлантириш ёки яллиғланишни камайтириш (токоферолнинг билвосита таъсир механизми) орқали оксидловчи стрессни камайтириши мумкин деган хулосага келишди, ва бу механизмлар токоферолнинг АФК ни камайтириши билан боғлиқлигини исботлашди. Ушбу гипотеза токоферолнинг эритроид-2 (Nfr2) билан боғлиқ ядро омилининг ингибицияга қарши туришига асосланади, ва бу хулосанинг тасдиғи бўлиб  $\alpha$ -токоферолни TNF $\alpha$ , IL-1 $\beta$  ва IL-бдаражасини пасайтириши билан боғлашади [27].

Ҳайвонлар ва одамларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, токоферолнинг иммунорегуляцион роли нафас олиш йўллари инфекциялари каби юқумли касалликлар, шунингдек, астма каби баъзи аллергик касалликлар хавфини камайтириш хусусияти билан боғлиқ. Нафас олиш йўллари инфекциялари, масалан, стрептококк пневмония ва грипп, айниқса ёш болалар учун муаммоли бўлиб, улар ушбу патологияларга кўпроқ мойил, ҳамда ушбу касаллик туфайли касалхонага беморларни госпитализация қилиниши, асоратлар туфайли ўлим даражаси юқори бўлиниши аниқланган [3]. Е витамини, яний токофероллар ва токотриеноллар тўртта кимёвий вариантга бўлинади:  $\alpha$ -,  $\beta$ -,  $\gamma$ - ва  $\delta$ - (делта). Улар орасида  $\alpha$ -токоферол боланинг соғлиғи учун энг муҳим элементлардан бири ҳисобланади, у жигарда метаболизм жараёни иштирок этиб, гепатобилиар тизимнинг яллиғланиш жараёнига бевосита ёки билвосита жалб қилиниши, биринчи навбатда болалардаги юқумли касалликларда унинг камайиши қайд этилган. Бу жараён, айниқса, ёш болаларда ушбу тизимнинг морфо-функционал етук эмаслиги туфайли сезилади. Ҳомиладорлик даврида токоферолнинг минимал миқдори йўлдош орқали ўтади [5], бунинг натижасида янги туғилган чақалоқларда токоферол жуда кам захирага эга, ҳамда неонатал ва чақалоқлик давридаги яллиғланиш жараёнлари натижасида вақтинчалик (қайтариланувчи) иммунитет танқислиги аниқланади [22]. Шу билан бирга, токоферол етишмовчилиги периферик ва мотор нервларининг шикастланиши туфайли атаксия, миопатия каби нейродегенератив касалликларга олиб келиши мумкин [31]. Экспериментал тадқиқотларда токоферолнинг миқдорининг ёш экспериментал каламушларда ўпқасининг яллиғланиш касалликларининг ўзгариши билан бевосита боғлиқлиги исботланган, бу айниқса аллергик ҳолатлар кузатилган ҳомиладор ва эмизикли каламушларда яққол намоён бўлган [9]. Бундан ташқари, ушбу иккала токоферол изоформаси биргаликда қўлланилганда,  $\gamma$ -токоферол  $\alpha$ -токоферолнинг иммунорегуляцион таъсирини бостириши аниқланган [10, 29]. Бундай иммуно-аллергик механизмлар эрта ёшда  $\alpha$ - ва  $\gamma$ -токоферол даражаси нисбатан паст бўлиши билан боғлиқ ва бу ўзгаришлар бола танасининг ёшга боғлиқ морфофункционал хусусиятлари, бир вақтнинг ўзида иммунитет тизимини етук эмаслиги билан боғлиқдир [9]. Гарчи бу гипотеза тўлиқ ўрганилмаган бўлса-да, бироқ,  $\alpha$ - ва  $\gamma$ -токофероллар нафакат нафас йўлларидаги аллергик патологияларида, балки вирусли ва бактериал келиб чиқишга эга патологик жараёнларда ҳам, эрта ёшдан бошлаб, ўпқада

